

Таҳририятга келган кўл ёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Нашрдан кўчириб босилганда “Ijod olami” дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Босишга 28.12.2017 йилда рухсат берилди.  
Қоғоз формати 60x84 1/8.  
Нашриёт ҳисоб тобоғи 8,7.  
Индекс 1290.  
ISSN 2181-8959. Журнал 2016 йил 15 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0893 рақами билан рўйхатга олинган.  
“SILVER STAR PRINT”  
МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Буюртма № . Адади 1150 дона.  
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,  
22-мавзе, 17-уй.

## МУНДАРИЖА

### ЁДИ ҲАМИША ЁДДА

Абдуҳалим ЭШМУРОДОВ. Истиқлол орзусида ёнган юраклар. .... 2

### ГУРУНГ

Йўлдош ЭШБЕК. Улуғлик ифори. .... 8

### НАЗМ

Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ. Ёз — они ғанимат, Кузи даргумон. .... 5

Фароғат ХУДОЙҚУЛОВА. Дардингни шеърга ҳам ўгириб бўлмас. .... 22

Мансур ЖУМАЕВ. Бахтдан бўлак даъвойимиз йўқ. .... 32

Мўмин ВАФО. Оташин туйғулар урганда тугён. .... 62

### НАСР

Сойим ИСҲОҚ. Садоқат тоши. Ҳикоя. .... 14

Ҳамид АЛП. Норкаланинг уйланиши. Ҳикоя. .... 40

### МУТОЛАА

Абдураҳмон ПИРИМҚУЛОВ. Сўз кетидан кетгаймен. .... 24

### ТАДҚИҚОТ

Лайло ҲАСАНОВА. Оппоқ орзуларга бурканган байтлар. .... 34

### ҚАТРА

Ориф ҲОЖИ. Кўнглингизни пок сақланг. .... 28

### ДИЛЛАШУВ

Хемингуэйнинг ёшлар билан Хейлидаги суҳбати. .... 37

### ҲИКМАТ

Жан-Жак РУССО. Халқ бахти ҳақида. .... 45

### ЖАҲОН ҲИКОЯСИ

Иван БУНИН. Қўналға. Ҳикоя. .... 48

Камол ТОҲИР. Темир йўл изларининг овози. Ҳикоя. .... 60

### ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИ

Шойим ШЕРНАЗАР. Оқибат кўчаларида нима гап?! .... 52

### КУЗАТУВ

Турсун ҚОРАТОВЕВ дейдики... .... 54

### ДИЛКЎПРИК

Туркман шеърятидан таржималар. .... 56

### ШИНГИЛ ҲАНГОМА

Жуброн Халил ЖУБРОН. Кунлардан бир куни. .... 63



**Абдуҳалим ЭШМУРОДОВ,**  
Физика-математика фанлари  
номзоди, меҳнат фахрийси.

# ИСТИҚЛОЛ ОРЗУСИДА ЁНГАН ЮРАКЛАР

Жорий йилда Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаймиз. Мустақиллигимиз асосчиси, Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг порлоқ хотираси қалбимизда мангу яшайди.

Ислом Каримов 1989 йили, халқимиз қарамликнинг жабру зулмини тортиб, ҳуқуқи, шаъни оёқости бўлиб, ижтимоий-иқтисодий муаммолар қалашиб ётган оғир бир шароитда Ўзбекистонга раҳбар бўлди. Бунинг устига, собиқ марказ топшириғи билан «Пахта иши», «Ўзбек иши» деган тухматдан иборат айбловлар билан минг-минглаб одамлар асоссиз тергов қилинаётган, қамоққа ташланган, совет ҳукуматининг шафқатсиз қатағон сиёсати авж олган эди. Эзилган, хўрланган халқ ҳимояга, халоскорга муҳтож эди.

Қисқа вақт ичида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди, Наврўз байрами халқимизга қайтарилди, диний байрамлар тикланди, улуғ аждодларимиз номлари оқланди. Уларнинг бебаҳо мероси ўрганишга киришилди.

1991 йилнинг 31 августида таназзул пойида турганига қарамай, ҳар қандай хурфиқр инсонларни йўқ қилиб юборишга қодир Қизил

Империя шароитида, Республика-мизнинг доно ва жасоратли раҳбари Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллигини эълон қилган эди.

Биринчи Президентимиз бир умр бизни улуғ аждодларимиздан фахрланишга, ғурурланишга, уларга муносиб бўлишга даъват этиб келди. Дунёга оламшумул алломпалар, тенгсиз баҳодир ва саркардаларни етиштириб берган табаррук заминимизда бундай фарзандлар яна туғилиб улғайиши шубҳасиз. Шу боисдан Ислом Каримов халқимизни Мустақиллик томон бошлар экан, ўз кучи ва жасоратига ишонишдан ташқари, юртимиз халқ хўжалигининг турли жабҳаларида фаолият кўрсатиб келаётган ва худди ўзидек хурфиқр, турли фитнаю қийинчиликлардан кўрқмай олға интиладиган, ўз йўлбошчисига панд бермайдиган ватанпарвар, танти ўғлонлар кўп эканлигига ҳам амин бўлгандирлар.

Ўша долғали даврда юраклари буюк Истиқлол орзусида ёнган, Юртбошимизнинг жасоратли интилишларига чиндан ҳам қанот ва далда бўла олган шундай юртдошларимизнинг айримлари ҳақида сўз юритмоқчиман...

### *Ғиждувонлик ғидойи зот*

Ўтган асрнинг 70-йилларида Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманида раҳбар бўлиб ишлаган Салим Каримович Раҳимов тумандаги тарихий обидаларни асраб қолишда ҳам жонбозлик кўрсатган эди.

Салим ака юқори раҳбарлик лавозимларига кўтарилганига қадар ўрта мактабда тарих фанидан дарс берганлар. Шу боисдан юртимиз тарихини жуда яхши билганлар. Маълумки, Мирзо Улуғбек ҳазратлари Ғиждувон шаҳрида улуғ бобокалонимиз Абдуҳолиқ Ғиждувоний хотирасига атаб масжид, мадраса ва тош ҳаммом қурдирганлар. Замонлар ўтиб, илм даргоҳи бўлган мадраса биниси туман кўзи ожизлар идорасининг шолча тўқиладиган корхонасига, масжид худуди эса ғалла бозорга айлантирилган. Бу икки даргоҳ биргаликда ягона мажмуани ташкил этувчи қабристон ўрнида эса 60-йилларнинг бошларигача эшаксарой ташкил этилган эди. Бухоро вилояти худудида энг катта бозор саналган Ғиждувон бозорига теварак-атрофдаги барча қишлоқ ва туманлардан келадиган харидорлар ўзларининг ўша пайтдаги ягона уловлари бўлмиш эшакларини шу саройда қолдириб, бозор-ўчалари-



ни қилишга жўнар эдилар. Автомобиль транспорти эшак араваларни сиқиб чиқаргач, эшаксаройи тугатилиб, унинг ўрнида прокуратура, маиший хизмат кўрсатиш корхонаси ва бир қатор магазинлар қурилиб, ишга туширилган эди.

Туман раҳбарлигига тайинлангач, Салим ака ғиждувонлик оқсоқолларни тўплаб, юқорида айтиб ўтилган тарихий бебаҳо иншоотлар ҳовлиси саҳнига ётқизилган, айни пайтда йўқ бўлган япалоқ (мусулмони) ғишлар тақдири тўғрисида ахборот сўрайдилар. Маълум бўлишича, бу бебаҳо ашёлар туман ҳудудидаги бир қанча қурилишларда ишлатиб юборилган экан. Шунда Салим ака “Улуғ бобокалонимиз Мирзо Улуғбек ҳазратларининг назарлари тушган ҳар бир ашё ўзининг жойида бўлиши керак. Масжид ва мадрасадан олиб кетилган ғишларнинг биттасини ҳам қолдирмай ўз жойига қайтариб қўййлик. Бугунги иншоотларни эса тарихий обидаларни бузиб олинган ғишлардан эмас, балки замонавий қурилиш воситалари ишлатиб тиклашимиз зарур”, деган хулосаларини баён этадилар. Шу тариқа Ғиждувондаги табаррук тарихий қадамжолар сақлаб қолинган эди...

Маълумки, ўтган асрнинг 80-йиллари ўртасида батамом ну-

раб бўлган “Советлар Империяси” раҳбарияти ўз ҳукмронлиги даврини имкони борича чўзиш мақсадида мамлакат иқтисодий инқирозининг асосий сабабчиси сифатида Ўзбекистонимизни кўрсатиб, “Пахта иши” деган қатағонни бошлаб юборди. Ўша мусибатли кунларда Республикаимизнинг доно раҳбари Шароф Рашидов вафот этганига кўп вақт ўтмаган эди. Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги раҳбарияти “Қанча кўпчиликни “катта оғалар” кўлига топширсак, ўз амалимизни сақлаб қолишимиз мумкин”, деган хомхаёллар билан турли лавозимлардаги ҳамюртларимизни жиноий жавобгарликка тортиш борасида мусобақаларга киришиб кетишди. Устидан ноҳақ жиноий иш қўзғатилиб, қамалганлар сафида Ғиждувон туманининг ўша пайтдаги раҳбари Салим ака Раҳимов ҳам бор эди. Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган суд мажлисларида Салим ака, гарчи жиноятлари тасдиқланмаган бўлса-да, олий жазога ҳукм этилди. Аммо Биринчи Президентимиз қайта-қайта таъкидлаганларидек, дунёда Олий Ҳақиқат мавжуд экан! Салим акани Абдуҳолиқ Ғиждувоний ва Мирзо Улуғбек ҳазратларининг пок руҳлари қўлладим, ҳар ҳолда жамиятимизда рўй берган туб ўзгаришлар натижасида ўлим

жазоси узоқ муддатли қамоқ жазоси билан алмаштирилди. Республикаимиз Мустақилликка эришгач, қамоқ жазоси ҳам бекор қилинди Салим ака ўз туғилиб ўсган юртига ёруғ юз билан қайтиб келдилар.

Салим ака ҳозирги кунда, гарчи ёши 80 дан ошган бўлса-да, ҳамон халқ ва юрт хизматида!

Ғиждувонда Мирзо Улуғбек ҳазратлари қурдирган мадраса ва масжид 2004 йили Биринчи Президентнинг алоҳида Фармони асосида тўлалигича таъмирланди.

### *Саломга яраша алик*

Миллати, тили, дини ва миллий урф-одатлари билан фахрланиш, уларнинг ўзгалар томонидан топталиши ёки камситилишига йўл қўймаслик – асл ватанпарвар инсонларга хос фазилатдир.

1966 – 71 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Биофизика институти Ядро физикаси институти таркибига кирар эди. Иқтидорли олим ва жамоат арбоби Жаҳонгир Ҳақимович Ҳамидов институт илмий котиби бўлиб ишлаган пайтларида қардош Грузия Республикасидан бир хат келган. Хат муаллифи ўз такаббурлигини намоён қилган ёки мамлакатнинг барча халқлари грузин тилидан хабардор бўлиши шарт, деб ҳисоблаганми, ҳар ҳолда мактуб гуржи тилида ва ажи-бужи ва “илмоқли” имлода ёзилган эди. Турган гапки, уни ҳеч ким ўқий олмаган. Хатни жавобсиз қолдириш, худди саломга алик олмасликдек бир гап. Шу сабабдан зукко устоз хатни олиб, Қибрай тумани марказидаги кабохонада ишлайдиган бир грузин йигит ҳузурига борадилар ва ундан хатнинг мазмунини тушунтириб беришини сўрайдилар. Маълум бўлишича, Грузия Фанлар академияси илмий текшириш институтларининг биридан келган хатда мутахассислиги соҳасида бир масалага устознинг муносабати сўралган экан.

Ўша пайтларда Республика миқёсидаги идоралар у ёқда турсин, ҳатто, чекка туманлардаги барча ишлар фақат рус тилида юри-





тиларди. Унга амал қилмаслик кўп салбий оқибатларга олиб келиши мумкин эди. Шунга қарамай, устоз ўзининг сўралган масалага муносабати билдирилган хатни ўзбек тилида тайёрлаб, зудлик билан уни Гуржистонга, сўралган манзилга жўнатиб юборадилар.

Саломга яраша алик-да!

### *Илми йўлманма берган эди...*

1973 йилда мен Тошкент Давлат университетининг физика факультети битирувчиси сифатида Ўзбекистон Фанлар академияси Электроника институтида диплом ишимни бажариб, уни аъло баҳода ҳимоя қилдим. Давлат имтиҳони Комиссиясининг хулосасига кўра, менга аспирантурага кириб, илмий фаолият билан шуғулланиш тавсия этилди. Аммо ўқиш пайтида аксари фанлардан нисбатан пастроқ баҳолар олган эдим. Шу сабабли Университет тақсимот комиссияси илгарироқ мени Бухоро вилояти касб-ҳунар билим юрти бошқармаси ихтиёрига ишга юбориш ҳақида қарор қабул қилган эди. Шунга қарамасдан, диплом ишим раҳбари Мэлс Бедилонинг қистовлари ва ота-онамининг

рухсатлари билан Тошкентда қолиб, илмий иш билан шуғулланишга аҳд қилдим. Аммо бунинг учун Республика Олий таълим министрлигига ариза билан мурожаат этиб, мендан ёш мутахассис сифатида воз кечишига розилик олишим керак экан. Мен ҳеч кимга билдирмай ўша пайтда Республика Маориф министри лавозимида ишлаб турган Саид Шермухамедов қабулларига бордим. Ўзимни таништиргач, илмий иш билан шуғулланишимга йўл очилиши учун ёрдам беришларини сўрадим. Саид ака диплом ишим мавзуси ва унда амалга оширган ишларим тўғрисида батафсил сўраб олдилар. “Юқори қувватли лазер нурларининг турли жисмларга таъсири натижасида кечадиган жараёнлар”ни ўрганаётганлигимни айтдим. Шунда Саид аканинг кайфияти алланечук кўтарилиб кетди. Мени биринчи бор кўриб турганларига қарамай, Республика Касб-ҳунар давлат қўмитаси раҳбарияти хузурига бориб, ишимни ижобий ҳал қилиб бердилар. Шу тариқа у кишининг оқ фотиҳаси туфайли мен учун фан оламининг эшиклари очилди!

Кейинчалик билсам, худди ўша кезларда республикамызда “Ко-

герентлик ва ночизиқли оптика” мавзуида Бутуниттифоқ анжуманини ўтказиш учун саъй-ҳаракатлар бораётган экан. Илм оламидаги ушбу улкан ишни амалга ошириш Республика Фанлар академияси ва унинг 3 та йирик физика Институтилари олдидаги катта вазифа саналарди.

Хуллас, илмий анжуман Республика Маориф министрлиги, Низомий номидаги Тошкент давлат Педагогика институти ва “Физика-математика” кафедрасининг ўша кезларда илмий жамоатчиликка у қадар таниш бўлмаган жамоаси томонидан шараф билан амалга оширилди. 1974 йилнинг май ойида бўлиб ўтган ушбу илмий анжуманга Ломоносов номидаги Москва давлат университети ректори, академик Рэм Викторович Хохлов раислик қилди. Анжуманда нафақат собиқ иттифоқ, балки бутун жаҳон илмий марказларидан етакчи олимлар иштирок этишди. Жумладан, мен ҳам ўзимнинг дастлабки илмий тадқиқотларим натижалари буйича илмий маъруза билан қатнашдим. Ўша пайтда лазерлар физикаси фаннинг янги йўналишларидан бири эди...

Юқорида эсланларим – фидойи зотлар Мустақиллигимиз пойдеворини яратишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган ҳамюртларимиздир. Уларнинг шижоатли

ҳаёт йўллари ёш авлодимиз учун ўзига хос ибрат мактабидир. Бугун орадан бир йил ўтиб, юрак-юрақдан тан олаяпмиз: Ислом Каримовнинг буюк хизматларидан яна бири шундаки, Ўзбекистон деган улуг юрт юкини елкасига дадил оладиган, имони бутун, садоқатли шогирдларни ҳам тарбиялаб кетган экан.

Йиллар ўтади, асрлар ўтади, авлодлар алмашади. Бироқ халқимиз мустақиллигимиз асосчиси, Биринчи Президентимизнинг жасоратли ҳаёти ва фаолиятини, мамлакатимиз тараққиёти йўлидаги тарихий хизматларини, эл-юртга кўрсатган беқиёс муҳаббатини, ҳаётимиз шиорига айланган васиятларини ҳеч қачон унутмайди.



ЁЗ — они таниматп,  
Кузи даргумон



Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ

*Ҷни*

Юракнинг шаклида туққан онаси,  
Латиф туйғуларга чайган юзини.  
Дилига жо эта бир ҳарир насийм,  
Уфорларга ошён қилиб сўзини,  
Зор қипқўйган, биздақларни йўлида...

2011 – 2017

*Меники бўлса*

Биласанми, сен  
Сахий Қуёшсан,  
Мен буни минг бора айтдим...  
Барчани  
Баробар иситсам, дейсан.  
Мен эса,  
Тафтинг фақат меники бўлса,  
Бир мени куйдирса,  
Ёндирса,  
Кул қилса, дейман.  
Қайдан бунча худбинлик менда?..

Эҳтимол, ўзинг айтарсан?!

24.01.2017

\* \* \*

Хувиллаб,  
Ҳилвираб қолган  
Бўм-бўш юракка  
Девдай жусса,  
Узун умрни ортиб,  
Элтяпман, Ўзига.  
Билмадим,  
Билмадим, нечун зарур экан,  
Унга...  
Ҳамма юз ўгирган,  
Бирон кимса керак билмаган  
Шу – хонавайрон эт!

12.02.2017

*Ёзупт бу...*

Яйрамайди ташвишлар менсиз,  
Ғамнинг менсиз қолмас ғамлиги?  
Йўқлаб турар кулфат ҳам тез-тез,  
Билинмайди камим, камлигим.

Нолимайман, бу – манглай, ахир,  
Неки ёзуқ, кўргум... барини.  
Қаттиқ кунларига иззатларим бор  
Қизғанмагани-чун ситамларини.

17.02.2017



\* \* \*

Вақт – ғанимат.  
Омонат бил –  
Ҳар дам ғанимат,  
Кунда уч-тўрт соат ухласанг бўлди.

Тежалган йигирма соатда энди,  
Ўзингни аямай, аямай... ўлдир.

Аяб ўтирма ҳеч,  
Жигарни, хунни,  
Неки даъвойинг бор, вужудингдан, ол.  
Бағрингни доғ қилиб ўтган шу куннинг  
Шукрини келтиру Биру Борга сол.

Иқтисод қил,  
Орзуларни ҳам,  
Ҳузур-ҳаловат деб ичиқаверма.  
Армон-ла узанган ҳар даминг байрам,  
Ҳар онинг ҳайитдир,  
Ҳар манзил зурва.

Ёз – они ғанимат,  
Кузи даргумон,  
Неча қорбўрон бор кўклам таъмига.  
Дийдор-ку қиёмат қадарлик ҳижрон,  
Шу азоб қисмати тортар домига...

Мен,  
Иқтисод қилдим,  
Ҳар тансиқ дамни...  
Кунда уч-тўрт соат ухладим, бўлди.  
Тежалган йигирма соатда энди,  
Билмадим, билмадим, қанчалик ўлдим!

13.02.2017

\* \* \*

Юрт шаъни,  
Эрки деб, эрлар энтикса,  
Эр қизларни туғса шаддод жувонлар.  
Аёллар номусдан совутлар тикса,  
Ҳаққу ор завқидан гувранса чоллар!..

Бу элнинг улимас<sup>1</sup>, қули бўлай, мен!

27.02.2017

<sup>1</sup> Ули – ўғли (шевада)

\* \* \*

Яхшиямки,  
Бор экан шу ғам,  
Йўқлаб турди кунда-кунора.  
Унутмади, ўкинчлари ҳам,  
Бир кунларда турдилар яраб.

Хайриятки,  
Ўзи бор, борлар  
Остонада бор айламади.  
Бор боримча бор қилди, шукр,  
Ўзга Борга бор, айламади!

14.03.2017

\* \* \*

Менинг танам  
Менинг таним,  
У фақат менга тан,  
Бир ўзимга тан.  
Гарчи у  
Эгамнинг мулки эса-да,  
Менга мусаллам...  
Хизматимдан ҳориб,  
Манзил айролиққа энганида ҳам,  
Мен учун ёруғлик излаб...  
Кириб кетар қаро заминга!

Менинг танам,  
Бугун – таним,  
Эрта ҳоби тупроқ – Ватаним!

25.04.2017

\* \* \*

Ўйларим –  
Уйларим.  
Исталган замон,  
Исталган маконда,  
Қўнқайтириб яшайвераман.  
Қани, кириб кўрсин, бирон кимса...  
Бузолмайди, бирон, соҳиби қирон.  
Солиққа тортолмас қаллоб полислар.

26.05.2017

\* \* \*

Боряпман  
Йўлнинг танобин тортиб,  
Танобимни тортиб келяпти у ҳам.  
Билмадим,  
Кимнинг сабри олдин тугаркин!

Ҳар қалай, мен йўл берсам керак!

31.07.2017

\* \* \*

Нафинг тегиб турса  
Жонсан, жигарсан,  
Ҳар касга ғойибдан етган атосан.  
Нафинг тегмай қолса, юзинг қародир.  
Қатордан хатосан – хассан, гадосан!  
Қора тортиб борсанг ўзин тортарлар,  
Қора тортганларинг мотамсародир.  
Ё, Худо,  
Бунчалар бебақо, оқибатларинг!

02.08.2017

\* \* \*

Куз.  
Салқин ҳаво –  
Чақар, ёқимли,  
Бир ёқимли жунжиқдим.  
Ажаб, бунча ёқимли  
Бу ҳавонинг чақиши!..

Куз. Ҳаво... Чақар ёқимли!

28.09.2017

## Ҳмр йўли

Ай, йўл,  
Ай, илон,  
Мени авраб, қаён элтурсан?  
Мана, олтмиш йилки,  
Мен билан биргасан,  
Билмадим,  
Қаёққа кетяпмиз сен билан.  
Айтмайсан, айтмайсан...  
Биламан-биламан,  
Йўлингдан ҳам қайтмайсан,  
Қайтмайсан!..

29.09.2017

\* \* \*

Хафақонроқ отди тонг,  
Салқиб қовоғи,  
Қуёш чиқди – кўзи тўла ғам.  
Бу ҳол куннинг кўнглига ботди,  
Қовоғи очилмай ўтди бугун ҳам.

Қовоғи очилмай  
Оқшом ёйилди,  
Қуёшни кутгали чиқмади уфқ.  
Меними, сўраманг,  
Минг йилдан буён  
Ғимирсиб юрибман. Кайфиятим йўқ!..

02.10.2017





# Улуғлик ифори

Таниқли шоир Йўлдош ЭШБЕК билан суҳбат

**Савол:**

– Сиз шоирсиз. Наср ҳақида, айниқса, Абдулла Қодирий ижоди хусусида бирор нарса ёзишни истанганмисиз?

**Жавоб:**

– Хоҳлаш... жуда хоҳлаганман. Бора-бора (йиллар давомида) бу истак мақсадга айланиб қолган, ҳа қолган, чунки ҳар гал ёзишга отланар, тараддулланар ва ниҳоятда кўрқардим... Фақат нима учун деб сўраманг, сўрасангиз-да, жавобим битта, гўё ҳамма менинг бу ҳолимни (нўноқлигимни) тушунадигандек. Ёзсам ёзajak нарсам ёзилгандан кейин, ёзмасам ёзмаган нарсам ёзилмагандан кейин, яъни ёзилмагани сабабли буткул тинчимни йўқотадигандек... йўқотардим ҳам, йўқотади ҳам: қандай чиқаркин, қандай чикдийкан, каби хавотирлар. Бу кўрқоқлик эмаса-да, кўрқув! Мана шу нарса ёзадиганларни адиб (шоир-ёзувчи) ва буткул ижод аҳлини адои тамом қилса керак деб ўйлайман. Балки хатодир, лекин мен шундай ўйлайман ва ўзим бу туйғудан, бу йўлдан озод дамларимни эслай олмайман. Бу жуда исканжалидир. Ниҳоят, ногаҳоний таклиф ва сизнинг саволингиз. Келинг, марҳамат қилинг! Суҳбатнинг кизиқарли чиқиши кўп жиҳатдан саволга боғлиқ (буни баҳона тарзида қабул қилсангиз ҳам розиман).

Шундай қилиб менга авваллар А.Қодирий жуда сирли адиб ва буюк инсон бўлиб туюларди. Ҳозир ҳам шундай. Балки ундан ҳам зиёда улуғ. Авваллар Қодирий ҳақда ҳамма нарса айтиб бўлингандек кўринарди. Ҳозир ҳам шундай. Лекин шу билан бирга ул даҳо зотнинг синов ва синоатларга тўла ҳаёти ва ижодида ҳар гал нимадир, қандайдир сир қолаётгандек бўларди. Ҳозир ҳам шундай. Ва нимадир у зот ҳақида ёзгим келар, бунга журъат этиб этмаслик орасида, бир ҳолда юргандек эдим. Ҳозир ҳам шундай. У зотнинг асарларидаги қуйма жумлалар, жозибали, гўзал тил ва рангин оҳанг, ёрқин тасвир йўсини, тафаккур тарзи (буни мағриб ва Оврўпада олимлар структурализм дейишади чоғи, бу бир метод) қизиқтирарди. Ва лекин асарнинг ўқувчида ҳосил қилган фикрини нима дейишарди, билмасдим. Ҳозир ҳам билмайман. Тафаккур юксак мақомдир. Барча ўқувчи мутафаккир даражасига етмаса-да, ҳар қалай фикрлайди, ёшлар фикрлашга ўрганади, ўйлари миқёс касб этади. Умуман ўқувчи халқни адабиёт бошқаради. Адабиётда шундай яхши маънодаги магик хусусият, яъни сеҳрли таъсир кучи мужассам. Шунинг учун тарихда баъзи ҳатто шўро замонида ҳам бадий адабиётни ҳукмдорлар ёқтиришмаган ва жосус, айғоқчи,

жаллодларини адиб (шоир, ёзувчи) нинг жуда яқинидан танлашган. Мамлакат эрксизлик зиндонига айлантирилганда, ота-бола, ака-ука бир-бирига сотқинга айлантирилганда, эзгуликка ўрин қолмади деб ўйланганда зиндонда кўпгина яхши одамлар ҳатто шундай ўйлаб қолиши ҳам мантиққа зид эмас, лекин умидга тескари. Барча дарчалар қаттиқ, маҳкам ёпилса-да, бир туйнук милтиллаб қолади. Бу адабиёт. Умидни шундай оғир дамда, зиндонда уни тарбиялаб, бепоён-буюк эркам элтади. Инсонни, миллатни зиндон бахтиёрига айлантиради. Мен Қодирийни, ўша пайтдаги ўқувчиларни шундай бахтиёрлар дегим келади.

**Савол:**

– Тафаккур нима?

**Жавоб:**

– Кўнгилдаги, ҳаётдаги яхши-ёмон нарсаларни, ҳодисаларни кўриб яратганнинг қудратини ўйлаш ва шукур қилишдир. Қодирий қаҳрамонлари, ўзи ҳам ёвузлик, зулм ичида яшаган бўлсалар-да, улар (нинг қалбларидан ва юзларидан) шукур нури таралиб туради. Чунки инсон, банд яхши ва ёмон кунларда ҳам шукур қилиши керак.

**Савол:**

– Бу борада, яъни тафаккур тарзида фарб ёзувчиларидан фарқимиз борми?



**Жавоб:**

– Албатта, бор. Йўқ, аввал бироз изоҳламасам мени айблашлари мумкин. Албатта, азалий-абадий туйғулар васфи, меҳр-муҳаббат, нафрат-адоват тасвири эса-да, бадий савия жойида, кўпгина ғарб ёзувчилари асарлари замирида шукр туйғуси сезилмайди, баъзиларида умуман йўқ. Бу сўзим кўпроқ замонавий адабиётга тааллуқли. Тафаккурнинг шарты эса шукрдир. Яхши-ёмон кунда яшамоқ шарты шукр. Аввало, кўпчилик тушунадиган тафаккур тарзида икки миллатдан ҳатто эътиқоддош адиб ҳам фарқланиши мумкин. Бу бошқа масала. Гап юқорида эслатганимиз юқори даражадаги ибодатга айланган, ибодатга тенг фикрлаш ҳақда кетмоқда. Бу ибодатга тафаккур этиб борилади.

**Савол:**

– Мумтоз адибларимиздан кимларни шу мақомда деб ҳисоблайсиз, шу рўйхатга А.Қодирийни ҳам қўшса бўладими?

**Жавоб:**

– Бу хатнинг бошида Ҳазрати Яссавий ва А.Қодирий туради.

**Савол:**

– Тушунишимча, демак, бизнинг ва мусулмон шарқи мутафаккир адиблари тафаккур тарзи “ядро”си шукр, ғарб адиблари учун эса бу шарт эмас.

**Жавоб:**

– Бу саволингизга қисман жавоб бердим. Нима учун қисман? Чунки бу мураккаб, узоқроқ ва узунроқ тадқиқотни талаб этади. Қисқароқ бир тарзда жавобимни янада ойдинлаштиришга ҳаракат қиламан. Ғарб ва Россия мумтоз адиб (шоир ва ёзувчи)лар, масалан, Пушкин, Тольстой, Гётеда бўртиб кўринади. Ғарбда ҳам, бизда ҳам А.Қодирийдан кейин кучли адиблар асарлари мавжуд эса-да, бу ҳолат сезилмайди. Сиёсий, руҳий (психологик) сабаблари борки, бу ҳам алоҳида мавзу. Чамаси мумтоз адиблар шукр туйғуси ичида ёки ёнида умид туйғуси борлигини чуқурроқ билган ёки бу ҳақиқий истеъдод учун табиий ҳол бўлганки, муҳими асар миллийлиги ва умуминсонийлиги ҳатто



юксак бадий савиясини, етуқлигини таъмин этган, адибни ўқувчини илоҳ ва илоҳият билан боғлаб турган. Барча буюк асарларнинг табиати шундай – ишқ, илтижо, умид, шукр. Фақат зоҳири кураш, ҳаяжон, ички талош, исёнлардан, оламдан, олам элидан шикоят.

А.Қодирийнинг асосий қаҳрамонлари оята ҳадисларни, мумтоз шоирларни яхши билишади, ҳаётларига татбиқ этишади. Қаҳрамонлари яхши билади деган сўз Қодирий яхши билади демакдир. Отабекни китоб билан, Анвар ва Раънони шеър айтишган ҳолда ва бошқа ҳолу корларида эса шукроналар билан тўлиб тошганини кўраемиз. Кумушнинг онасига хатини “Алҳамдулиллаҳ!” билан бошлаганини эсланг. Ҳолбуки, турмуши тинч, бир текис деб бўлмасди.

**Савол:**

– Фано недир?

**Жавоб:**

– Луғавий маънолари тугаш-туғалиш, вафот этмоқ, бақосизлик. Истилоҳий маъноси йўқ бўлиш, бу маънавий даража, бу йўқ бўлишда жисм иштироки муҳим эмас, яъни йўқ бўлиш маънавий жиҳатдан дунёдан узилиш, дунёдан узилиш эса жисман эмас, дунёга кўнгул қўймаслик, муҳаббат боғламаслик, халқ ичра Ҳақни ўйлаш, севиш, Ҳақ сифатлар ва хулқлар билан хулқланиш ва сифатланиш. Бу тасаввуфда энг юксак бир мақом; фано фиж

– шайх, фано фир – росулдан сўнғ фано филлаҳ – бу комиллик дегани. Киши (бад)нафсини тамом йўқ қилиб, бақода бор бўлишидир. Бу комиллик шубҳасиз, эл-юрт, миллат-ватан учун хизмат қилишидир. Миллат – ватан эса тараққийга комил зотлар билан(гина) киради. Ўткинчи, йўловчи каби камтаринлик касб этган маънолари билан бирга ҳазрати Навоийнинг Фоний тахаллусини ҳам бақода фано бўлиш деб тушунамиз, баъзан айтилганидек, турк адабиётида боқий, форс шеъриятида ўткинчи деб эмас. Турк ва жаҳон халқлари адабиёти ва тарихидаги боқийлигининг асосий сабаби фано мақомига кўтарилганида деб яхши гумон қиламиз. Йўқса, юқори (даги) мисралар туғилмасди. Мавзудан четлаб кетмадикми?

**Савол:**

– Йўқ. А.Қодирий қаҳрамонларида шу ҳаракатлар кўринадими? Тасаввуфга алоқаси борми? “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” кароматми? Шундай бўлса, Қодирий номига “ҳазрат” кўшилса жоизми? Умуман Қодирий ижодига, хотирасига муносабатимиз қай ҳолда? “Зиндон бахтиёрлари” ғалатиноқ, бир-бирига зид тушунчалар эмасми?

**Жавоб:**

– Ҳурмат қилган ҳурмат кўради. Буюк зотлар бизнинг мақтовларимизга зормас, бу ўзимиз, ёшларимиз, эл-юртимиз учун керак. Бундай ҳурматли муносабат



давлатимиз томонидан адо этилди, давлатимиз раҳбари томонидан билдирилди. А.Қодирий номига боғ, кўча, олийгоҳлар берилди. Энди соҳа олимлари, адиблар ғайрат кўрсатиши, ижодидаги ишоралар, пинҳон нуқталар устида тўхталиши, хотирлаши, суҳбатлар уюштириши, кечаларини ўтказиш жуда муҳимдир. Бу борада таниқли олим Баҳодир Карим ишлари эътибор ва эътирофга сазовордир.

Ҳақиқатда “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” ҳорикуллода ҳодисадирки, бир қанча йиллардан буён ўқувчиларни мафтун этиб келади, ҳайратларга солади, хатарли йилларда қўлма-қўл ўқилади, шундай хавфли замонда Қодирий ижоди намуналарини ўқиш жиноят бўлган бир пайтда кўнгли гўзалликка мафтун, гўзаллик билан ҳаёт кечирган халқ бахтиёр бўлмай ким бахтиёр бўлсин? Зиндон бахтиёрлари деганимнинг маънисини бу. Зиндон мамлакатнинг чиқиши – эрки йўқ эди, эркисиз миллат кўнгли ташналигини Қодирий асарлари суғориб турарди. Ҳозир ҳам, эркин замонларда ҳам шундай. Бу бадиий асар гўзаллигининг қудратидир. А.Қодирий романчиликнинг пири, Навоийси, раиси, подшоси. Демак, шоҳга шоҳона муносабат лозим. Ўсмир чоғларим роман (“Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”)ларнинг фақат ишқий саргузаштларига мафтун эдим, яъни фақат ишқий асар бўлиб туюларди, уларнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатларига, бу жиҳатларнинг чуқурроқ нуқталарига эътибор этмасдим. Аммо барибир бугун ҳам бу асарлар ҳақида Л.Арагон шошилиброқ, яъни тезроқ “Жамила” хусусида “дунёдаги энг гўзал севги достони” демаганида ҳам кимдир Қодирийнинг икки романи ҳақида айтган бўларди. Чунки Отабек – Кумуш, Анвар – Раънолар Лайли – Мажнун, Вомиқ – Узро, Тоҳир – Зухра, Алпомиш – Барчин қаторига кўтарилди. Ҳатто севимлилик жиҳатидан энг яқин бир манзилга айланиб қолди, десам бу улуғ (қаҳрамон)лар хафа бўлмас ва уларнинг улуғлигига ҳеч футур,

зарар етмас. Қодирийнинг бу қаҳрамонлари билан бутун турк халқлари, Буюк Турк Дунёси фахрланади десак янглишмаймиз. Чунки бу ҳақда уларнинг самимий эътирофлари бор адибларнинг, олимларнинг... Шундан келиб чиқиб бу икки роман “Дунёдаги энг гўзал ватан қўшиғи” дейилса ўринли. Чунки бу қаҳрамонлар билан бирга Юсуфбек Ҳожи, Мирзакарим Қутидор, Тошкентнинг қипчоқ қушбеғиси (Нормухаммад эдими), Султонали ва айниқса, Ҳасанали барча турк халқлари фахрланадилар, улар “Қипчоқ – қора чопон” дея одам ажратмасдан бешафқат замонда инсон номидан нафақат кўрсатадилар, кенг маънодаги ватан фарзандларига, ватан образ (тимсол)ларига айланадилар. Бу асарлар, бу қаҳрамонлар кенг китобхонлар, турли қатлам ўқувчилар кўнглини забт эта олди. Бу камдан-кам адибга насиб этадиган бахтдир. Демак, А.Қодирий инсон сифатида қийинчиликлар ва фожеаларга дуч келган бўлса, адиб сифатида буюк саодатга муяссар бўлди... ва аксинча... балки аксинчадир. Албатта, Қодирий ва бош қаҳрамонлари аро яқинлик, ўхшашлик мавжуд (Бу деярли барча буюк адиблар хусусида аввалдан айтилган сўз). Отабек шаҳид, Қодирий шоир, Юсуфбек Ҳожи валий, бундай дейишга журъатланишимизнинг сабаби романда Отабек: “– Тушунмаган Тошканд халқини Азизбекнинг макрига учканидан, энг охирида... – асарланиб тўхтаб олди, – маним шу ҳолга тушмоғимни каромат қабилида сўзлаб, менга бир мунча насиҳатлар ҳам қилғон эди” (101-бет, Ф.Фулум нашриёти, 1994). Ва Юсуфбек Ҳожи мактубидан алоқадор парчани келтирамиз: “Азизбек фотиҳа берди. Халқ уруш ҳозирлиғига киришди. Ана, ўғлим, бизнинг халқнинг ҳолига йиғлашни ҳам билмайсан, кулишни ҳам! Ҳар ҳолда Тошканд устига яқин қонлиқ булутлар чиқди, ишнинг охири нима билан тинчланар – бу бир Худогагина маълумдир. Бошқа сўзлардан ҳам ортиқроқ эсингга

шуни солиб ўтайки, сиёсат тўғрилида ўйланиброқ сўзла! Арзимаган сабаблар билан талаф (нобуд, Й.Эшбек) бўлган жонларни ҳамиша кўз олдинда тут! Сен билан меним кўнгилимиздаги яратучиғагина маълум бўлиб, аммо Фарғонада мени Азизбекнинг шерикидир, деб ўйлашлари ва сени бир фитначининг ўғли, деб танишлари эҳтимолдан йироқ эмасдир, шу жиҳатларни мулоҳаза қилиб оёғ бос!

... менам Ҳасаналига салом айт! Аддои отанг Юсуфбек Ҳожи, Тошканд, 27 далв ойида 1264-нчи йилда ёзилди”.

Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, шоир ва шоиртабиат, авлиё ва авлиёсифат қаҳрамонлар ички дунёсини, маънавий оламини – кўнглини маҳорат билан, бетакрор тадқиқ эта олган Қодирий ким?! “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” каромат бўлмаса, нима?!

#### Савол:

– Нега ғарб илмида илми ғариба қўлланмайди, бизнинг олимлар нуқул “хорижий” атамаларни ишлатишади?

#### Жавоб:

– Биламан, сиз мана энди Қодирийни ҳам мутасаввуфга чиқариб қўйишмоқда дея туғилажак эътирозларнинг олдини олиш учун ва очқични ўзимизнинг (қадимий, мумтоз) атамалардан излаш зарурлигига ишора этмоқ учун беряписиз, фаҳмимча, бу алоҳида кенг мавзу, бошқа суҳбатларимизда имкон қадар тўхталамиз. Ўз мавзумизга қайтамиз. “Келмади”ни биз тасаввуфий ғазал деймиз, ғазалга “Муножот” исми берилиши ҳам фикримизни далиллаб турибди. Баъзилар тушунчасича сўфиёна асар фақат охирот ва ухровий ҳодисалар ҳақида бўлиши керак, у ҳолда Данте энг улуғ сўфий бўлган бўларди. Бундай эмас, кўпгина тасаввуфий асарлар дунё воқеалари ҳақида

*Қул Хожа Аҳмад тоат қил,  
умринг билмам неча йил,  
Аслинг билсанг оби гил,  
яна гилга кетаро, –  
дегандай бўлади.*



Бу дунёда бўлгучи воқеалар. Тасаввуфий асар бўлишнинг шартлари бир талай, муҳими ўқувчига Ҳақни зикр эттириши, шу асосда Ҳақни англатиш. Ҳазрати Навоий юқорида келтирилган бандда йигитликда тавба қилган яхши, қарилликда бода ичишдан тарсолик яхши дейди, сўнг:

*Қориликда икки иштин киши бор  
элга азиз,  
Бири зухду бириси халқ аро  
нопайдолик.  
Эй Навоий, қаридинг гўжа тутиб,  
тоат қил,  
Бўлмайн хор десанг айлама  
базм оролик.*

Ҳазрати Навоий дунёвий май ҳақда битмоқда, лекин ғазал сўфиёна, яъни тасаввуфий асарлардан. Сўфийлик фақат жанда кийиб юриш (бу ҳам бор, маълум бир даврдагина, ҳатто кибрни ўлдирмоқ, нафснинг адабини бермоқ учун бой эса-да, баъзан тиланчилик қилишган) дашту саҳроларда ёқа йиртиш эмас, балки комилликка эришиб, инсониятга фойда келтиришдир. Гиёҳванд, бадмаст ҳолда комиллик даъво қилиш эмас. Юсуфбек Ҳожи ҳаётида Ҳазрат Яссавий ва Ҳазрат Навоий асарларидаги ғояларга амал қилади ва бу ғояларни имкон қадар амалга оширади – Тошкент беклиги (бироздан сўнг хон деган сўз)ни рад этади. Бундан ташқари кўнглида очқичи бор ўқувчи асардан кўпгина тасаввуфий унсурлар ва далиллар топа олади. Энди сизга саволни ўзим берай. Хўш, Қодирий тасаввуфни бу икки асарида мақсад қилиб олганми? Бизнингча, бу кўнгил қаърида кечган, мураккаб даврда яратганга боғлиқ муносабатларини қаҳрамонларига юклаган. Гап бунда эмас, гап асарнинг кўнгилда Ҳақ зикрини пайдо этишида, гўзаллик, улуғлик уруғларини экишида. Икки кўнгул ишқи ҳақиқий бўлгач, мажозий ишқ чекинади. Булар дунё тимсоли Зайнаб ва Абдурахмонлардир. Дунёда Зайнаблар, Абдурахмонлар, Хушрўйлар яхшиликка рўйхушлик бермайдилар, нафақат рўйхушлик бермайдилар, балки

қарши курашадилар, фақат девор ортидан. Чунки юзма-юз келишдан ожизлигини сезадилар. Лекин улар мутлақо ожизлар эмас. Дунё борки, Зайнаб, Ҳомид, Абдурахмонлар Отабек, Кумуш, Анвар, Раъноларга заҳар сочиш, ошларига оғу томиши билан овворалар (Бунга илож, дору, даво, нажот қайда? Барча сўфиёна асарлар шу саволга жавобдир). Ва шу тариқа қурбон беришларига сабабчи бўладилар. Шу тариқа ажабки, уларга ўхшаш янги халқ фарзандлари майдон эгаллашига ҳам беихтиёр сабабчи бўладилар. Чунки буларнинг ишқи ҳақиқийдир. Ишқлари маҳбубларига, аҳлига, халқига, ота-онасига, Ҳақ ва Холиқиғадир. Шу ерга келганда “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён”ни ўқиганимда қолиб кетаётган ниҳонлик секин очилаётгандай бўлади. Бунга Қодирийнинг ўзи ишора этади: “Кумуш яна бир кулиб қарағандан кейин уйдан чиқди. Отабек энди тамом ўзини босиб олган, эндиги юрак уриши фақат ҳалиги фаришта томонга ошиқибгина эди. Ўзи ёлғиз қолгандан сўнг нимага бўлса илжайди ва Ҳасаналига илгаригидан ҳам куюқроқ муҳаббат сездиди. Шу дақиқадан бошлаб кечирадиган масъуд кунларини тасаввурдан ожиз ва Зайнаб тўғрисида ўйлаб ҳам қарамас, бошқа гап эсига-да келмас эди” (323-бет). Бизнинг Қодирий ва у зотнинг ижодига бўлган муҳаббатимиз ҳам...

Бас, мўминнинг мўминга ишқи ҳақиқийдир, асло мажозий эмас! Синчиклаб ўқилса бундай ишора ва далилларни учратиш, кўриш мумкин. Гап фақат далилда эмас, гап фақат кўнгул сезишида ҳам эмас, гап далил билан кўнгул сезишида ёки кўнгул сезиши билан далилда! Соҳир рақам, сеҳрли очқич, сирлар калити ёки сирли калит шудир! Бу шифрми, кодми, семиотиками билмадим, лекин бу илми ғарибадир. Илми асрордир. Бу сўнгсиздир. Уни билдим деган зот йўқдир. Аммо яхши гумон қиламиз. Ва Навоийдек, Қодирийдек зотларга бу илмдан улушлар насиб этган бўлса, ёр бўлган бўлса ҳеч ажаб эмас.

### **Савол:**

– Шундай қилиб бу романларни сўфиёна дейишга журъат этамизми?

### **Жавоб:**

– Йўқ. Журъат этмаймиз. Мен бу асарлар каромат – ҳорикуллода ҳодиса дедим. Тасаввуф бўлмаи нима деганимда тасаввуфий унсурларга ишора этдим, насиб этганича далилладим. Тасаввуфий унсурлар сезилувчи барча асарлар шу соҳага айнан дахлдор дегани эмас, бу кўпчилик бўлиб келишиб оладиган соҳа эмас, балки ҳар кимнинг қарашига боғлиқ ҳодиса. Бу асарлар кароматлиги менинг назаримда аниқ, тўртта “Тазкиротул авлиё” китобларида зикр этилишича, барча каромат соҳиблари тасаввуфга мустаҳкам алоқали зотлардир.

Ҳатто шўро даврида ҳам баъзи адиблар (масалан, Ф.Фулум)нинг бу йўлда бўлгани тўғрисида аҳлиоиласидан, ихлосмандларидан эшитганмиз. Лекин А.Қодирий тўғрисида қўлимизда аниқ бир маълумот йўқ.

### **Савол:**

– А.Қодирий асарларининг ижодингизга таъсири, улардаги сўз қўллаш хусусиятлари ҳақида фикрингизни билишни истардик?

### **Жавоб:**

– Машқларимизга таъсир хусусида сизлар биласиз, сизлар айтишингиз одобга мувофиқ, шундай бўлса-да, мен таъсир этмаган деб айтмайман, бошқаларга таъсири хусусида сўзлаш мумкин. Таъсирсиз адабиёт бўлмайди. Қодирийнинг ўзлари ҳам шубҳасиз таъсирланган. Адабиётнинг бошқа бир исми Таъсирдир. Бизнинг тенгдошларимиз ҳам ўсмирлик чоғларида у зотнинг қаҳрамонларига тақлид қилишарди. Бу жуда гўзал эди. Ҳатто баъзи ёзувчиларимиз Қодирий ижоди таъсири билан муваффақиятга эришар, баъзилар очқроқ, баъзилар сездириб-сездирмай тақлид этишар, жой, замон, макон ўзгаргани билан таъсир йўлидан чиқиб кетиш мушкул бўларди. Кучли таъсирланишнинг ҳам бир жиҳати ёки бир жиҳатдан тақлиддир. Умуман тақлид ҳам табиий. Лекин бу табиийликнинг фойдаси кам, таъсирланиш тақлид доираси ичига

кўпроқ кириб кетган бўлса ҳам. Кейинроқ модернизм, постмодернизм сари юзландилар. Яхши асарлар юзага келди. “Меҳробдан чаён”, “Ўткан кунлар” мумтоз мақомида, юксаклигича, бетакрорлигида қолди. Тақлиднинг яна бир номи бор – такрор. Таъб такрордан ранжийди. Кўз, кулоқ, қўйинги, кўнгил зада бўлади ва беихтиёр модернизм йўлида кетатганни англаб қолади. Гап оқими, метод, жанрда эмас, реализм яхши, фантастика, модернизм ёмон деган гап йўқ, мукамал баъзи асарларда буларнинг барчаси мужассам ҳатто (чунки гап истеъдодда). Масалан, ҳазрат Навоий асарларида анъаначилар модернчиларга, модернчилар анъаначиларга бироз бўлса-да, олақаровчилар бор, шунинг учун бу хусусда тортишувларнинг самараси оз.

Болалигимда бир адабиётчи ҳазрати Навоий “фил”ни “пил” шаклида ишлатганини айтиб, байт ўқиди. “Э, Навоий ҳам ўзимиздан экан-ку” деб юбордим. Гурр кулги кўтарилди. Шевамиз шундай.

Бу кулгу мени бугунлар ҳам қувонч, ҳам қайғуга солади. Бу қайғу тил (лар)имиз (Буюк Турк Тили) ўзимиз каби бир-биридан узоқлашгандай бўлса, бу қувонч – буюк шоир ва ёзувчиларимиз ижодида шева ва лаҳжаларимизнинг сақланиб қолганидир. Қодирий ижоди бу борада ҳам сабоқ мактабидир. Мазкур романлардан мисоллар келтираман; томоқ емоқ, ҳавли, авлия, куяв, кундан афанди, домад, хуш келдинг, сафод келдинг, зихирмой, кетман, жилиниб (исиниб) каби сўзларнинг кўпчилиги қаҳрамонлар сўзлашувида эмас, муаллиф матнида келиши яна тўлқинланиб “Қодирий ҳам ўзимиздан экан!” деб юборишимга сабаб бўлади. Қаҳрамонлар, кичик қаҳрамон (персонаж)лар “чай”, “эна” деб сўзлайдилар. Баъзилар “қайнука” дейишади, бу “қайн-ука” дейишдек, чунки “қайн”нинг ичида “ука” бор. Қодирий эса тўғридан-тўғри “қайни” деб ишлатади. Чунки кўп жойларимизда шундай қўлланади. А.Қодирий гоҳ “қўйнак”, гоҳ “қўйлак” сингари баъзи сўзларни турли кўринишда ишлатади. Биз бир хил...

Ё ўша даврларда болалар иншо ёзишмаганмикан?

**Савол:**

– Адабий суҳбатларда “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” да анъанавийлик зиёда, асар воқеалари эзгулик ғалабаси билан тугайди, ёвузлик-чи, деган сўзлар эшитилиб қоларди...

**Жавоб:**

– Қандай қарашга боғлиқ, бу асарлар зоҳирида ёвузлик-эзгулик кураши акс этади, қайси ғолиб ёки мағлуб экани ўқувчининг мушоҳада қилишига қолади. Анварнинг она шаҳридан, халққа катта фойда келтираётган лавозимидан айрилиши, гарчи бу ўзининг сўфийларга яқин қарашлари сабаб руҳий қийноқлардан озод бўлишни хоҳласа, интилса ҳам. Отабек ва Кумуш ҳаёти хотимасини қаранг... фожиавий эмасми?! Албатта, фожиавий, ғам-ғуссага тўла. Қаҳрамонлар ҳаётини ўйлаб қайғуга чўмган ўқувчилар адибдан рози, асарга мафтун, адибдан мамнун бўладилар.

Китобий эса-да, жавобимиз бор – асарлар маҳзун тугаса-да, эзгулик ёвузлик устидан ғалаба қозонади. Бу адабий суҳбатчилар сўзи билан зоҳиран бир бўлса-да, моҳиятан ҳар хил. Икки асарда ҳам асосий қаҳрамонлар халқ тимсолига (ҳатто ватан тимсолига) айланади – асло адолатсизликдан рози бўлмайди. Макр, кибр, хунрезлик, ёвузлик ва босқинчиликка қарши курашадилар. Курашадилар – ғалаба шу! Бизнингча, бошқа ғалабалар, бошқа мағлубиятлар муваққатдир. Доим ўринлар алмашади, алмашиб келаверади. Курашлар давом этаверади. Қодирийнинг буюк сабоқларидан бири ҳам шу!

**Савол:**

– “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” да баднафслик масаласи, умуман нафсга эътибор қандай?

**Жавоб:**

– Нафс ёмонликларни йўқотишга ҳаракат, оят-ҳадисларга муҳаббат, хотиржамликка, гўзал хулқ ва одобга эришиш каби тасаввуф шартлари Қодирийнинг асосий ва асосиймас, бош ва бошмас қаҳра-



монларида ҳам кўринади. Юсуфбек Ҳожи хонадони аҳли, хусусан, Отабек – Ҳасанали муносабатлари (Ҳасаналининг Отабекдан изнсиз совчиликка бориб Кумушни битириб келиши ва бошқа муносабатлар) хўжайин-хизматкор муносабатларидан зиёда миллатимиз меҳр-оқибатини кўрсатади. Ҳақиқатан бош қаҳрамонлар чинакам миллат вакилларига айланади ва миллатимизга хос энг олий фазилатларни намоён этадики, бу асл Қодирий сабоқларидир. Анвар юксак лавозимни истамайди, чиркин муҳитдан нафсини узоқ тутгиси келади, бироқ халққа ёрдами тегаётгани учунгина тишини тишига қўйиб чидайди, ёнидагилар эса мансаб истайди, Анвар устидан юмалоқ хат – ифтиро уюштирадилар, бу бетимсол имоми Аъзам маноқибларини ҳам чуқур ўрганганликлари ва нафсини покиза тутиш билан ўзгаларга итоат бўлади.

Агар яхши-ёмон кишиларнинг совуғи (яъни совуқлик) ҳаддан ошиб кетса, сўлжайиб қоладилар, иссиқлари ҳаддан ошса, кутурадилар, хунрезлик, одам ўлдириш овунчоққа ва ўйинчоққа айланади, кўникма, одат бўлиб қолади, душманини ўзидан нодон фаҳмлайди, оламда бундайлар ҳозир ҳам борлигини, ҳатто кўпаётганини ҳисобга олсак, Қодирий сабоқларини ҳам доим ҳисобга олиб боришимизга тўғри келади. Бу иссиқ-совуқлик нима? Бу инсондаги моддий-жисмоний, руҳий-маъ-



навий қувват ёки қувватсизлик. Бошқача тил билан айтсак, оқ, қора кўнгуллар иши ёки кўнгулларнинг оқ, қора иши... Бу инсон вужудида, кўнглида қолиб кетмайди, сарф этилади. Худоёрхон ва Муслмонқуллар қамчисидан қон томади, халқни доимий кўрқувда, исканжада, кафтида қаттиқ тутишни гоёга айлантриб нафсларини аждарнинг оғзидай очиб юборади, оқибатда бу “аждар” уларни ямлаб-ямламай ютиб юборади. Қодирий баднафсликнинг ҳалокат эканини юксак бадий бўёқларда чизиб кўрсатади, насихат қилмаса, бу тасвирларнинг ўзи буюк насихатдир, сабоқдир. Баднафслар нафси покларга, нафси тўқларга ошкор ва зимдан уруш очадилар. Муслмонқул кибр тимсоли, кўрбоши пайтдан фойдаланиб пора ундириш пайида, нафс эса ҳеч тўймас сифатга эга, тўймайди ё бўқади, ё қармоққа илинади, ё наҳангнинг оғзига бус-бутун кириб кетадилар. Ҳомидда ҳам баднафслик, ҳам ҳасад, ҳам кибр, ҳам бузуқлик мужассам. Ҳаётда баъзи камбағаллар бойларга ҳасад қилдилар, аммо кибр қилмайдилар. Ҳасад кибрни эмас, кибр ҳасадни туғдиради, туғади. Кибр – ҳасаднинг ота-онаси. Баттол, Ҳомидлар, қошини териб юрувчи Абдурахмонлар Мирзо Анвар, Мирзо Султоналиларнинг, Уста Олим, Уста Фарфиларнинг оёққа туриб, ўзларини тутиб олишларини кўролмайдилар. Чунки бировни ўзидан паст, ҳақир кўриш кибрдир; шу ялангоёқларга кунимиз қоладими, йўқотиш керк! Баднафслик, ҳасад, кибр туфайли ҳатто уруғлар, миллатлар аро урушлар келиб чиқади. Миллат орасига, миллатлар орасига низо уруғини сочиб, орани совутади, душманга айлантирадилар. Нафси поклар ибодатларини тоза, тўқисадо этадилар, миллатни аҳли жипслаштиришга, давлат ва жамиятни қувватлантириб, мустаҳкамлашга ғайрат кўрсатадилар. Бу “Силсилаи олия”нинг Нақшбандия

халқаси йўлига жуда ўхшаб кетади: “Дил ба ёр, даст ба кор”. Албатта, бу икки роман сўфийлар ҳаётидан ҳикоя қилмайди, соф бош қахрамонларнинг ҳаёт тарзлари тасаввуф шартларига мувофиқ келади демоқчимиз. Тасаввуфнинг шартлари кўпроқ. Бу мўътабар романлар фирромлик ҳам баднафсликдан келиб чиқиши ҳақида сабоқ беради ва ўйга толдиради.

**Савол:**

– Бек ким? “Бек йигит-чи?” Отабекка “Бек”, “бег ака” каби мурожаатларни қандай тушунамиз? Қодирийга шундай мурожаат қилишганмикин?

**Жавоб:**

– Луғатларда бек – ҳоким, сарой аёнлари, подшога яқин кишилар. Қишлоқ, шаҳар, вилоят ҳокимлари. Қадимда подшоҳ ва хонларга нисбатан ҳам қўлланилган. Ўғузхон, Ўғузбек (кейинчалик “ғи” тушиб Ўзбек ҳолига келган ва неварасига ҳам Ўзбек деб исмини берган. Баъзиларнинг “ўзбек” сўзи исбоқар, исбоқар сўзларидан келиб чиққан дея тотемларга боғлаши ҳақиқатдан кўп йироқ, номланишидан қатъий назар ўзбеклар Ўғузхондан аввал ҳам мавжуд эди, омон билан ер, одам билан ит қадар). Баъзи амалдорларга берилган унвон. Баъзиларга мерос бўлиб ўтган унвон. Қўшимча қилардикки, турк халқларидаги уруғ ва шу уруғ номи, бу катта бир уруғнинг тармоғи, ота-боболари катта амалдор ўтган. Демак, сулола номи ҳамдир.

Истилоҳий маънолари: маънавий-атли-маърифатли, ҳамиятли, маданиятли, бир сўзли, кўрқмас, ўз жойини, ўз юртини кўрувчи, яқинларига, элига посбон. Шу хислатларга эга йигитни “бек йигит” дейишади, халқ орасида жасур, сахий, танти, жўмард, ориятли йигитларга айтилади, шунингдек, жонон йигит, йигитларнинг султони, йигитларнинг гули ҳам дейишади.

Қодирийга бу ном билан мурожаат қилишганми, йўқми, билмадим. Бу номни, бу унвонни

агар Қодирий кўтармаса, бошқа кўтаролмайди. Чунки Қодирий кўп асрлик маънавият султонларининг биригина эмас, энг кўзга кўрингани – Улуғ Бекдир!

Шунингдек, Қодирийдек зотларга ота-оналар яхши ҳавас билан, умид билан болаларини шундай исмлайдилар. Бу яхши. Бироқ баъзилар ёшлари бир жойга бориб қолгач, номлари кўпчиликка танилиб, кўникилиб бўлгач, исмини ёки қўшимчасини ўзгартириб, ўчириб “бек”ни қўшиб оладилар, натижа булки, ўчилган қўшимча барибир кўриниб тураверади. Бироқ ноумид шайтон, Ўзбекларнинг барчаси беклардир.

**Савол:**

– Сиз адабиёт инсонни камол топтиришига, кўнглига эзгулик, улуғлик уруғларини экишига, инсониятни қандайдир бошқаришига ишонасизми?

**Жавоб:**

– “Қандайдир” эмас, тўппа-тўғри (маънода) бошқаради, агар гўзаллик, эзгулик уруғини кўнгил (сахроси, замини)га адабиёт экмаса, бошқа нарса эколмайди. Ҳатто дину диёнат, иймон ҳам адабиёт орқали мустаҳкамланади. Ёшим етмишга яқинлашмоқда, неча йилки, мени Ҳазрати Яссавий, Ҳазрати Навоий, Эргаш Жуманбулбул, Чўлпон, Қ.Муҳаммадий, А.Қодирий бошқариб келади. Бу зотларнинг ҳар бири ўз йўли (жанри)нинг пири, руҳларини шод қилайлик. Адабиёт инсоният (кўнгли)ни бошқаради. Кўрқитиб бошқарувчи тизимлар мавжуд бўлган, бироқ муваққат. Чунки халқ ва адабиёт буюқдир. Қодирийда юз Анвар, минг Отабек кучи бўлгани аниқ. Албатта, бу сўзимнинг ичида надоматимиз бор. У бевафо дунёни, байтул жафони жуда эрта тарк этди. Ва жуда эрта кўнгил уйига мардона кириб борди, забт этди. Фатҳ этди. Шеър ёзганини эшитмаганимизда ҳам шоирлигини билган бўлардик, асарларида шоирона руҳ балқиб, ёлқинланиб, порлаб туради, уни шод этайлик!

Сухбатдош: **Абдумурод ТИЛОВОВ**



Сойим ИСХОҚ

1

Макиён бургут тепаликдаги йириккина туятошга қўниб, ўзидан таҳминан эллик-олтмиш қадамча қуйидаги кичикроқ уйдаи келадиган туятош ёнида барра майсаларни чимдиётган кулранг қуённи диққат билан кузатарди. Унга ҳаялламай човут соларди. Лекин қуёндан атиги эллик қадам наридаги ўтлар орасида пусиб ётган овчини ҳам кўрган. Қўлидаги ғалати қурол унга таниш. Пақиллаб эшитиладиган баланд товушидан жуда кўрқади. Унинг кўп жонлиларни жонсизга айлантирганини кўрган. Шу сабабдан ҳозирча қимирламай қулай фурсатни кутмоқда.

Овчи қуённи аллақачон отган бўларди. Атрофидаги тошлар, анчагина бўй тортиб қолган ўт-ўланлар аниқ нишонга олишига ҳалақит бераётган бўлса керак, очикроқ жойга чиқишини сабр билан кутиб ётарди...

Бир маҳал қуён ўзига дўнаётган хавфни пайқади шекилли, қутилмаганда ўт-ўланлар ҳамда тошларни паналаб ура қочди. Макиён зувиллаб қуйига учди. Қачондан буён сабр билан кутаётган нақдинасининг қочиб кетаётганини кўриб, овчини унутиб қўйди. У эса ўрнидан даст кўтарилиб, бургутни нишонга олди. Пақиллаб ўқ овози эшитилди.

Бургут жон талвасасида бир марта чархпалакдай айланди-ю, қуйидаги туятошга боши билан қаттиқ урилди ва қум-шағалли ерга шалвираб тушиб қимирламай қолди.

Овчининг бутун диққати қуёндалигига қарамай, тепасида айланиб учаётган Чипорни назардан қочирмагани, у ҳам қуённи пойлаб юрган бўлса керак, деб ўйлади. Аммо ортиқча эътибор бермади. Қуён қулайроқ жойга чиқса отмоқчи бўлиб, қўшотар милтиғини шайлаб ётаверди. Ўқ овозини эшитгач, иккала бургут ҳам кўрқиб, кўтарилиб учиб кетишига ишонарди. Бироқ бундай бўлмади. Овини у қочириб юборди деб ўйладими, аламдан беихтиёр ўрнидан туриб, Макиёни нишонга олди.

Бу пайтда нар бургут юз метрлар чамаси баландликда давра ясаб, сассиз-садосиз учиб юрарди. Тўшидаги ва бўйни тагидаги патлар яқинроқдан қандайдир чипорроқ рангда кўринганидан, одамлар уни бошқа бургутлардан яхши фарқлар ҳамда ўзларича Чипор деб ном қўйиб олишганди. Анча тажовузкор эди у. Баъзи-баъзида одамларнинг товуғу жўжалари, кўзию улоқларини олиб қочишдан ҳам тап тортмасди. Шу туфайли турли майда зараркунандалар – кемирувчиларни қириб фойда келтиришига қарамай,

Ҳикоя

# Садоқат тоши

айримлар чипорни унчалик хушламасди. Қишлоқлари тепасида учиб юрганини кўрса: “Отинг ўчсин” – дейишарди ғижиниб. Кўпчилик эса бургутларни куч-қудрат, эрк тимсоли деб биларди...

Чипор анча юксақда парвоз қилаётганига қарамай овчини ҳам, қуённи ҳам яқингинасида тургандай аниқ кўраётганди. Шу туфайли Макиёнининг туятошда сабр қилиб кутаётганидан, овчидан чўчиётганини сездди. Бўлмасам аллақачон қуёнга човут соларди. Унинг ўрнида бўлганида, шубҳасиз, ўзи ҳам шундай қилган бўларди.

Бари бир, Чипорнинг юрагида нимадандир ҳадиксираш пайдо бўлди. Нимадан ҳадик олаётганини ўзи тузукроқ англамай бир поғона пастга шўнғиди. Шу баландликда яна аввалгидек давра ясаб учаётганида пақиллаб ўқ овози эшитилди. Чипорнинг кўз ўнгида Макиён чарх уриб бир айланди-ю, учиб бориб боши билан пастдаги туятошга зарб билан урилди.

Ногоҳ Чипорнинг вужуд-вужудини қаттиқ оғриқ ғижимлаб ўтгандай бўлди. Жажжи юрагидаги қон қайнаб, беихтиёр овчидан ўч олиш ҳиссини уйғотди. Чангалларини кенг очганича, зувиллаб у томонга учди.

Овчи Чипорнинг тепасида айланиб юрганидан хавфсираганми



ё хушёрлик юзасиданми, дарҳол осмонга қаради-ю, ўқдай учиб тусаётган бургутни кўриб ақли шошди. У жуда яқинлашиб қолганди. Шошилиб қўшотаридаги иккинчи ўқни бўшатди. Аниқ нишонга ололмаганидан ўқи хато кетди: ўнг қанотининг орқа патларидан икки-учтаси узилиб, ҳавода пирпираб қолди. Ўзи эса унинг шундоққина боши ёнидан яшиндай учиб ўтиб, тепалик ортида кўздан йўқолди.

Милтиқнинг товуши Чипорни ҳам ваҳимага солди. У яна ўқ узилишидан кўрққанми, беихтиёр йўналишини салгина ўзгартирди ва балки ҳаётида биринчи мартадир, мақсадига етолмади – овчининг юз-кўзларига чангал урولмади. Шунга қолганида журъати етмай, йўналишини озгина ўзгартирганини ўзи сезмай қолди. Овчи эса қўшотари қувуридаги бўшаган патронларни чиқариб, қайта ўқлашга улгурмади. Тайёр бўлганида бургут анча узоқлаб, тоғ чўққилари томон шиддат билан кўтарилиб борарди.

## 2

Чипор юксак тоғ тепасидаги қоятошга қўниб олганича, диққат билан овчининг ҳаракатини кузатди. Бу пайтда инига киришга улгурган чоғи, қуён кўринмай қолди. Овчи эса шошилмай келиб, милтиқнинг сумбаси билан ўлган бургутни жойидан кўтарди. Боши ва елкасини ўқ титиб юборганини кўргач, унга қўл теккизмай бир четга улоқтирди-да, йўлида давом этаверди.

Овчи анча узоқлаб кетгач Чипор шувиллаб пастга шўнғиди. Шу тезликда жуфтига яқинлашиб, озроқ баландга кўтарилди ва хоки туброқ бўлиб ётган макиёни ёнига аста кўнди. Қимирлаб қолишидан умидвор бўлдими, бир зум жасадга ғамгин тикилиб турди. Сўнгра панжаси билан секин иккинчи тарафига айлантриб қаради. Шундагина ундан абадий ажралганини ҳис қилиб, алам билан панжаларида ер тимдалаб чуқурча ковлади. Унга жасадни тушириб, устига қум-шағал аралаш тупроқ торта бошлади. Мурдани яхшилаб кўмиб

бўлгач, устидан ўзи кўтароладиган йирик ва оғир тошлардан келтириб бостирди. Жуфтининг ўлигини бирор йиртқич еб хор қилмаслиги учун инсонларга хос шу аъмолни кам-кўстсиз бажарди. Эҳтимол шундай қилиш уларнинг ҳам азалий одатларидир...

У жуфтига сўнги дафъада ҳам меҳрини дариг тутмаса-да, болаларига анча қаттиққўллик қилган пайтлари бўлган. Вақтида ота-оналари ўзини ҳам шундай тарбиялаган эди.

Тўғри, ота-оналари уларни овқатнинг сархили – лаҳм гўшт билан боқишди, чўққиларнинг салқин тунларида бағрига олиб иссиқ сақлашди. Учирма бўлгунларига қадар зовдан қулаб нобуд бўлишидан хавфсираб, ковак оғзига яқинлаштиришмади. Шўхлик қилмоқчи бўлганларини аямай уясига иргитарди. Учириш пайти етганида бадтар шафқатсизлашиб кетишди: учишдан кўрқаётган болаларини бирин-сирин тумшук ва панжалари билан тош ковагидан ташқарига улоқтираверди. Бу ҳам камлик қилгандай, иссиқ ўринларига яна қайтмасликлари учун уясини батамом бузиб ташлади. Уя керак пайтида бургутларга уни қайтадан ясаб олиш қийин ишмас. Асосийси, жўжалар шу уяга қайтиб келишмаса бўлгани...

Анчагача уларга учиш-қўниш, нималарни ва қандай овлаш мумкинлигини ўргатиб, ёнларида юришди. Шу орада ўлимтик емаслик кўникмасини ҳам сингдириб боришди. Ўзлари мустақил яшаб кетоладиган бўлгач, ота-оналари бирдан қораларини ўчиришди. Қаёққа кетди, нега кетди – жўжалар буни билишмади. Зотан, билишларининг кераги ҳам бўлмади қолди. Ўз кунларини ўзлари кўравергач, уларни тездаёқ нутиб юборишди.

Ота бургутда кўринган баъзи белгилар Чипорга тўлиғича кўчди. Ердан даярли кўзга ташланмаса-да, унинг кўксига ола-була патлар бор эди. Чипорда эса бу белгилар анча қуюқ, паст учганида ердагиларга ҳам сезиларди...

Кузнинг охирларида “етим” жўжалар боши оққан томонларга тарқалиб кетишди. Бургутларнинг йиллар давомида шаклланган темир қонуни шундай: вояга етдингми, ўз бошинга бошқа макон топ! Чипор бу қонунга бўйсунмади. Нисбатан қисқа муддатдаёқ ўзига ёқиб қолган ва ота-оналари учун ҳам қадрдон бўлган бу тоғларни ташлаб кетгиси келмади.

## 3

Чўққилардаги қаҳратон изғиринларга тоб бериб, Чипор қишни амаллаб ёлғизликда ўтказди. Хон тоғига яна баҳор келди. Ниш уриб бўй чўзаётган майсаларнинг ифори баланд-баландларга кўтарилиб, унинг бошини айлантрираётган пайтда ота-оналари пайдо бўлишди. Лекин уни яқинларига йўлатмади – етти ёт бегонадек ҳайдашди. Чипор ноилож учиб кетди-ю, кузнинг охирларигача бу атрофларда қораси кўринмади.

У Хон тоғининг юксак чўққилари, шарқироқ сойлари ва Ёзкечув даштларининг серўт яйловларини жуда соғинган эди. Қиш олдидан тағин қадрдон гўшасига қайтди. Бу сафар ёлғиз эмасди. Ёнида ўзи қатори бир макиён бургутни ҳам эргаштириб келди.

Аввалига улар бир-бирларига яқиндек кўринган Хон тоғи, Ирғайли, Қорақуш ва Канали чўққиларини айланиб учишди. Кейин Ёзкечув даштлари орқали Қорачатоғу Ғубдин тоғларигача боришди. Сиртдан қараганда Чипор Макиёнга бу ҳудудларни шунчаки таништираётгандек кўринди. Аслида у бирон жойда кўриниб қолармикан деган, тасаввурида хирагина жонланаётган ота-оналарини излаганди. Улар аллақачон кетиб бўлганини пайқаб ортга қайтишди. Тахминан икки-уч юз чақирим масофани айланиб учишгач, Хон тоғининг юксак чўққисига ёнма-ён қўнишди...

Ёнида Макиён бўлгани туфайлими, Чипорга қиличини қайраб келган бу йилги қиш билинмай ўтиб кетгандай туюлди. Емиш масаласида мутлақо танқислик сезишмади.

Атрофда қуён, ёввойи қушлар кўп. Баъзан қишлоқлар ва чўпонларнинг отарлари тепасида пайдо бўлишадди. Бу ерлардан ҳам қандайдир ўлжа топилади. Одамлар қўлидаги аллақандай темиртакнинг ваҳимали овоз чиқарганини ҳам илк дафъа шу ерларда эшитишган. У пақиллаб товуш чиқарганида яқинроғида турган бирор ёввойи жонзотнинг йиқилиб жон берганини кўришган. Шу сабабли ундан ўта эҳтиёт бўлишадди.

Изғиринли кечаларда чўққи тагидага эски ковакка кириб жон сақлашди. Бу жой унга бегона эмас, қачонлардир ўзи ўсган ва пастга улоқтирилгач бузиб ташланган иссиқ уяси эди. Кунлар илий бошлагач, вужудида уни барқарор маконга айлантириш туйғуси уйғонди. Улкан туятош бағрини қўл билан ўйиб ишлангандай пайдо бўлган бу ковак ҳар тарафлама қулай ва ҳар қандай об-ҳавода ичига на изғирин шамол, на қор-ёмғир сувлари киролади. Афсус, Чипорнинг ширин ҳиссиётлари амалга ошмади. Бултурги рақиблар (энди улар ота-она эмас, ҳақиқий рақибларга айланишди) ковакни зўравонлик билан тортиб олишди ва ўзлари унда уя ясашга киришиб кетишди.

Бари бир Чипор Хон тоғини қолдириб, қаёққадир улоқиб кетишни истамасди. Ўжарлик билан чўққи атрофида парвоз қиларкан, қўлидан чиққан жойдан бор-йўғи эллик қадамча нарида яна бир ковак борлигини илғади. Уни илғари ҳам кўп кўрганди-ю, оғзини ўргимчак тўри ўраб турганидан деярли эътибор бермаганди. Фақат ўзи улғайган қўналға кўзига ўтдай иссиқ кўринарди. Туйғулари фақат шу инда муқим қолишга ундарди.

Янги ўйиқда уя қуриб яшаса бўладими-йўқми – Чипор буни билмасди. Шунинг учун енгил бурилиб, ковакнинг оғзига қўнди. Ўргимчак тўрини бир зумдаёқ у ёқ-бу ёққа суриб ташлагач, ёнига Макиён ҳам жойлашди. Ичкарини биргалашиб диққат билан кўздан кечиришди. Бирор хавфли жонзот эгаллаб олмаганмикан, деб чўчишди шекилли.

Ўйиқнинг ичи бўш, ақалли ўргимчак ҳам йўқ эди. Эҳтимол мезон билан илаштириб қачонлардир тоғ шамоллари олиб келгану жойнинг қулайлигини сезиб дарҳол озуқағамида тўр тўқишни бошлагандир. Бироқ бу баландликда унга озуқа бўладиган чивин-чиркайлар қаёқда! Бирда-ярим келиб қоладиганиниям тез-тез эсиб турувчи шамоллар пастликларга суриб кетади. Ўргимчак оч қолиб ё ўлган, ё вақтида жуфтагини ростлаб қолган. Пайдо бўлганидан буён бу баландликка одам ёки заҳарли судралувчилар тугул майда эчкемарсимонлар ҳам кўтарилолмаган бўлса керак. Қоя озроқ қиялаб тушгани туфайли текис ва силлиқ юзасида бирор ўсимлик ҳам кўкармаган. Бинобарин ҳеч нарсадан хавфсирамай макон қилаверса бўлади.

Ковак ҳар иккаласига маъқул келди: аввалги жойларидан озгина пастроқда бўлса-да, ичи кенг ва шинамгина.

Савқи табиий, фурсат ўткизмай бирин-кетин чуқур дарага шўнғишди. Пастдан хас-хашак, аллақандай ҳайвонларнинг буталарга илиниб қолган ва ерга тўкилган жунларини тўплаб, бўлажак маконларига ташишди. Ҳафсала билан уя қура бошлашди. Бу сафар раҳм-шафқатсиздай кўринган қўшнилари уларга монелик қилишмади. Шундай бўлганида ёш бургутлар қонли олишувга ҳам тайёр эдилар. Ўлсалар ҳам ўз топилдиқларини рақибларга осонликча топшириб кетишмасди.

Кўп ўтмай уя тайёр бўлди. Сал фурсат ўтгач Макиён унга кириб, тухум қўйишни бошлади. Ёш бўлгани учунми, атиги учта тухум қўйгач, биратўласи уларни босиб қолди. Энди Чипорнинг иши кўпайди. Ўзини тўйдиришдан ташқари, Макиённи ҳам боқиши керак бўлди.

Улар ҳам аждодлари каби анча-мунча очкўз ва мечкай эдилар. Чипор ўлжасини инига яқин келтириб терисини шилар, кейин гўштини парча-парча узиб макиён ва жўжаларига киритиб едирарди. Қолган-қутганини ўзи еб тери ва суюк-саёқларини дарага ирғитга-

нича, яна учиб кетарди. Жўжалар тухумдан чиққанидан кейин баттар тиними бўлмай қолди: қанча типратикон, жайра, юмронқозиқ, хатто зирхли тошбақаю заҳарли илонларнинг – гўштли нима учраса шуларнинг додини берди. Баъзан тоғу даштларда сергўшт ҳайвонларнинг лошини ҳам учратиб қоларди. Бироқ бургутлар ўлимтик эмасди. Жўжаларига ҳам бундай гўштни раво кўрмасди.

Бургутлар ер юзининг энг кучли паррандаларидан бири ҳисобланса-да, жўжалари тухумдан танаси тивитсимон юмшоқ, сийрак патлар билан қопланган, кўз ва қулоқлари юмук ҳатто оёқда ҳам яхши туролмайдиган нимжон бўлиб чиқишади. Кунлар ўтгани сари ота-оналари каби қўмақайлашиб, бақувватлашиб боришади. Шунда Чипорга ёрдам тариқасида ўзи ва жўжаларини етарлича тўйдириш мақсадида Макиён ҳам овга чиқишга мажбур бўлди...

Нихоят жўжаларни учуриш пайти етди. Чипор уларни уясида ҳайдаб чиқарди. Лекин биронтаси зовдан пастга сакрашни истамасди. Қўрққанларидан иссиқ уяси тарафга интилишди. Бундан оталарининг ғазаби кўзиди шекилли, уларни панжалари билан енгил чангаллаганича бирма-бир ташқарига аёвсиз ирғитаверди. Сўнгра жўжалар яна шу ерга қайтмасликлари учун уясини вайрон қилиб ташлади ва одатдаги вазифаларини бажариш учун ўзи ҳам ташқарига парвоз қилди. Шу билан кузнинг охирида мустақил ов қилишни пухта ўрганган жўжалар турли томонларга учиб кетишди. Ота-оналари уларнинг қаёққа кетганини билишмай, одатдагидай Хон тоғида қолаверишди.

#### 4

Чипор билан Макиён ўз ковакларда кўп йиллар тинч-тотув, аҳил-иноқ яшадилар. Бу орада кўплаб жўжаларни тарбиялаб учуриб юборишди. Кунларини ўзлари кўрадиган бўлгач, болалари бирин-кетин бошлари оққан томонларга улоқиб





кетишди. Бу йилига қайтиб келганлари ҳам бўлди. Ота-оналари бегонадек уясига яқинлаштирмагач, улар ҳам бутунлай қорасини ўчиришди.

Бу ҳол Макиён овчининг ўқидан ҳалок бўлгунига қадар давом этди. Кейин Чипорнинг қора кунлари бошланиб, тамомила яккаю ёлғизликда қолди. Негадир бошқа жуфт изламади. Қаттиқ совуқ ва ёғин-сочинларда паналамаса, уясига деярли кирмасди. Шунингдек, бошқаларни ҳам унга асло яқинлаштирмади. Ғамбода дилида гўё Макиёни ана-мана дегунча ёнига учиб келадигандай, гўё яна аввал-

гидек биргаликда давру даврон суришадигандек туюлган шекилли.

Кундузлари ов қилиб, қорни тўйгач тоғ ва даштлар устида шунчаки ўзини овутаётгандай сокин учиб юради. Тунда Хон тоғининг чўққисидан узоқларга – охири кўринмас кенгликларга ғамгин тикилганича, ўзига ҳам маълум бўлмаган туйғулар оғушида тонгни қаршилайди. Субҳи содиқда маълум бўладикки, тун бўйи юрагини чирмовуқдай ўраган умидбахш ҳисларининг биронтаси рўёбга чиқмаган. Шунда қарийб икки метр келадиган қанотларини алам билан парвоз учун ёзади.

Кечаги кун яна такрорланади...

Баъзи пайтларда Чипорнинг кичик юрагида жуда ҳам катта, орзусимон бир туйғу гупуриб, уни беихтиёр Макиённинг қабри томон етаклайди. Овни йиғиштириб, жуфти ётган жойга шошилади. Яқинидаги уйдай келадиган яссироқ туятошга қўниб, ўзи кўмган қабрга мунғайганича соатлаб термилиб ўтиради. Баъзан қабр устига ўзи келтириб босган тошларни у ёқ-бу ёққа ирғитиб, жасад устига тортилган кум-тупроқларни тит-пит қилиб юборгиси келади. Шундай қилса тагида кўмилиб ётган Макиёни оёққа қалқиб турадигандай, яна у билан бирга учиб кетадигандай туюлади. Бироқ нимадир шаштини босади. Онда-сонда қўшнилари ҳам учиб келиб, Чипорнинг у ёқ-бу ёғига сассизгина қўнишади. Гўё отасига ҳамдардлик билдираётгандай, қабр тарафга мунгли тикилишади. Бироқ тирикчиликлари эсларига тушади-ми, қанчадир фурсатдан сўнг яна учиб кетишади.

Чипорнинг мотамсаро аҳволини кўриб, шу тарафга йўли тушган кишиларнинг унга раҳми келади, ачинишади. Халал бермаслик учун иложи борича четлаб ўтишади. Қишлоққа қайтишгач кўрганларини бошқаларга айтиб, овчига дашном берганлар ҳам бўлди. Ўша куёнини Макиёнга берганида беш пули куярмиди! Арзимас ўлжасини қочиргани учун уни ўлдириши шартмиди!..

Айни маҳалда одамлар Чипорнинг ўз жуфтига кўрсатаётган садоқатига қойил бўлишарди. Кимдир қабр ёнидаги у қўниб ўтирадиган ва яралганидан буён ном кўйилмаган туятошни билиб-билмай “Садоқат тоши” деб атади. Бу атама жуда тез оммалашиб кетди. Инсон деб аталмиш буюк ва онгли хилқатнинг кўплари бемаҳал вафот этган жуфти ҳалолига шу онгсиз паррандачалик узоқ йиллар (балки умрбод) мотам тутмайди, вафо-садоқат ибратини кўрсатолмайди!..

Дашномлар овчига малол келди. Бу зиддиятли дунёда ким ўз нафси йўлида курашмайди. Макиён ҳам балойи нафси касрига қурбон бўл-



ди-ку. Сал бўлмаса Чипор ўзини ҳам ўлдираёвди. Хали-ханузгача ундан хавфсираб юради. Жамоат ичида даф қилолмайди. Овда ёлғиз юрганида кўлида қуроли бўлади. У милтиқнинг нималигини жуда яхши билади. Оддийгина калтак кўтариб юрса ҳам Чипор уни милтиқ ўрнида қабул қилади, керагидан ортиқ яқинлашолмайди...

Одамларнинг гапи асар қилиб, овчи аввалги сафар эплотмаган ишини биратўласи поёнига етказиб кўяқолмоқчи бўлди. Милтигини шайлаб, ўқдонини белига боғлади. Чипорни ўлдириш қасдида уйдан чиқди.

Ови бароридан келяпти шекилли, узоқданоқ қабр яқинидага туятошга кўнганича мунғайиб ўтирган Чипорни кўриб, дарҳол ўзини пананга олди. Аста-секин мўлжалидаги жойга етди ҳамки ғаними (овчининг кўзига у душмандек кўриниб қолганди) булк этмади.

Бургутлар – табиатан зийрак куш. Осмону фалакда учиб юриб ҳам ерда ўзини ҳар ёққа уриб, озуқа қидираётган сичқонни кўради. Юз қадамча наридаги чўпнинг “чирс” этиб синганини эшитади. Нега овчини пайқамаяпти? Балки жонига қасд қилаётгандир – Макиёнини ўлдирган бераҳмга ўзини ҳам қурбон қилдирмоқчидир. Жуфтисиз яшаш жонига теккан бўлса, ўлимни афзал билиб қолганмикан? Уни шу азобдан бутунлай қутқармоқ учун ҳам отиши керак!

Овчи ниятидан қайтмади, Чипорни учуриб отмоқчи бўлди. Шунда балки гуноҳи камаяр, бир махлуққа ўйламай қилган дилозорлигини Худо кечирар. Эҳтимол ўқи хато кетиб, Чипор қутулиб қолиши ҳам мумкиндир.

У нишонни кўздан қочирмаган ҳолда уч қадамча очиқ жойга чиқди. Бургут ақалли қимирлай демади. Уни кўрмаётгандай, ҳатто ўзини ҳам унутгандай бўлиб ўтираверди. Бу нарса овчига айрича таъсир қилди: ов эмас – бу, бу – бориб турган қотиллик!!

У юзлаб ёввойи паррандалару хайвонларни панада, пусиб ётиб отган. Лекин бирортасида қотиллик

қилипман, деб ўйламаган. Бу фикр миясига қаердан келди ўзи!

Қаёқдан келган бўлса ҳам, бу ўй овчининг вужудига ногаҳоний ларза солди. Қўшотарининг сумбасини анча тепароққа кўтариб, биринчи тепкини босди. Ўқ овозидан Чипор чўчиб тушди-ю, беихтиёр осмонга дувиллаб кўтарилди. Иккинчи тепки босилмади. Нишонни аниқ мўлжалга олиб, уни тез босишга овчининг виждони йўл қўймади. Чунки Чипорнинг ҳақиқий мотамда, ўзлигини унутган ҳолда ўтирганини англаб етган эди...

Қилган ишидан кўнгли тўлди чоғи, овчи шу ерданоқ уйига қайтди. Бу сафарги валломатлиги ўзининг феъли-хуйига унчалик мос келавермаса-да, кўнгли осмон қадар ўсган эди...

Чипор ўқ етмас юксакликдан овчини кузатди. У отаман деса ўша холатида омон қололмаслигини ҳис қилди. Негадир отмади.

Шу сабабли адоватни унутиб, у ҳам ўз кўналғасига – Хон тоғи чўққисига бадар учиб кетди.

## 5

Бу пайтда Чипор ўттиз ёшдан озроқ ошганди. Кейинги қарийб ўн йилда ёлғизлик, умид ва умидсизликда юраги зардобга тўлиб кетди. Бугунги ҳодиса тамом ортиқча бўлди. Овчи-ку раҳм қилди. Бундай борлик ва йўқлик орасига тушиб қолаверса, бир кунмас-бир кун фожиа рўй беришини сезди. Овчи бўлмаса бошқа бирор йиртқич осонгина тинчителиб қўйиши мумкин. Садоқат тошининг орқа тарафи анча япаски, ҳар қандай йиртқич: бўрими, тулкими – қир тарафидан келиб, бемалол устига чиқиб кетавериши мумкин. Шунинг учун муқим яшаётган жойини ҳам, Макиёнининг қабрини ҳам, овчини ҳам ва ниҳоят Садоқат тошини ҳам унутиб, бу ўлкалардан бадар кетиши кераклигини ҳис қилди. Энди у ҳамма нарсадан безган ва кўзига ҳеч нарса кўринмай қолганди.

Тун бўйи юрагини безовта қилган туйғулар тонгга бориб бир изга тушди ва қатъийлашди. Атроф

ёришгач, негадир қадрдон уясига кириб чиқди. Кейин ўзи айланиб парвоз қиладиган, мўл-кўл озуқа билан таъминлайдиган суюкли тоғлари ва дашт устидан давра ясаб бир марта айланиб чиқди-да, қайтиб яна Хон тоғи чўққисига кўнди. Мўлтираб Макиёнининг қабри тарафга қаради. Оралиқ анчагина бўлса-да уни аниқ кўрди. Лекин бошига бормади. Борса ташлаб кетолмай қолишидан кўрққандай эди.

У баланд чўққида туриб кўрганларининг ҳаммасига: чуқур даралару тоғлар силсиласи орасида яшнаб турган экинзорлар, гўзал боғлар, ўтлари қовжираган яйловчалар, қолаверса бутун ўтмишига алвидо айтгандай бўлди ва дувиллаб кўкка кўтарилди. Ортига қарамай жанубга – Ўбдинтоғ томонга учди. Тоғ чўққисига кўниб озроқ нафас ростлагач, яна парвоз қилди. Бунда ҳам ортига бир кур ўгирилиб қараб қўймади.

Шу кетишида неча марта қуёш чиқиб, неча марта ботганини билмади. Қаерлардадир тоғлар устидаги улкан тошларга кўниб тунади. Кундузлари қаерлардадир ов қилди. Қорнини тўқлагач озроқ шарққа оғиб, яна жануб томонга учди. Бир куни ёзнинг чилласида ҳам қор ва муз қоплаб ётадиган жойга – Помир ва Ҳимолай билан Ҳиндикуш туташадиган юксак тоғларга бориб қолди. Оралиқдаги баландроқ тоғларни ёнлаб, пастроқларидан ошиб Ҳинд дарёсининг Тибет томондан оқиб келаётган асосий ирмоғига чиқиб олди. Шунда кўзи чап тарафидаги баҳайбат чўққида тушди. Орти кўз илғамас уфқларга туташиб кетган, муз ва қор билан қопланган бузуқ тоғлар.

Чипор бундай жойларда ов қилиб ҳам, яшаб ҳам бўлмаслигини сезди. Шунинг учун дарё оқими бўйлаб қуйига учди. Эртасига Ҳинд дарёсининг нисбатан кичикроқ икки ирмоғидан учиб ўтиб, Ҳинд-Ганг пасттекислигига келиб қолди...

Хон тоғида Чипор ҳар қандай об-ҳавода тайсалламай парвоз қиларди. Энг нобоп кунларда ҳам овга чиқиб, каттами-кичик ўлжа билан



қайтарди. Бу жойлар унга бутунлай нотаниш. Шунинг учун эҳтиёт бўлиб учмоқда эди.

Ҳимолайдан ўтганидаёқ Чипор гуркираган баҳорни кўрди: баланд тоғ чўққилари қор кўрпасига ўралиб ётишса-да, воҳалар гулга бурканган, ҳамма ёқ ям-яшил ўтлар билан қопланган. Яшаш учун жуда қулай бўлиб кўринди. Овлоқларида озуқабоб жонзотлар сероб бўлгани учун шундай туюлди шекилли.

Қизиқсиндимми ё бунда ҳам қандайдир беҳаловатликни туйдимми, кейинроқ яна жанубга учди. Бир-икки кундан кейиноқ билдики, бунда авжи ёз. Қуёш осмондан бамисоли олов пуркайди. Суғорма экинзорлар ва боғлар яшил рангини умуман йўқотмаган эса-да, яйловлардаги ўт-ўланлар ҳарорат домида тамом қовжираб қолган. Одамлари ҳам жазирамада куйиб қорайиб кетгандай. Ер бағирлаб учганида иссиқдан нафаси қайтади. Юксакларда салгина эркин нафас олгандай туюлади-ю, бари бир қуёш устки патларини куйдиргудек бўлади.

Бу ерларнинг катта-кичик ҳайвонлари тунда ҳам озуқа қидиришга мослашган шекилли, аввал оқшомда ва эрта тонгданоқ изғиб юришади. Чипор кундузлари ов қилишга мослашган. Қуёш чиққач, кўп ўтмай атроф қизиб кетади. Барча жонзотлар тентирашни тўхташиб, ин-инига кириб олади ва қанча уринмасин, ови унчалик бароридан келмайди. Эрталаб тутгани битта-иккита сичқон ё юмронқозик билан қорни тўймайди. Шу туфайли иссиқда ҳам осмону фалакда парвоз қилиб, ер юзасини синчковлик билан кузатади. Қани энди кўзига бирор жонзот ташланса.

Бир куни ёлғизоёқ сўқмоқда тез судралиб кетаётган узун ва йўғонгина илонни кўриб қолди. Ҳар замонда терисининг қайсидир буралган жойи қияроқ тушаётган қуёш нурида ойнадай ялтираб кетади. Афтидан бу совуққон жонивор ҳам иссиқдан қочиб, бошпанасига шошилаётган бўлса керак.

Чипор шошилмай, пастлай бошлади. Илон уни пайқади. Ўзига

хавфли душман пайдо бўлганини сезиб, шартта орқасига ўгирилди ва бошини анча юқорига кўтарганича тилини билтанглата бошлади. Бўйнининг икки томони кенгайиб, шапалоқ кўринишидаги шаклга кирди. Кўзлари қонга тўлгандай қизарди. Афтидан ғаними тарафга шиддат билан сапчийдиган. Аммо сапчимади. Бургутни мўлжалидаги жойга келиб қолди дебми, кўзини шошилинч мўлжалга олиб, тизиллатиб заҳарини отди. Хайрият, заҳар Чипорнинг кўзига атиги икки қаричгина етмай пастга тўкилди. Аксинча олшувсиз ҳам уни маҳв қиларди.

У илоннинг бундай турини шунча яшаб сира кўрмаганди. Хон тоғида заҳарли илонларнинг турлари кўп. Уларнинг дуч келганини тап тортмай овлаган пайтлари оз бўлмаган. Аммо у тоғу даштларда капча (кобра) илонлар йўқ. Буни-сининг хавфли томони шундаки, душманини тишлаб эмас, тўрт-беш қадам наридан кўзига заҳар пуркаб тинчителини пайқади.

Табиат ато этган турғун сезгиси орқали Чипор буни жуда тез илғаб, унга қарши чора кўрди: илон қайта заҳар отишга улгурмасидан устидан шувиллаб учиб ўтди. Нарироқдан қайтиб, қанотларини вазмин силкитганича, аввалгисидан сал тепароқда тўхтади. Илон бу сафар бор кучини тўплаб, уст-устига икки марта заҳар отди. Олдингиси, барибир, бургутгача етиб бормади. Кейингиси ваҳимали очилиб турган оғзидан узоқламай ерга тўкилди. Бу унинг заҳари қарийб тугаганини билдирарди.

Заҳари деярли тугаб, ҳар қанча кучаниб пуркаганида ҳам бургутнинг кўзини нишонга ололмаслигини илон сезди. Жонини асраш учун сўқмоқдан чиқиб, ўзини қовжираган буталар орасига урди. Ўтлар ва буталар орасида учиб юрувчи ҳар қандай душманнинг ўзига човут солиши қийинлигини биларди чоғи.

Чирсиллаб қуриган бутасимон ўтлар орасидан уни ўзига зарар бергизмасдан тутиш осон эмасли-

гини Чипор ҳам пайқади. Шунинг учун қулай пайтни кутиб, тепасида бамайлихотир учиб бораверди. Буни илон ҳам билиб турарди. Бир пастқамликда шамол учуриб келиб босган хас-хашакларнинг тагига кириб жон сақлашга уринди. Бошини ерга босиб олдинга силжимоқчи бўлаётганида Чипор яшин тезлигида бўйнидан ғарчча чангаллади ва бир тирноғи билан бошини пастга босганича осмонга кўтариб кетди.

Ҳиндистоннинг бирор йитқичию паррандаси журъат қилиб бундай илонларга ташланолмасди. Ярим очлиги сабаблими ё билмаганиданми, Чипор шунга журъат қилди. Тасодифан омади келди. Бошини пастга босиб турган тирноғи ҳадемай миясини тешиб юборадигандай бўлаётганиди. Шу туфайли илон жон талвасасида буралиб, думини бургутнинг қанотлари орасидан ошириб ташлади ва уни сиқувга олмоқчи бўлди. Аммо эпллмади. Чипор фурсат ўтқизмай иккинчи панжаси билан унинг ҳали кўтарилиб улгурмаган белидан қаттиқ чангаллаб пастга босди ва думини қанотлари орасидан чиқариб юборди.

Чиқмаган жондан умид деганларидай, илон бари бир олишувни давом эттирди. Бу сафар думини айлантириб ёвининг бўйнига ташлади. Чипор шошилинч чора кўрмаса ўзи ҳам омон қолмаслигини ҳис қилди. Бошини сиқиб турган чангалига тақаб, иккинчи оёғининг ўткир ва бақувват тирноғи билан бир тортишдаёқ илоннинг қайиш бўлиб кетган терисининг устки қисмидан бир қаричини пичоқдай тилиб юборди. Бақувват тумшуғи билан гўштарини парча-парча юлиб, бир зумдаёқ умуртқа суягини очиб қўйди. Сўнг икки ёққа тортиб, бошини узиши қийин бўлмади.

Боши узилганидан кейин илоннинг икки метрлик танаси бўшашиб, думи пастга шалвираб тушди. Эндиги буралиб – ўралишлари Чипор учун хавфсиз эди...

6

Бу дўзахнинг нафасни қайтарувчи иссиқлари Чипорга ёқмади. Боз устига қуёш кўтарилгач, овланадиган жонзотлар ҳам кўринмай қолади. Шунинг учун орқага – кўклам нафаси уфуриб турган жойларга қайтди. Бунда тез-тез ёмғир сава-лаб турса-да, емиш ташвишини тортмас ва об-ҳаводаги беқарорлик унга таъсир қилмасди.

Доимий умргузаронлик қилиш учун келган бўлса-да, негадир у ҳанузгача бу ерларнинг инжиқ об-ҳавосига кўниколмади. Жуфт топишни хаёлига келтирмай яна қарийб ўн йил ёлғизликда яшади. Баъзида ихтиёрсиз Макиёни эслаб қолади. Бундан чуқур ғамга ботгандай, бирор баландликда қунишганича узоқ ўтиради. Мисоли хаёлга толганга ўхшаб кўрилади. Кўзларида ғалати бир мунг тўнғиб қолгандай. Хон тоғи чўққиси, салгина қуйироқдаги ўйиқда жойлашган уяси, Ёзкечув даштлари кўз олдида бор салобати ва жозибаси билан гавдаланади. Шундай пайтларда озуқалари мўл бўлса-да, яшаётган бу бегона жойлар кўнглига сиғмай қолади. Яна узоқларга бош олиб кетгиси келади. Лекин қаёққа?!

Шунда Хон тоғи, унинг чуқур даралари кўз олдида липиллаб қолади. Уларни яна кўришни, тепасида бир марта бўлса-да қанот кериб сокин парвоз қилишни кўмсайди. Вақти-вақти билан соғинч туйғуси юрагини жунбишга солиб, жуда ҳам азоб беради. Айниқса Садоқат тоши пойидаги ёлғизгина қабр тез-тез кўзига чалиниб, вужудига жаҳаннам оловини ёққандай бўлади. Ўша қабрни ўткир тирноқлари билан ўзи қазиб, Макиёнинг жасадини чуқур дард, чидаш қийин бўлган юрак оғриқлари билан ўзи кўмганди!

Ўқтин-ўқтин ҳаприқадагидан дилгир кўнглида ортида қолган ўша қабрдон диёрга бутунлай қайтиш майли уйғонди. Аммо уни амалга оширишга юраги дов бермайди. Пайқашича, жуда бемаҳал қариётгандай, тумшуғи ва панжаларидаги бақувват тирноқлар анча узайиб кучсизлангандай. Ушлаганини ав-

валгидай бир зумдаёқ тилка-пора қилолмайди. Қанотларидаги патлар ҳам узунлашиб вазмин тортган, олдингидай енгил ва чаққон ҳаракат қилолмайди. Шунга қарамай ўлжасини амаллаб тутаётир. Аммо баланд ва давомли парвозларда қанотлари толиқади.

Илгарилари осмону фалақда кун бўйи учганидаям чарчаш-толиқиш нималигини билмасди...

Анчагача узоқ парвозларга журъат қилолмади. Вужудини келмирайётган соғинч туйғуси қанчалик азоб бермасин, юрагида шунчалик кўрқув ҳисси ҳам бор эди. Энг кўрққани – катта куч сарфлаб ўтиладиган ва йўлида ҳафталаб бирма-бир тўсиқ бўлиб турадиган улғу тоғлардан ошиб ўтиш. Келаётганида баланд чўққилар уни шиддатли бўронлари билан кутиб олганди. Уларни ёнлаб учишнинг ўзи ваҳимага солади. Чўққилар бўронлар уясида қарс уриб бўй чўзгандай, уни пардай учириб, улкан қоятошларга хамирдай ёпиштириб қўядигандай туюлади.

У ортага қайтаётганимдаям шундай бўлади деган сезимда эди...

Чипор умрининг катта қисмини йил тўрт фаслга бўлинадиган юртда яшаб ўрганган. Баъзи йилларда ўн-ўн беш кунга фарқ қилмаса, уларнинг алмашувини кунигача билиб турарди. Хон тоғидан ёзнинг қоқ чилласида парвоз қилиб, қисқа муддатдаёқ қаҳратон қишга келиб қолгандай бўлувди. Доимий қор ва музликлар билан қопланиб ётишини ҳисобга олмаганда, бу тоғларда ҳар доим кучли шамол ва бўронлар бўлавермаслигини билмасди. Хотирасида биринчи кўрганлари тошдай қотиб қолганди.

Сокин тонларнинг бирида мудраб туш кўрдими ё миясининг қайсидир пучмоқларида сақланиб қолган кўҳна хотиралари жонландими, кўз олдида бирдан Садоқат тоши пойидаги ёлғиз қабр пайдо бўлди. У очилган, устидаги тош-тупроқлар ҳар томонга сочиб ташланган! Юраги шувиллаб туятошнинг тепасига қаради. Унда бўйини чўзганича ўзига тикилиб турган ёшгина Ма-

киёнини кўриб юраги ёрилаёзди. Фавқуллодда шиддат билан у томонга кўтарилди.

Белгисиз безовталиқ ва вужудини қамраган кучли ҳаяжон таъсирида сачраб ўзига келди ва беихтиёр ўқдай учиб кетди. Хайриятки, қаёққа учаётганини билмагани ҳолда йўли ғарби шимол томонга ўнганган. Балки томирларида шиддат билан оқаётган қонга аралашган табиий ҳислар уни шунга ундагандир. Энди ўзини бегона ерларда тутиб қолаладиган куч бу оламда йўқ эди. Инти-жинти билан тирик кўргани – жуфти томонга интиларди. Унинг тирилгани ва ўзини кутаётганига ишонч туйғуси кўксини лиммо-лим тўлдирганди!..

Бир кунлари или-милиқ кўкламга, кейин жазирама ёзга йўлиқди. Табиатнинг турли жойларда турлича терс ўзгаришларидан беҳабар бўлса-да, бундай иқлим ўзига таниш ва қадрдон эди.

Меъёридан ошиб оғирлашган қанотлари билан кўзлаган манзилига етолмай, ўлиб қолиши мумкинлигини бошданок ҳис қилганди. У ғайриихтиёрий равишда ўлимни бўйнига олди. Бегона тупроқларда жон берганидан кўра, ўзи учун муқаддас майл-истаклар йўлида оёқ узатиш афзалроқ туюлгандир. Лекин ҳаракат, интилиш ва Макиёнига етишиш майли унга қувват берди – ўлмайгина соғинган манзилларига яқинлашди. Бундан руҳланиб, бор овозида қийқириб юборди:

“Қи-и-ийқ-қ!!!”...

Бу сафарги парвози жуда ҳам хайрли кечди – ўтган жойларида бўрон тугул анчайин қаттиқроқ эсган шамолга ҳам дуч келмади. Ҳимолайдан кейинги тоғлар силсиласидан бемалол ошиб ўтди-ю, ўзига таниш мўътадил иқлимга тушганини ҳис қилди. Бу вужудига журъат ва қувват эндириб, кейинги парвозларини унчалик қийналмай давом эттирди. Қаерлардадир мадорини тиклаш учун ов қилди, қаерлардадир чўққиларга кўниб узоқроқ дам олди, хуллас, ўзи соғинган ва мудом талпиниб яшаган сарҳадларга етиб келди.



Ғўбдин тоғи билан Қатормоя тизмалари ораллигида ястаниб ётган Ёзкечув даштларини кесиб ўтиб, биринчи кўнган жойи Садоқат тоши бўлди. Лекин унда ўзини қутаётган Макиёни йўқ. Қабр ҳам очилмаган, аввалгидек ёлғиз, мунғайиб турарди. Атиги бир ойгина илгари кўрганлари билан бу кўраётганлари орасидаги фарқни англолмай Чипор ҳайратда эди.

Унинг қайтганини кўриб, яна тўртта бургут учиб келди ва у ёқ-бу ёқга кўнишди. Чипор уларнинг бегона бўлиб кетган ўз авлодлари эканлигини сезди. Гарчи тумшук тирашиб “кўриш”маган эсалар-да, атрофига келиб кўнганининг ўзи қондошлик ифодаси. Балки пастдаги ёлғиз, ғариб қабрда қайсидир момокалонлари ётганини улар ҳам ҳис қилишгандир. Лекин боболари шу юртнинг меҳригиёси, шу қабрининг соғинчи туфайли қаёқлардан зўрға етиб келганини билишмасди.

Ёш бургутлар бирпасдан сўнг бирин-кетин учиб кетишди. Чипор кейин ҳам анча ҳаяллади. Жуфтининг қабрига тикилиб ўтириб нималарни ҳис қилган экан? Балки бундан қирқ йиллар илгариги ҳодисалар – жуфти билан илк учрашув пайтларидаги тотли хотираларни эслагандир. Балки ўзи учун муқаддас бўлган ва қаттиқ соғинтирган тупроқларга ўлмайгина етиш матлабиди тиришиб-тирмашганлари ёдига тушгандир. Нима бўлганида ҳам у кўзлаган жойига етиб келди ва шу жойда узоқ ўтирди. Куёш заволга юз тутган маҳалда оғир кўзғолиб, Хон тоғи чўққисига кўтарилди.

Айтишларича бургутлар ўлими яқинлашганини пайқашгач юксакларга кўтарилиб, ўзини қуйидаги улкан тошларга зарб билан уриб ўлишаркан. У ўлишидан аввал чўққи пойидаги чуқур дараларни кўздан кечирди. Кейин узоқ йиллар ўзи ва наслларига ризқу рўз берган Ёзкечув даштларига назар ташлади. Уларнинг ҳаммасида ажиб бир сокинлик, ажиб бир гўзаллик

борлигини илғади. Кўзлари нима-ни кўрган бўлса, ҳаммаси чарчоқ вужудига куйдиргудек бир ҳарорат уфурди. Юрагида енгиб бўлмас бир истақ уйғонди: шундай чиройли ва меҳригиёси бор масканларни ўз ихтиёри билан тарк этиб, ажалга таслим бўлсинми?! Йўқ! Бундай аҳмоқона ўлимдан алҳазарки, йўқ! У ҳали-бери ўлмаслиги керак!

Мағрур бургутларга ҳос қарор шундай бўлади! Аксинча унинг мусичадан фарқи қолмайди...

Дафъатан дилида уйғонган ғурур Чипорнинг юрагида ана шундай акс садо берди.

## 7

Чипорнинг ўлгиси келмай қолди. Уларнинг насли касаллик ёки овчининг ўқига учрамаса шунчаки ўлиб кетишмайди. Ўлимтик еманганлари туфайлими, умрларининг охиригача касал ҳам бўлишмайди. Овчилар бургут овлашмайди. Бир марта қон душманига айланган овчи ҳам уни иккинчи марта отмай кетди. Буни у ўшандаёқ пайқаганди. Макиёни қандайдир мудҳиш хато туфайли отиб қўйган шекилли.

Макиёни тирик кўролмаганиданми ё бошқа сабабданми унинг бирдан жунуни кўзиди, ўзи кўниб турган қоянинг тошини бор кучи билан тимдалай бошлади. Шундай тимдаладик, панжасидаги баъзи тирноқлари синиб, баъзилари кўпорилиб қонига беланди. Гўё шу билан тортган барча аламларига чек қўймоқчидек, жони оғриганига ҳам парво қилмади. Ўсиб ўтмаслашган тирноқларидан қутулгач, қанотларидаги узайиб вазмин тортган ва баландроқ учишига ҳалал бераётган патларини ҳам аёвсиз юла бошлади. Навбат тумшугига етгач уни ғазаб билан тошга уриб, деярли ишга ярамай қолган учини синдирди. Сўнгра тошга ишқалаб қайраб, қийшиқ синган жойларини тўғрилади...

Дастлабки ойларда у жуда қийналди: қанотларидаги патларни

юлиб ташлагач, баландлаб учолмай қолди. Чангаксимон қайрилган бақувват тирноқларсиз ҳатто куён катталигидаги ҳайвонларни ҳам тутолмади. Ноилож майда кемирувчилар ва ҳашаротлар билан қаноатланишга мажбур бўлди. Неча ойлар ер бағирлаб учиб, ярим очликка кўникиб яшади.

Орадан чамаси беш ойлар ўтди. Чипорнинг синган ва кўпорилган тирноқлари ўрнига янги тирноқлар, тумшуги ўрнига янги тумшук ўсиб чиқди. Қанотларида янги, рисоладагидай патлар пайдо бўлди. Энди у ўн яшарлик пайтларидагидай куч-қувватга тўлиб, соғлом ва чайир бургутга айланди. Юксакларда парвоз қилиб, замин юзини хотиржам кузата бошлади.

Бу баландликлардан унинг иккинчи қўналғиси – катталиги қарийб уйдаи келадиган Садоқат тоши инсон кўзи билан қаралса, гугурт қутисидайгина бўлиб кўринади. Аммо табиат уларга шундай неъматни ато этгандики, Чипор тошни ўз катталигида кўради. Бугина эмас, жуфтининг дўмпайиб турган ва устига тош бостирилган қабрини ҳам, тоғларнинг ёнбағирларида ғимирлаб юрган майдароқ жониворларни ҳам кафтида тургандай кўраётир. Истаса миллиқнинг ўқидай отилиб, хоҳлаганини бир зумдаёқ тутиб олиши мумкин. Бироқ бунга эҳтиёжи йўқ. Эрталаб битта жайра билан битта булдуруқни тутиб еб олганди. Ҳозирча шунинг ўзи кифоя қилмоқда.

Чипор яна юксакларда парвоз қилаётганидан сармаст эди. Узоқ давом этган ранж-алам ва азоблардан кейин танасида пайдо бўлган куч-қудрат, соғломлик бақувват юрагида янгича бир шуқуқ уйғотди. Серзавқ ёшлигини эслатармиди, Садоқат тошига юксаклардан кўз ташлаганида вужудини ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайдиган ғуборсиз бир лаззат қамраб олади.

2016 – 2017 йил  
Дўрмон – Учқун.



Фароғат ХУДОЙҚУЛОВА

# Дардингни шеърга ҳам ўнриб бўлмас

*Кел, менинг дунёйимга*

*Сен ўйлама...*

*Сен ўйлама, энди у бу йўлдан ўтмайди деб,  
Чеккан ғам андуҳларим уволи тутмайди деб.  
Ким айтар, шафқатсиз деб, худо суйган кўнглимни,  
Қайтиб қўлим узатсам юлдузга етмайди деб.*

*Фиғоним фалак бўлса, йўл топмай йўлимда гоҳ,  
Сахро келса, тоғ келса, титраган гулимда гоҳ.  
Кимларнидир худойим йўлимга зор қаратмиш,  
Сени деб жон талашдим, ўтимда, кулимда гоҳ.*

*Тоқ булбулнинг оҳидан изҳоримни билмассан,  
Бунча бахтга ўчсан-ай, мен деб юрак тилмассан.  
Сархуш учгинг келар ишқнинг олтин арғамчисида,  
Ва ле мендек ишқ йўлида йиғлаб сажда қилмассан.*

*Дилга ғусса тўлганда ҳам, шўху шодон кулгайман,  
Ишқингда ғам чекиб-чекиб, тўлин ойдек тўлгайман.  
Лек, афсус чекмагайман, тўккан кўзёшларимга,  
Қисматнинг доғ ёзуғига шаҳд-ла рози бўлгайман.*

*Куйласам, куйлар тилим – куш тилим, осмон тилим,  
Ишқнинг алангасидан чиқмас зарра қалб кулим.  
Фиғонимга қўшилишиб ёниб борар дарёлар,  
Тоғлар ортин кўзлаганман, чорлар муҳаббат йўлим.*

*Сен ўйлама, Фароғат  
бу йўлдан ўтмайди деб...*

*Бинафшажон,  
Бошгинанга қорлар ёғса, кўрқмагин.  
Юрагимда иситгайман,  
қўлларингни тортмагин.  
Кўрмай туриб кўзим куйган,  
Сочинга оқ тушибди.  
Оқдарёнинг фарёдидай,  
Кўксингда куй жушибди.  
Ишқ боғини юрагимга  
Сўлмас қилиб эккан, сен.  
Оқшомлари боғ қўйнида,  
Кўз ёшларин тўккан, сен.  
Кел, менинг дунёйимга,  
Паноҳимиз бўлсин сўз.  
Умрим муҳаббатзоридан,  
Битта-битта юлдуз уз.  
Офтоб билан кувалашиб,  
Оқтошларни кучар сой.  
Исмимизни оққаламда  
Гул баргига ёзар ой.  
Сахарларда сўз боғидан  
Қушларга дон сочгаймиз.  
Қашқадарё шамолига,  
Кўнглимизни очгаймиз.  
Бинафшажон,  
Олисларда бўйинг қўмсаб юргайман.  
Ёш жонимга шафқат тилаб,  
Тушимда туш кўргайман.  
Бинафшажон,  
Ҳеч бўлмаса, тушларимга кириб тур.  
Иккимизга тол баргидан  
Ишқ қасрини қуриб тур.  
Ғар бормасам, кўнгил сўраб,  
Кел, менинг дунёйимга...*



## Икфоро...

Баъзан жим юришга тўғри келади,  
Дардингни шеърға ҳам ўгириб бўлмас.  
Омад ҳам олислаб кетган бўлади,  
Ортидан ит каби югуриб бўлмас.

Ногоҳ ёру дўстлар қазиб қўйса чоҳ,  
Тўғри йўл ахтариб, кўзни юмасан.  
Бир куни қадрим ҳам топар деб қадр,  
Ўтлиғ туйғуларни қалбга кўмасан.

Лек қалтис шартларга шошилма, кўнгил,  
Ҳозирча нишонга тегмай турсин ўқ.  
Юрагим хазин бўл, неки бўлмасин,  
Сўз йўлида асло тўхташга шаън йўқ.

## Севмаган бўлсам...

Ой кўксига қизил япроқ тақмаса,  
Қувонч қучоқ очса, ғамлар боқмаса,  
Дилни ёққангиз, дилга ёқмаса,  
Қанийди, мен сизни севмаган бўлсам.

Пешонамда беун суймоқ бор экан,  
Қаҳрингиз ўтида куймоқ бор экан,  
Гул атирдан малҳам туймоқ бор экан,  
Қанийди, мен сизни севмаган бўлсам.

Қирқ битта шартини қўймасми, кўнглим?  
Умидим дарёси тошмасми, лим-лим,  
Оқарган сочларим қорайса, тим-тим,  
Қанийди, мен сизни севмаган бўлсам.

Хаёлингиз тубин бўрондай кезиб,  
Хотиржам яшасам, тинчингиз бузиб,  
Олислаб кетолсам, умидим узиб,  
Қанийди, мен сизни севмаган бўлсам.

Бар марта,  
тантана қилсин адолат,  
Кулимдан кўнглингиз олсин ҳарорат,  
Дилномасин тошга ёзгай Фароғат  
– Қанийди, мен сизни севмаган бўлсам.

## Қоятош

Совуқ шамолларни тўсиб тургувчим,  
Бўроннинг тилини кесиб тургувчим.  
Елкаларин қора қорлар босса ҳам,  
Чўғнинг устида тик ўсиб тургувчим.  
Ёмғир ювиб турган, энг нодир тошим,  
Қумларга қўшилиб соврилган ёшим.  
Йиллар болта урган чок кўксингизга –  
Бош қўйсам, синарми сабру бардошим?  
Онам,  
Онажоним,  
Онажонгинам.

Баҳор кетганда ҳам гул қоплаган, тош,  
Юлдузли осмону, ой ўпмаган, тош.  
Арзирми, ўзга деб чеккан ғамим-ай,  
Йўлимга термилиб кўз қоқмаган, тош.  
Селлардан ўтмоққа дор бўлганимсиз,  
Ғамга кенг, шодликка тор бўлганимсиз.  
Эй воҳ, борми, мендек бедил йўловчи?  
Мунис чехрангизга зор бўлганимсиз.  
Онам,  
Онажоним,  
Онажонгинам.

Гоҳ меҳримни аяб болаларимдан,  
Жигаримдан унган лолаларимдан.  
Шеър дардида ёниб-қуйганим қурсин,  
Дарёлар тошмаса нолаларимдан.  
Совуқ шамолларни тўсиб тургин деб,  
Бўроннинг тилини кесиб тургин деб.  
Шаҳдингиздан улгу улашгандингиз,  
Музнинг устида тик, ўсиб тургин деб.  
Ўзгалар дардида ўйга толмасам,  
Севсаму дилларга титроқ солмасам.  
Сиздай боғ бўлишга етмаса қурбим,  
Сизга ўхшамасам, ўхшай олмасам,  
Кечиринг,  
Онажон,  
Онажонгинам.



**Абдурахмон ПИРИМҚУЛОВ**

# Сўз кетидан кетгаймен

Навбатдаги Тошкент борувимда ҳам одатдагидек “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси таҳририятига бош суқдим. Аввало таҳририят ходимлари билан сўрашган бўлдим, сўнг бош муҳаррирнинг “ўзида” лигини аниқлагач, котибадан рухсат олиб беришини сўрадим. Котиба “Нима масалада?” деб ўсмоқлади. Мен эса “жуда муҳим масала” эканини айтдим. Муҳимлиги шуки, ҳар замонда шоири давронга лутфи эҳтиром кўрсатиб, бирорта китоб ундиришга интиламан. Бу гал ҳам шундай бўлди. Салом-алиқдан сўнг, миямга келган фикрдан хурсанд бўлдим: Сирожиддин ака, шу “Онамнинг калишлари” деган шеърингиз бошқача туғилган-да! У нафақат онангиз, балки умуман ўзбек онасининг мадҳиясидек тантанали жаранглайди. Тадбирларда шу шеърни ўқишни яхши кўраман”, дедим. Халқ шоирида ўзига хос жиддийликдан асар ҳам қолмади. Хуш кайфиятда: “Домла, сиз “Онамнинг ўтинлари” деган шеъримдан беҳабарга ўхшайсиз, ана шунисини ўқинг”, деди. Мен албатта ўқишимни айтдим. Бу орада ходимлардан бири кириб келди, бош муҳаррир менга юзланди: Нима хизмат?

– Хизмат йўқ. Ҳалиги... оқ муқовали китобчангиздан излаб юрувдим...

Сирожиддин ака “ҳозир” дегандек ичкари хонага кириб, мен сўраган китобчани олиб чиқди, ичига дастхат ёзиб менга узатди. Ташаккур айтиб ташқарига йўналдим. Ичимга ҳеч сиғмайман, денг. Тезроқ уйга келсаму, китобчани варақласам.

“Хайёмдан бир коса, Румийдан бир жом”. Китоб шундай номланади. Гўё шоир умрни бир коса ё бир жом ичгунча ўтиб кетадиган қисқа фурсатга қиёс қилади. Бу каби фалсафий мушоҳада шоирнинг “уч

кун” ва “беш кеча” иборалари бағрига ҳам сингдирилган. Китобнинг учдан икки қисми тўртликлардан, қолгани иккиликлардан иборат. Охирида турли шаклга эга бўлган бир неча “Рўзғор битиклари” ҳам бор.

Шеърий тўплам “Тўртликларим” номли шеър билан очилади. Шоир унда мазкур шаклдаги асарларининг мавзу кўлами ва ғоявий йўналиши ҳақида сўзлайди:

*Сиз ғамгин умримнинг саналарисиз,  
Юрагимнинг синиқ ойналарисиз.  
Аламларим янглиғ турлик-турликларим.  
Бир шеър ҳижронида тортган хўрликларим,  
Менинг тўртликларим...*

Тўртликлар шартли йўсинда алоҳида номлар билан олти фаслга ажратилса-да, уларни бир ўзанда бирлаштирувчи муҳим омил мавжуд. Шоир жажжи асарнинг деярли барчасида турмушда кўрган, кечирган, билган ва эшитган воқеаларни ўзининг ҳаётий тижрибасидан келиб чиққан ҳолда бизга инъом этади. Ўзгача айтганда, шоир шахсий кечинмалари ва кузатувлари ҳосиласи бўлган ҳаётий воқеаларни бадий синтез шаклида китобхонга тухфа қилади.

Сирожиддин Саййиднинг ҳанузгача эълон қилган китоблари сонидан хабарим йўқ, бироқ ижодининг ўзига хос сифати, салмоғидан яхшигина хабардорман. Шоир ижоди ҳозирги миллий шеърятимизда ўзига хос нодир ҳодиса эканлиги танқидчиликда тан олинган. Унинг, айниқса, кўҳна аруз оҳанглирида битган асарлари ҳар бир шеърят мухлисининг қалбидан муносиб жой олган. Назаримда, шоир



тўртликлари ҳам мумтоз шоирларимиз ижодига, айниқса, Умар Хайём, Бобур мирзо ва Паҳлавон Маҳмуд рубоийларига бўлган айрича муҳаббатнинг, ворисийлик бурчи ва масъулиятининг натижаси янглиғ қоғозга тушганга ўхшайди. Шоир тўртликлари шаклан кичик бўлса-да, мазмунан жуда юксак умуминсоний ғояларга сафарбар қилинади. Ўзгача айтганда, бу тўртликларнинг ҳар бири муаллифнинг бир неча муддаоларини юзага чиқарадиган бадий қурилма – “кичик чайлача” дир.

Сирожиддин Саййид тўртликларининг мавзу доираси беҳад кенг. Унинг лирик қаҳрамони ишқдан ишқсизликкача бўлган олис ва машаққатли йўлни босиб ўтади. Халқ шоири оддий рўзғор буюмидан тортиб чексиз коинот жисмларигача бўлган ҳаракатдаги материядан сержило поэтик манзара яратади. Сирожиддин Саййид чин ошиқни кафтида асрайди, уни ишқдан жуда йироқда бўлган сўқир кимсаларга ўрнак қилиб кўрсатади. Бевафодан эса жуда ранжийди. Бу каби касларни гўё вафодор итга қарши қўяди. Тўртликларда биографик ва автобиографик унсурлар ҳам кўзга ташланиб туради. Ўзгача айтсак, шоир баъзи бир тўртликлар паноҳида устозларига, маслакдош дўстларига, теграсида юрган ўзидан кичикроқ шоирларга ва шогирдларига бир текис меҳр улашади. Шоир шуурида пишиб етилган маънолар шодаси навбати билан оқ қоғозга тўкилади. Ўқиганингизда, ана шу шодалар марвариди гўё ўзидан нур таратиб, жунбушга тўлган юрагингизни илитгандай бўлади.

Адабиётшунос дўстларимизда мутолаа жараёни қандай кечади, билмадим. Бироқ мен муайян шоир ижодини ўқиганда, муаллиф билан гўё дилдан суҳбатлашгандай бўламан. Ўзгача айтганда, шоир ўзини руҳлантирган, тўлқинлантирган ҳодисаларни менга сўзлаётгандай, ўзи ҳис қилган ноёб кечинма ё туйғуларни менга ҳам илинаётгандай бўлаверади. Улардан чексиз завқ ва маърифат ёғдусини туйгандек бўламан. Шоир мени гўё диллашишга, ҳасратлашишга чорлаётгандек бўлади.

Сирожиддин Саййиднинг мумтоз адабиёт намояндаларига меҳри, садоқати ҳамда юксак ватанпарвар шоирлиги ҳақида илмда илиқ гаплар айтилган. Шу боис уларнинг такрорига эрк бермаймиз. Фақат



ғазал ва мухаммаслардаги юксак ғоялар тараннуми тўртликлар, гоҳо иккиликлар бағрида ҳам бўй кўрсатиб туришини эслатиб ўтмоқчимиз, холос. Шунингдек, ишқ аталмиш бедаво дарднинг тўртликдаги янгича изҳорига бирров нигоҳ ташламасак, бўлмайдиган кўринади:

*Мен демасман бағри  
қуйган доғ бўл,  
Не буюрса матлабинг  
андоғ бўл.  
Ер бўлиб мен, кимсалар  
том қилсалар,  
Сен шу томга  
лолақизғалдоғ бўл.*

Ошиқнинг ўзини “ер”  
ё “том” дея ифодалаш

камтарлик ва хокисорлик аломати. Лолақизғалдоғ – манзурга нисбатан қўлланган мутлақо янги тасвир – истиорадир. Буни ҳеч иккиланмасдан ишқ навосидаги оҳорли, умуман бармоқ урилмаган янги парда дея оламиз.

Сирожиддин Саййид – дил шайдоси. Унингча “дил” қалб ва кўнгилга нисбатан анча устун турадиган юксак маъво. Шу боис ҳам шоир “дил”га дилни бўшатиш, гоҳида эса маънавий озуклантириш манбаи сифатида жуда кўп мурожаат қилади. Бу ҳол нафақат тўртлик, балки бошқа шаклдаги шеърларида ҳам жуда кўп кузатилади. Шоирнинг “дил букун, бошдин оёғим дил букун” деган иқрори шундай фикрни ўртага ташлашга имкон очади. Сирожиддин ака учун дил – юпанч, дил – суянч, дил – ўкинч, айна пайтда соғинч ва қувонч ҳам, фироғ ва яроғ ҳам шу. Шу билан бирга, қип-қизил қон ё заъфарон зардобга тўлган оғриқли нуқтаси ҳам айнан шу дилнинг ўзидир.

*Қўксим ичра йиғлаюр қизғиш хазон,  
Ўртаниб чеккан фироғим дил букун.*

Шоир тўпламларидан бирининг “Дил фасли” деб номланиши ҳам айтилган фикр исботи учун далил бўла олади. Сирожиддин ака “дил”дан ташқари она ва аёл мадҳида ҳам қойилмақом ифода бирликларини қўллаган:

*Дилга элтар йўллар менинг йўлимдир,  
Дарди бор ҳар кўнгил менинг кўнглимдир.  
Муштипар ҳар аёл онамга ўхшар,  
Кўнгли ярим ҳар қиз менинг синглимдир.*



Юқорида шоирнинг ўз яқинларига самимий эҳтиром кўрсатиши ҳақида сўзлаган эдик. “Катта ҳодиса” шеърда шоир Шодмонқул Саломга айрича эҳтиром кўрсатади. Бироқ шеърдан мурод бу эмас, унда муаллифнинг адабий жараёнга берган холис баҳоси ўз тажассумини топган:

*Дил боғин гоҳ тикан, гоҳи гул кўрдим,  
Гоҳ булбул, гоҳида қирғовул кўрдим.  
Барча шоҳу вазир шеър аҳли аро  
Ёронлар, мен бу кун шодмон қул кўрдим.*

Шеърда бир неча тасвир воситалари маҳорат ила қўлланган. Гоҳ – такрор; тикан ва гул – тазод; ёронлар – хитоб (мурожаат манбаи); гул, булбул ва қирғовул ҳамда шоҳ, вазир ва қул – иборалари таносиб(мантиқий алоқадаги сўзлар) санъатини юзага чиқарган. Шунингдек, шодмон қул – қулнинг шод-хуррам юрганидан ташқари шу ном билан ижод қиладиган замондош шоирнинг исми-шарифига ҳам ишора қилади. Бадиият илмида бу иттифоқ санъати дейдилар. Умуман, шеърий санъатлар поэтикасини Сирожиддин Саййид ижоди мисолида кузатиш ниҳоятда мароқли. Айниқса, тўртликларда аънавий ташбеҳ, талмеҳ, тамсил ҳамда муболағадан ташқари тазод ва тажниснинг барча турлари чунонам гўзал ифода этиладики, ўқувчи гоҳо шеърнинг асосий мазмуни ва ғоясидан чалғиб, шаклий жимжимага ошуфта бўлиб қолаверади. Сизга яна бир мисол келтирай. Мумтоз поэтикада шундай бадиий тасвир усули ҳам борки, шоир маъшуканинг дудоғи, бели ёхуд холини таъриф-тавсиф этиш орқали аслида унинг ўзини, ўхшаши йўқ қадди қоматини тараннум этган бўлади. Сирожиддин ака тўртликларида ҳам “хол, зулф, соч, дудоғ, қабоғ” ва бошқа ёр жамолининг турли маҳзанлари орқали маъшуканинг беқиёс талъати улуғланади. Куйидаги тўртликда “қилдай бел” воситасида манзурнинг ўзи, бутун бўй-басти тавсиф этиладики, буни шеър илмида синекдоха деб юритиш одат тусини олган. Ўқиймиз:

*Ҳаёт бир най бўлди, дил чалар бўлди,  
Менинг ҳар бир дамим йилчалар бўлди.  
Қилдай белларингга етгунча, эй ой,  
Жон ҳам нозик тортиб қилчалар бўлди.*

Шеърда ошиқ билан маъшук образи аниқ чизиб берилган. Маъшуканинг бепарволиги туфайли ошиқ руҳий изтиробда. Шу боис жон нозик тортиб, ингичкалашиб худди қилга ўхшаб қолган. Белнинг қилга қиёсланиши миллий шеъриятимизда аънавий ҳодиса, бироқ ошиқ жонининг қилга менгзалиши шоирнинг тамомила янгича кашфиёти. Шеърда бошқа



тасвир воситалари ҳам бор. Аммо синекдоха тасвирнинг бош воситаси даражасига кўтарилган.

Тўртликлар орасидан гоҳо шоирнинг жамиятимиздаги баъзи иллатларга қарши норозилик оҳанглари ҳам эшитилади. Уларда чин истеъдодлар четда қолиб, ўртамиёна шоир ва хонандаларнинг олқишланиши, айрим ёшларнинг она юртни ташлаб, ўзга ўлкаларда сарсон кезиши, йигит ва қизлар кийимларини “алмаштириб” кийиши, “хотинлари қаллоб, эрлари каззоб” кимсалар, олтин эгарларнинг баъзида эшакларга насиб этиши, бургут ва лочиннинг читтакка таъзим қилиши ва бошқа шу каби ижтимоий нуқсонларни шоир юмор тили билан кескин фош этади.

Шоир тўртликлари таркибида “ғизо, ком, тараҳхум, тўбо, тийрамоҳ, рафтор, гуфтор, равзан, зеру забар, қийлу қол, маҳу сол” ва бошқа шу сингари форсча-арабча сўз ва сўз бирикмалари ҳам мавжудки, уларнинг мағзини чақмоқ учун ўқувчи махсус луғатларга мурожаат қилиши керак. Демокчиманки, ёш тадқиқотчилар Сирожиддин Саййид шеъриятининг ботинига чуқурроқ киришни истасалар, албатта, мумтоз адабий асарлар луғатидан фойдаланишлари лозим. Акс ҳолда шеър бағридаги турфа ўй, маърифат ва ҳақиқат сирлари пинҳонлигича қолиб кетаверади.

Энди икки оғиз иккиликлар ҳақида. Шеърнинг бу шакли мумтоз адабиётда кўп учрайди. Замонавий шеъриятда унча истифода этилмайди. Чунки бу зукколик, билимдонлик ва донишмандликнинг олий намунаси бўлиб, бу шаклга кўпроқ тажрибали



шоирлар мурожаат қиладилар. Иккиликнинг ҳажми кичик бўлгани боис талаби ҳам оғир. Сабаби – шоир шаклда ихчамликка эришгани сайин маънода имкон борича юксакликка интилади. Ойбек домла айтган “фикр қаймоғи” деган машҳур ибора кўпроқ ана шу иккиликларга тегишли. Сирожиддин Саййид фардларининг асос-негизини панд-насихат, огоҳлик ва шукроналик мотиви ташкил этади. Бироқ бу фикр иккиликларнинг мавзу кўлами фақат шулардан иборат экан-да, дегани эмас. Уларда инсоният маънавий-руҳий оламининг бетакрор манзаралари шу қадар тиниқ, равон чизиладики, натижада зукко ўқувчи бу жажжи манзумалар қатидаги бадий ҳақиқатлардан ўзига тегишли хулоса чиқара олади. Фардларда ҳам кўпроқ ҳаётнинг аёвсиз ҳақиқатлари ўз тажассумини топган. Ўзгача айтганда, шоир иккиликлари у ё бу даражада ҳаётини заминга эга. Шоир бирор бир ўринда ортиқча гап тўқимайди. Ҳаётда қандай бўлса шу ҳолича тасвирлашга эришади:

*Ўтти эллик чоғ умрдин, кузга етти энди иш,  
Боғлар ортидан оғир-оғир яқинлашмоқда қиш.*

Бу шеър муаллифнинг ўзи ҳақида. Агар инсон умрини рамзий маънода тўрт фаслга қиёсласак, элликдан сўнг куз, олтмиш ё етмишдан сўнг эса қиш келади. Демак, шеър шоирнинг эллик ёшдан ўтганидан хабар бермоқда. Мана бу иккиликни ўқиганингизда кўз олдингизда икки йирик шоир – Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов сиймоси жонланади:

*Икки устозим аро маҳзунману ҳолим хароб:  
Ул бири чой берса менга, бул бири – тутгай шароб.*

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлашни жуда хоҳлар эдим. Сирожиддин Саййид ижодининг сарчашмаси, назаримда, икки асосий ирмоқдан баҳра олади. Бири – мумтоз шоирлар меросидан илҳомланиш бўлса, иккинчиси замондош устозлар, айниқса иккиликда назарда тутилган икки шоир шеърятдан баҳрамандлик шоирга бўлиб асарлар ёзишида туртки беради. Шоир шеърларини ўқиганингизда, ана шу икки омилнинг таъсири аниқ сезилади. Тўғри, шоир бошқа замондошлар ижодини ҳам кузатиб боради. Бироқ замондошлардан таъсирланиш ҳақида сўз кетганда, юқоридаги икки устозга айрича меҳр билан қарайдики, бу ҳеч қандай исботни тақозо қилмаса керак.

“Хайёмдан бир коса, Румийдан бир жом” китобчаси мутолааси бизга муаллифнинг ҳазил-мутойибага ўч санъаткорлигидан ҳам дарак беради.

Масалан, “Дунё бўйлаб” телеканалининг баъзи бир бошловчилари айрим ҳайвонларнинг қирилиб кетганганини айтадилару, бунинг сабабини етарлича изоҳлай олмайдилар. Сирожиддин Саййид шу жумбоққа ўзига хос йўсинда жавоб беради:

*Бор гапдир эртақлар, дostonлардаги  
Инсоний хислатлар – ҳайвонлардаги.  
Кўпаймиш ҳайвонлар камайган сайин  
Ҳайвоний сифатлар инсонлардаги.*

Китобнинг охириги “Рўзғор битиклари” фасли бутунисича ҳазил-мутойибага йўғрилган. Унда муаллиф рўзғор буюмларининг таъриф-тавсифини келтириш билан эр-хотин муносабатлари, аниқроғи оила мустаҳкамлиги ҳақида қалам тебратади:

*Қулоғимда бир умр жаврадинг: Гўшт... картошка...  
Айланиб қолдим, хотин, охир ўзим кар тошга.*

Ушбу байт шоирнинг бадий санъатларни моҳирона кўллаш лаёқатига яна бир далил бўла олади. Мисра ё байтда бир сўз туркуми (от ё сон) кетма-кет кўлланса, уни таъдид санъати дейдилар. Юқорида озика маҳсулотлари(от)нинг изма-из кўлланиши шундай санъатни юзага чиқарган. Шунингдек, “картошка” билан “кар тошга”нинг шаклдошлиги тажнис санъатига ёрқин мисолдир. Бу каби сўз ўйинлари боя айтганимиздек, шоирнинг бошқа сатрлари ичида ҳам юзлаб кўзга ташланиши мумкин.

Китобдан ўрин олган бир неча расмлар ҳам шеърларда қаламга олинган ижтимоий-фалсафий ғоялар тараннумини юзага чиқаришда кўшимча восита бўлиб хизмат қилади. Шам, кўза, китоб, камон, анор, узум, ой, қуёш, тандир, қалам ва шу каби расм-портретлар ўқувчига турмушнинг кўз ва онг илғамас бир неча бўлақлари сифатида инъом этилади. Улар ёрдамида борлиқнинг нақадар гўзал ва мазмундорлигига, инсон эса бунга ўз вақтида эътибор қилмаслигига ишора қилинади. Яъни, мусаввир ғояси шоир ниятлари билан ўзаро чатишиб, уйғун ҳолда бизга турмуш икир-чикирлари ва ҳузур-ҳаловатидан сабоқ бераётганга ўхшайди.

Сирожиддин Саййид ҳамиша янги сўз, янги шеър иштиёқи билан ёнади. Бунинг учун шоир ҳазрат Алишер Навоий мангу кўним топган гўшани юз бор тавоф қилишга тайёр:

*Сўз изидан энг охири фарёдгача кетгаймен,  
Мажнунгача, тоғлардаги Фарҳодгача кетгаймен.  
Бу дунёда менинг шеърдан ўзга от-уловим йўқ,  
Сўз изидан мен пиёда Ҳиротгача кетгаймен.*



Ориф ҲОЖИ

# Кўнглингизни пок сақланг

Сиз кўнглингизни пок сақланг Сизни Худо сақлайди. Ҳамма ҳаракатларимиз аввало кўнгилдан бошланади. Эзгу ўй-хаёллар билан юрган одамнинг сўзлари ёқимли, ишлари баракали бўлади.

Кўнгилни кийна ва адоватдан, ёмонлик ва ҳасаддан сақлаган, сақлай олган кишининг ҳаёти ҳавас қилгулик гўзал, ибратли, самарали бўлади.

Аммо ҳаётда шундай кишилар ҳам борки, улар ўзгаларнинг тинчини бузади, кўнглига васваса солиб, оромини ўғирлайди. Улар маккорлик билан сизга яқинлашиб оладилар: сизни, умуман кимни кўрса даставвал ялтоқланиб, эшилиб, ёлғондан мақтаб сўз бошлайдилар, “Ичингизга кириб олган”дан кейин эса, кирдикорларини бошлайдилар. Дастлаб, ака ё укангиз, дўст ё дугонангиз, касбдошингиз, қариндош ё тенгдошингиз билан сизни қиёслашдан ишни бошлайдилар. Ана шу қиёсда фитна бор. Эҳтиёт бўлинг, шундай ширин алдов билан икки орани бузиш нияти бор бу маккорнинг.

Бу тоифа кишилар ўзларининг сиз ҳақингиздаги салбий фикрларини бошқа бировлар номидан шивирлаб, гап етказаетгандай, сизнинг шаънингизни ҳимоя қилаётгандай, баъзан атрофга ўғри мушукдай

аланглаб олиб, хуллас, театрлашган бир алпозда етказадилар. Бирдан икки куёни ургандай роҳатланиш жилваларини юз-кўзида кўришингиз учун ўзингизни унинг бу гапларига ишонгандай, парво қилгандай тутинг-да, зимдан кўз қирингиз билан юзига разм солиб кўринг, ана шунда унинг маккор башарасида талтайиб турган манманликни ўз кўзингиз билан кўрасиз. Кайфияти кўтарилганининг гувоҳи бўласиз. Асли мақсади сизнинг тинчингизни бузишдан иборат бўлган аммо сизга меҳрибончилик қилаётгандай кўринишга уринаётган бу тоифани бир сўз билан ҳасадчилар деб айтиш мумкин. ҲАСАДЧИлар ўзгаларнинг ютуқларидан изтиробга тушадиган кишилардир. Ҳасаддан сақланмоқ лозим. Ҳасаддан шунинг учун ҳам сақланмоқ лозимки, у биринчи галда ҳасадчининг ўзини кемиради. Ҳасад қилмоқ Худонинг адлига ва фазлига шубҳа қилмоқдир. Бир кишига Худо берган неъматларни ундан қизганиш айна ҳасаддир.

Сухбатдошингиз ҳасадчими, йўқми, буни аниқлашнинг осон йўли бор. Сиз унга бирор бир танишининг, касбдошининг ютуқлари ҳақида гапиринг ва зимдан кузатинг унинг юзида изтироб белгиларини, бир ғалати сабабсиз тушкунлик соя-

ларини кўрасиз. Шунда бу масалада унинг фикри билан қизиқинг. Ўша танишининг камчиликлари ҳақида хузурланиб гапира бошласа, билинги, бу одам ҳасадчидир. Сиз ундан ўтдан қочгандай тез узоқлашинг, зеро ҳасад ўтининг тутуни дилингизни хийра, ақлингизни тийра қилмоғи мумкин. Яна бир йўли ўзгаларнинг, айниқса ўзидан каттароқларнинг ёки қайсидир маънода ундан ўзиб кетганларнинг камчиликлари, бахтсизликлари мавзусида гапирганда жўшиб илҳомланиб кетиш ҳоллари ҳам инсониятга нисбатан умумий нафратнинг ифодаси бўлиб бахтсиз одамларга омадсиз одамларга кўпроқ хос бу хусусият баъзи ҳолларда ўзларининг мавжуд ҳолатидан кўнгли тўлмай юрган дуппа-дуруст кишиларда ҳам учраб туради.

Сиз жуда кўп маротаба кўргансиз: бахтиёр кимсалар ҳамма нарсада яхшилиқ кўрадилар, ҳар қандай ҳодисанинг ижобий томонига кўпроқ эътибор қаратадилар. Одамларнинг ҳам яхши томонини кўпроқ кўрадилар. Омадсиз ва бахтиқаро кимсаларнинг тиллари ҳар доим сўқинчга, қарғишга ва нолишга мойил бўлади. Сиз ўйлайсизки, ҳа, омади чопмагани туйфайли, қийинчилик, ютқиқик ва омадсизликларга дуч келаверганидан шу ҳолга тушиб қолган деб, унга



ачинасиз ҳам. “Одамнинг одамга раҳми келса, Худонинг қаҳри келади” деган ҳикматни кўп эшитгансиз. Аслида одамнинг одамга ачиниши, меҳрибонлиги Худого маъқул. Аммо куфрони неъмат натижасида оғир аҳволга тушиб қолган одамга нисбатан бўлган ана шу ачинишга Худонинг қаҳри келади, дейди донишманд халқимиз. Нега? Негаки, бу одамда ношукурлик жибиллий, туғма унинг хамиртурушида ношукурлик бор. Худонинг берган неъматларига ношукурлик қилавериш, шу куйга тушиб қолган у. Бундайларнинг ўнлаб вакиллари билан суҳбатлашиб, дарду ҳасратларини тинглайвериш одамнинг шу қадар ношукур бўла олишини кўриб ҳайратланган пайтларимиз кўп бўлган. Уларнинг аксари ҳаётдан сизу бизнинг ҳаёлимизга келмаган яхшиликларни кўрганлар. Вақтида одамлар уларга ҳавас қилишган, аммо улар томонидан шу крона айтилмаган, қайтасига куфрони неъматлари зиёда бўла борган ва кунларнинг бирида ишлари чаппа кета бошлаган. Мени ҳайратга солган нарса уларнинг тақдирларидаги мантикий уйқашлик, умумийликнинг мавжудлигидир.

Бир одам билан суҳбатдан кейин кўнгилингиз ҳолатига боқинг. У тиниқиб, хотиржам тортса, ҳаётга ва ижодга иштиёқингиз ортганини сезсангиз, шу одамнинг суҳбатига интилинг ва кўпроқ мулоқотда бўлишга ҳаракат қилинг. Мабодо бировнинг суҳбатидан кейин кўнгилингизда

ғашлик қолса, кимгадир нисбатан нафрат уйғонса, шу одам ким бўлишидан қатъий назар унинг суҳбатидан қочинг, кўзига кўринмасликка ва уни кўрмасликка интилинг, сўзини эшитмасликка ҳаракат қилинг.

Олам кенг ва унда яхши одамлар бисёр. Сиз дўстсиз қолишдан асло чўчиманг. Пок ниятли тиниқ ва хур фикрли кишилардан дўстлар ортиринг ва улар суҳбатидан файзу барака топиб яшанг. Эзгу фикрли ва илмли кишилар суҳбати ва хизматига харидор бўлинг. Бу харидингиз умрингизнинг охиригача эскирмайди ва сизга фойда етказиб туради.

ОМАД нима? Астойдил қилинган пок ният ва узоқ, бардавом, аниқ мақсад йўлида тинимсиз бажарилган меҳнатнинг маҳсули, натижаси баъзан кутилмаганда бирдан бўй кўрсатиб қолади. Ана шуни кишилар баъзан омад деб ўйлайдилар. Ваҳоланки, сиз омадли деб ўйлаётган одамнинг бир яхши хислати бор. У ўзгаларга ёмонлик соғинмайди. Доим яхши ният қилиб, оғир лаҳзаларда ҳам умидини узмай тинимсиз меҳнат қилади ва беҳуда ҳаракатлардан, ўзини кўз-кўзлашдан тийилади. Шунинг учун ҳам унинг ҳалол, машаққатли меҳнат билан қўлга киритган ютуғи бошқаларга тасодиф туюлиб, омад бўлиб кўринаётир. У шунчаки оқкўнги, меҳнаткаш ва камтарин инсон.

Баъзан, табиатан қувноқ, шалдир-шулду, ҳар ким билан тез чиқишиб кетаверадиган, бироз

“мақтанчоқ” кишиларнинг ишлари ўз-ўзидан юришиб кетаверганини кўп кўргансиз ва ўзингизча уларни аҳмоқ, ўзингизни оқил ва донишманд ҳисоблаганингиз учунгина “Жаҳонда учрайди такрор ва такрор, аҳмоқлар иззатда, ақиллилар хор!” деб бурнингиз остидан норози бўлдираб қўйган пайтларингиз ҳам бўлгандир. Мени инкор этишдан олдин тўхтаб шу ерда бир зум тин олинг ва мана бу саволга жавоб беринг. Сизни ақлли одам деб ким айтди, ўзи? Ҳа, бу сизнинг шахсий хулосангизми?

Ундоқ бўлса мен сизга шуни эслатмоқчиманки, дунёдаги барча одамлар, атрофида, ўзларини дунёдаги энг ақлли одам деб ҳисоблайдилар. Демак, сизнинг бу фикрингизга камида етти миллиард одам қарши.

Сиз кишиларнинг “Вақтим етмади”, “Пулим етмади”, “Кўлим етмади” деб нолиганларини кўп бор эшитгансиз. Аммо ҳеч замонда “Ақлим етмади” деганларини эшитганмисиз? Эшитмагансиз. Эшитган бўлсангиз ҳам киноявий маънода, тескари маънода қўллаганини эшитгансиз. Энг нодон одамларнинг кўп қўллайдиган, суюкли иборалари нима, биласизми? Улар “Менга ақл ўргатма”, “Ўзим яхши биламан”, “Сиздан яхши биламан”, “Аллақачон билиб олганман” каби сўзларни кўп ишлатадилар. Ақлли кишилар бундай аҳмоқона сўзларни мутлақо ишлатмасликларини биласизми? Эътиборлироқ бўлсангиз эл ичида донишмандлиги билан машҳур бўлган кишилар ҳар қандай ҳолатда ҳам бу сўзларни ишлатмайдилар. Энг аҳмоқона маслаҳатни ҳам мулоим табассум билан гўё “жон-жон” деб қабул қилгандай қарши оладилар. Ўзларини хотиржам тутадилар. “Шуни ҳам билмас экан” деган маломатдан кўрқмаганликлари учун, ўз билимларига ишончлари мустаҳкам бўлгани учун шундайлар. Ана унинг жириллашига сабаб эса билимсизлигини яшириш инстинктидир. Ҳа, нодондаги ҳаракатларни инстинкт деб аташ айти муддаодир. Зеро, уни ақл бошқармайди.



Доноларнинг бундай мулойимлик ҳолатларини ХИЛМ деб атайдилар. Ҳилм илмдан кейин келадиган, маърифатнинг маҳсули бўлиб, илм ва маърифатни муҳофаза қиладиган, уни ундириб, ҳосилга киргизиб, эгасини ва унинг атрофидагиларни илм натижаларидан баҳравор қиладиган жуда олий инсоний хулқ кўринишидир. Хулқда ҳилм даражасига эришмаган олимнинг илми нуқсонли, қусурли ва баъзан зарарли ҳамдир. Машойихларга қулоқ тутинг

*Билган одам билдим, демас,  
Билдим деса, билган эмас.*

Мен бу байтни Китоб – Аёқчи автотубусида йўловчидан эшитдим. Бир марта эшитдим ва бир умрга эслаб қолдим. Ўшанда мен талаба эдим. Буни айтган одам кимникилигини билмас эди, у ҳам ўз вақтида бировдан эшитган ва хотирасида қолиб кетган экан. Услуб Суфи Аллоёрни эслатади. Китобларида учратмадим. Ўттиз йилдан бери мен буни такрорлаб юраман. Не бир мақтанчоқларга ўқиб бердим. Гўзал ва мафтункор байт. Мақолдай мукамал. Бу байтнинг мағзини чақинг, ўз устингизда ишлашдан тўхтаманг, балки шу биргина байт сизни донишманд қилса ажаб эмас. Амал қилинг, ҳаётингизда фойдаланмаган билимларингиздан сизга бош оғриғидан бошқа манфаат етмайди. Билинг, билдингизми энди амал қилинг. Билдим деб мақтаниб юриш учун ўқимайдилар. Ҳаётда фойдаланиш учун билим орттирилади. Билим шунча улуғлиги билан мақсад эмас, билим бир восита, ана шу восита ёрдамида инсониятга, тараққиётга, маърифатга хизмат қилиш мақсади бўлмаса, билим олишнинг ҳеч бир фойдаси йўқдир. Балки сиз “Билдим” деган асоссиз хулосага келгандирсиз? Бу сизнинг хулосангиз, дунёдаги ҳар бир одам худди сиз каби ўзини ақли деб ҳисоблашини ўйлаб кўринг.

Агар айрим танишларингиз, дўстларингиз сизга “Ақллисан” деб тез-тез эслатиб турсалар ва сиз шунга ишониб ўзингизни оқиллар қаторига қўшиб, шундан мағрурланиб юрган

бўлсангиз, мен сизга бошқа бир ҳолатни эслатмоқчиман.

Ўйингизда ёш бола бор, тинмай укасининг ўйинчоғини тортиб олади, уни туртиб йиғлатади, шовқин солади. Хуллас, ғирт тинмас. Сиз уни тинчлантириш учун қандай усулни қўллайсиз? Ҳа, баракалла! Жуда кўпчилик шундай қилади. “Сен, ўзинг ақлли боласан-ку” унга эшиттириб бир-бирларига нима дейдилар: “Фалончибой кўп эсли бола, ақлли бола, укасини яхши кўради” бу сўзларни чин деб қабул қилган бола бир оз муддат ёмонлигидан тийилади.

Ақлли одамлар, баъзан бу усулдан катталарни тинчлантириш учун ҳам фойдаланадилар.

Агар сиз илм толиби бўлсангиз бундай хато: ўзини ақлли, билимли деб ҳисоблаш сизга жуда катта зарар етказишини унутманг.

Илгари бир муддат талабаларга дарс бердим, уларни ўқишга киришлари учун махсус тайёрланишларига кўмак берган пайтларим ҳам бўлди. Менинг вазифам уларга дарс тайёрлашда, билганларини такрорлашда кўмаклашиш, улар учун бегона маълумотларни топиб беришдан иборат эди. Ҳар хил табиатли болалар келишар, уларнинг тайёргарлик даражалари ҳам ҳар хил бўлар эди. Мени ажаблантиргани шуки, бу ёшларнинг чала тайёрланиб келганларидан кўра мутлақо ҳеч нарсани билмай келганларини тайёрлаш осонроқ кечарди. Сабаб чала билгичлар ўзларини билимдон ҳисоблашиб дарсларга тайёргарликсиз келишар, натижада аввалги ҳолларида қолиб кетардилар. Ҳеч нарсани билмаганлар эса, жон-жаҳди билан тайёрланар ва чала билгичлардан тезда ўтиб кетардилар. Шу тарзда ҳеч балони билмайдиган бир қиз бола қирқ беш кунда кеча-ю кундуз тайёрланиб бюджет ҳисобидан ўқишга кириб кетганини эслайман. Баъзи болалар унча-бунча қобилиятли бўладилар, аммо яқин-атрофида ярамас одамлар бўлгани сабабли болани мақтайверишдан ишдан чиқариб ташлаган бўлардилар. Бу ҳолда иш анча оғир кечар, болапақирга аввал билимсизлигини исботлаб,

хато билганларини эсидан чиқариб олгунингча анча вақт ўтиб кетар, бола ҳамма нарсани англаб ўқишга сидқидил киришганда ўзи имтиҳон вақти етиб келиб қўйган бўларди. Аҳмоқона манманлик бир ёшнинг умрини беҳуда совураётганини кўриб турасан, аммо у бир техника эмаски, мурватини алмаштириб, тузатиб қўя қолсанг, унинг атрофида пишанг бериб турадиган ҳайбаракаллачилар ишни яна-да оғирлаштиради. Болаларда учрайдиган энг ярамас иллат – бу чала билиш. Чала билиш уларни ғафлатда қолдиради. Мен инсон психологияси билан ўша кезларда жиддий қизиқиб қолдим. Нотўғри тушунча туфайли киши ўз имкониятларидан фойдаланолмай қолиши мумкинлигини ўшанда англаб етдим. Иккита бир хил имкониятдаги, билимдаги талаба келади бири озгина нарсани билиб олгач, ана шу чала билганига бино қўйиб мақтаниб юраверади. Топшириқларни бажаришга бепарво бўлади, иккинчиси сидқидил берилиб ўқир, ҳеч нарсани билмаслигини эътироф этиб тинимсиз меҳнат қиларди. Тест синовларидан чиққач, биринчи тоифа болалар хурсанд бўлиб чиқишар, қандай қилиб қойиллатганлари ҳақида лоф уришар, ўзларини талаба ҳис қилиб герда-йишарди. Иккинчи тоифа болалар эса, хонада охиригача ўтириб, энг сўнгида чиқишар, синикибгина “Билмадим, қийин саволлар келдим, кўп иккиландим-да” деб камтаргина туришарди. Орадан ўн кун ўтиб, галвир сувдан кўтарилганда эса, унда фақат камтарлар қолиб мақтаниб юрганлар тушиб кетишар, йиқилганлари маълум бўлгач эса, ҳақсизлик бўлди, деб ўзларини оқлаб юраверишарди. Мана сен билан бирга тайёрланган бола ўтди-ку, десанг унинг бир омади чопиб қолган-да, дерди ҳамон бир ёнини бермасдан. Бу ҳол ҳар йил такрорланаверганидан менда қайси бола синовдан ўтади, қайси йиқилади деган саволга деярли тўғри жавоб топиш малакаси пайдо бўлганди. Бу мисолни келтиришдан мақсад: сиз балки биринчи тоифа абитуриентлар сирасига тегишлидирсиз. Шу ҳақда ўйлаб кўринг.



Шуни билинги, омад осмондан тушмайди. Омад ҳам азми қатъий, ишчан, меҳнаткаш кишиларга кулиб боқади.

Сиз ўзгалар ҳаёти билан қизиқиб эмас, ўз ҳаётингиз билан яшанг. Ўз ишингизни ҳалол ва сидқидил, иштиёқ билан бажаринг. Мақсадни аниқ қўйинг. Катта мақсадлар қўйинг ва унга эришиш йўлида бутун куч-қувватингизни сафарбар қилинг. Атрофдагиларнинг чалғитувчи фикрларига парво қилманг. Ким нима деса, оғзи ўзида. Сиз танлаган йўлингиздан оғишманг. Албатта муваффақият қозонасиз. Фақатгина бу йўлда бор куч-ғайратингизни сафарбар қилиш лозимлигини унутманг.

Сафарбарлик нима? Сафарбарлик инсон ўз ички имкониятларини, билими, ғайрати, тажрибаси, куч ва қувватини бошқа ҳар қандай чалғитувчи нарсалардан чеклаб, аниқ мақсадга йўналтириши, танланган йўлга диққатни тўлиқ жалб қилиш, бир лаҳза ҳам чалғимаслик сафарбарликдир.

Масалан, сиз бу йил ўқишга киришни мақсад қилиб олдингиз. Қайси ўқишга кирмоқчисиз? Шу йўналишда қайси фанлардан синовлар бор? Қайси фан биринчи даражали, қайси фанлар иккинчи, учинчи даражали? Буларни аниқлағач, устоз танланг. Устоз танлаганда унинг сизга ёқиш-ёқмаслигига қараб эмас, ишининг сифатига қараб танланг. Унутманг, ўз ишининг устаси бўлган кишилар одатда бир оз кўрсдай туюладилар. Аммо бу алдамчи таассурот бўлиши ҳам мумкин. Охир-оқибатда шуни ёдда сақлангки, устознинг даққиси отанинг ширин сўзидан кўра фойдалироқ бўлади.

Энди, устоз танланди. Дарс вақтлари аниқ белгиланди. Кун тартибингизни тузиб олинг. Унда дарс тайёрлаш, дам олиш, овқатланиш, спорт билан шуғулланиш, тоза ҳавода сайр қилиш ва устоз хузурига дарс учун боришига бўлсин. Бошқа ҳеч нарса. Ҳарқандай, тўй, туғилган кун, байрам ва саёҳатларни қатъий чиқариб ташланг. Биргина мақсадга бутун диққатни йўналтиргангизда, иккиланганга йўл қўймаганингизда сиз жуда катта кучга айланасиз. Бу-

нинг сири тармоқланишдан, кучнинг бўлинишидан сақланишдадир. Ҳар қачон бирор соҳада сизга муваффақият қозониш эҳтиёжи бўлса ана шу аниқ мақсаддан бошқасини барҳам беришга интилинг ва мўъжизаларни томошо қилинг. Дастлабки икки-уч ҳафта оғир бўлади. Сабр қилинг, бу шунчаки, сизда кўникма йўқлигидан. Кейинчалик, бу тартибга ўрганиб олганингиздан кейин, шундай роҳат-фароғат, қониқиш ҳиссини туясизки, буни ҳеч нарса билан қийслаб бўлмайди. Натижа ҳам қувонарли бўлади.

Сиз ҳаётингиздаги тартибсизликка шунчаки одатлангансиз. Бундай яшаш тарзи осон бўлганлиги учун эмас, шунчаки одатланганингиз учун сизга ўнғай туюлади. Аслида қатъий режим билан яшаш завқли, енгил, мароқли ва энг муҳими самаралидир. Сиз ўз ҳаётингизни, шу кунгача яшаб келган турмуш тарзингизни астойдил таҳлил қилиб кўринг-а, қанчадан-қанча бебаҳо вақтингизни елга совурганингизни билиб ҳайратга тушасиз. Машойихлардан бири “Оддий дунёвий одамнинг кун давомида бижарган ишлари, югуриб елишларининг ўн фоизигина унинг учун муҳим, керакли қолган тўқсон фоизи кераксиз, беҳуда ишлар ва ташвишлардир” деб қайд қилади. Агар ростдан ҳам шундай бўлса, азиз умримизнинг ўн йилидан тўққиз йилини беҳуда ишларга сарфлаган бўлиб чиқамиз. Мана, даҳолар, юқори натижаларга эришган спортчилар ва ҳар бир соҳанинг энг илғор кишилари бу натижаларга эришиш учун қўшимча вақтни қаердан оладилар.

Биргина Алишер Навоий амалга оширган ишларни, ёзиб улгурган асарларни, асарларида фойдаланилган жуда катта миқёсдаги билимларни ўзлаштириш учун бажарилган кенг кўламли юмушни одам боласи бажариши мумкин эмасдай туюлади, бизга. Яхшилаб ўйлаб кўрсак-чи? Беҳуда ўтган соатларимизнинг ҳисобини олсак-чи? Шунда биз вақтни қадрлаш нақадар муҳим эканлигини англаб етамиз. Ҳазрат Навоийнинг ҳар бир асаридан беқиёс ҳикматлар топиш мумкин. Мана, масалан “Саъбаи сайёр” дostonидаги “Баҳром ва Дилором” ҳикоятини олинг. Ҳикоят маз-

муни қисқача шундай: Шоҳ Баҳром суюкли хотини Дилором билан овга чиқади, овчиликдаги маҳорати билан мақтаниб, Дилоромни қойил қолдирмоқчи бўлади. Дилором ҳеч қойил қолавермайди. Шунда Баҳром қочиб кетаётган кийикни ёй ўқи билан ўқлаб орқа оёғини қулоғига қўшиб бошига тикиб қўяди. Аммо қайсар Дилором “Бу ҳам машқ натижаси” дейди хотиржамгина тантиқланиб. Бундай совуққонликдан жаҳл отига минган шоҳ Баҳром уни ўлдирмоқчи бўлади аммо, кўзи қиймайди сўнгра оёқ-кўлини куллуқлаб чўлнинг ўртасига ташлаб кетади. Иттифоқо саҳрода ўтин териб юрган бир чол уни топиб олиб уйига олиб кетади ва ўзига қиз қилиб олади. Орадан йиллар ўтиб, шоҳ Баҳром яна шикорга чиқади ва тақдир тақозоси билан ана ўша чолнинг уйига меҳмон бўлади. Чолнинг асранди қизи чолни танийди. Анча йил олдин бўлиб ўтган воқеани эслатиш учун боғлиқда турган буқани кўтариб сойга олиб тушади ва суғориб бўлгач, яна елкасида кўтариб юқорига олиб чиқади. Буни кўриб турган шоҳ чолни чақириб, ундан “Аёл либосидаги паҳлавон ким?” деб сўрайди. Чол “Бу менинг қизим” деб, жавоб беради.

Подшоҳнинг

– Нозик-ниҳол қиз шундай катта новвосни кўтара оладими – деган саволига

– Буни ўзидан сўранг – деб жавоб беради.

Дилоромни чақиртирадилар. Шоҳ Баҳром саволни аёлнинг ўзига беради. Дилором юзидан пардасини олиб, Баҳромга айёрони кулиб қарайди ва

– Бу ҳам машқнинг натижаси – деб жавоб беради.

Ана шундай тинимсиз ва муттасил машқлар натижасида ақл бовар қилмас натижаларга эришса бўлади. Бунинг учун эса, сабр-тоқат, кунт ва битмас-туганмас истак бўлиши лозим. Яна бир энг муҳим нарса – ёшлик шижоати керак бўлади. Ёш дўстим! Сизда ниятингизга етиш ва бахтли бўлиш учун ҳамма нарса муҳайё, қолгани ўзингиздан. Ҳазрат Навоий айтганларидек,

*Ўз вужудингга тафаккур айлағил,  
Ҳар не тиларсен ўзундан тилағил.*



Мансур ЖУМАЕВ

## Бахтдан бўлак даъвойимиз йўқ

### Ушшоқ

Ишқ ғамидан ғайра савдойимиз йўқ,  
Ошиқмизу, жунун авзойимиз йўқ.  
Севги Ёра ёру, ошиқ – художўй,  
Муслмону буддий, тарсойимиз йўқ.

Хизр суйи томган баҳоримизга,  
Нур сизажак лайлу наҳоримизга,  
Ачинмангиз асти аҳволимизга,  
Ахир сизнинг била парвойимиз йўқ.

Саломатдир ушшоқ телбалари-да,  
Сабзанурлар ўйнар жилваларида,  
Ахир кўзларимиз қиблаларида  
Ўшал ишқдан бўлак маъвойимиз йўқ.

Дилинг танҳо ғариб эзганинг бахтдир,  
Ёрнинг бир гардини сезганинг бахтдир,  
Севганинг, севганинг, севганинг бахтдир,  
Бўйла бахтдан бўлак даъвойимиз йўқ.

Жунун даштида биз излаган Лайло –  
Ҳусн бозорида топилмас асло.  
Ё Мавло, қалбимиз тарк этма, Мавло!  
Бизим шундан бўлак мавлойимиз йўқ!

### Сахро баҳори

Биз бахтиёр эдик,  
биз шодон эдик,  
хурлар олиб қочиб хаёлимизни.  
Осмон юлдузларга тўлган кечада  
апрель ўғирлади баҳоримизни.

Хаёлларни юлиб отди гармсел;  
тилакларни тилка айладим.  
У-чи,  
бўстонида қолиб кетди у –  
гулга айланиб...

Август булоғидан симирдим сафо,  
соч силатиб кездим шўх елвизакка.  
Тагин мен беомон,  
мен бир бевафо,  
ёзни ёлғизлатиб,  
кетдим кузакка...

Энди яна шодон бўламизми, айт,  
шабнам безармикан наҳоримизни?!  
Қайтиб берармикан бизга яна март  
апрель ўғирлаган баҳоримизни?!



## Менинг хатоларим

Бир суйдирги ичимда...  
бир куйдирги ичимда –  
чиқиб кетар сирғалиб  
ўттиз икки тишимдан.

Саҳройи дил савдойи;  
шеърдан нечук қайтаман?!  
Хато шудир: ҳаммага  
ҳаммасини айтаман...

Менинг хатоларим-ай,  
ў, менинг хатоларим!  
Фигон урди афғонзай –  
у менинг хатоларим.

Кечолмадим бу жонон,  
нозик адоларимдан;  
кечмишлар кечдилар қон  
менинг хатоларимдан.

Этларни сихлаганман,  
Исони михлаганман,  
виждонга пичоқ тортиб,  
устида йиғлаганман.

Хатодан чиқмаганман,  
дунёга сиғмаганман,  
Расулуллоҳни тинглаб,  
эсимни йиғмаганман.

Марди йўқ майдон билан  
ўлимлар сотганим чин,  
зарсулув шайтон билан  
чирмашиб ётганим чин...

Нечун сизни қўймайман,  
ў, менинг хатоларим!  
Мен ўзимни ўйлайман –  
шу менинг хатоларим...

Фарзандим – унут олам –  
дилгинангининг дарзиман;  
болам, дорга ос, болам,  
болам, шунга арзийман.

Хирқиратинг – безарар,  
эй, Ҳақдан атоларим;  
сиртмоқда силтаниблар  
тўкилса хатоларим!

Қарғанг! Сўкинг! Турманг жим!  
Ўйлай жон чиқар они  
қолдирдим деб шу чиркин  
тўзиб ётган дунёни.

Хатоларим ўрнини  
наҳот босмайсан, нолам;  
ўзим келдим дорингга,  
нечун осмайсан, болам?..

Ув, менинг хатоларим!  
Хув, менинг хатоларим!  
Болам, келдими навбат,  
юв менинг хатоларим...

Мерос эди хатолар,  
ворис бўлар бўтам ҳам;  
хато сабаб жаннатдан  
қувилганди Отам ҳам.

Тан олмасам – бу гуноҳ:  
яшолмайман бегуноҳ...  
мени бунча севасиз,  
о, иштибоҳ, иштибоҳ!

Сизга раҳмат қарз бўлсин,  
о, менинг хатоларим!  
Буюр, Худо, дарс бўлсин  
то менинг хатоларим.

Доно, Доро бўлиб гар  
тўрадимми Атодан?!  
Қилинган хато! Қайтар  
қилинмаган хатодан!

## Иймон

Чиқиб кетдим азал кўшкидан –  
чиқиб кетдим падар пуштидан,  
чиқиб кетдим ажал бурнидан –  
муваллида онам қорнидан;  
чиқиб кетдим сиқик бешикдан,  
чиқиб кетдим хона, эшикдан,  
чиқиб кетдим кўча, маҳалдан,  
чиқиб кетдим қишлоқ, шаҳардан,  
чиқиб кетдим қилмадим тоқат...  
қуюшқондан чиқмадим фақат;  
ҳеч қаерга сиғмаган савил,  
қуюшқонга сиғдим муттасил.  
Магар чиқиб кетдимми бир бор?  
Кечиргайсан, о, Парвардигор!..  
Мен сабийни васли Ёр томон  
омон олиб боргин, қуюшқон...

## Болалик

Қор жилғага айланиб,  
кетди ҳаёт сойига:  
кетаверди лойланиб  
танимаган жойига.

Қорлигидан асар йўқ;  
қайга етди?  
айтмайди...  
...у қор бўлиб яшаган  
чўққисига қайтмайди...





Лайло ҲАСАНОВА

# Оппоқ орзуларга бурканган байтлар

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нега болалар эртақларни севиб тинглашади? Фантастик тасвирларни борича қабул қила олишади? Ҳар қалай, мени бу савол кўп ўйлантирган. Болалигимда эртақлардаги мард, баҳодир қаҳрамонлар; деу ялмоғизларнинг борлигига ишонар эдим, ҳатто ҳар янги йилда ташриф буюрувчи Қорбобо ва қизининг келишини интизорлик билан кутар эдим. Шу жажжи юракчамга олам-олам орзулар сиғар эди. Уларнинг барчаси амалга ошишига ишонар эдим...

Энди билсам, беғуборлик киши қалбини юксалтирар экан, катта дардларни ҳам бир капалаб ютишга имкон берар экан. Оппоқ орзулари ортидан шиддат билан одимлаб бораётган Мансур Жумаев шеърларнинг дилтортарлиги, жозибаси ва оҳанрабо тийнатлиги шундандир.

Қай мисрасини ўқиманг, мисрлардаги соф ва самимий туйғулар сизиб киради, қалбимиз тандирдек қизиби, тозарди. Рухимиз бўйини ўстиради. Қалбда туғён ураётган, англамасиз сезимларга ном кўйиб беради.

Шоир шеърларининг асоси ишқ тараннумидан иборат. Уларда инсоний ва илоҳий ишқ қоришиб кетади, ёр ишқи, ватанга бўлган меҳр-садоқат, ота-онага изҳор

этилган муҳаббат, турмушнинг кичик ташвишларидан чиқарилган катта фалсафий хулосалар бор. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ёш ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижодини рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган “Биринчи китобим” туркумида нашр қилинган “Оқ орзуларим” тўплами юқоридаги фикрларимизни далиллаши тайин.

Мўъжаз китобча билан танишар экансиз, беғубор қалб соҳибининг ҳамон эртақлар олами ошноси эканлигига гувоҳ бўласиз: “Мағрур инсон ҳақида эртақ”, “Уч хазина ҳақида эртақ”, “Баҳор ва севилиш эртаги”, “Куз эртаги”, “Эртақ ҳақида эртақ” кабилар. Аслида, гапимни эртақлар таърифидан бошлаганимнинг сабаби ҳам шунда эди. Мансур Жумаев:

*Болаликда қўймасдим омон:  
Эртақ айтиб беринг, бувижон.  
Бувим айтган эртақда доим  
Муродига етарди инсон*

дея бошланувчи “Эртақ ҳақида эртақ” сарлавҳали шеърда барча болаларнинг ҳаётида рўй берган ва берадиган ҳодисани қаламга олади. Бу кишига маънавий завқ бериб, олис болаликнинг беғубор онларини эсга солади: кўнгилда ҳузурли антикиш пайдо қилади. Шу тарзда

шоир кейинги бандларда кўнглида кечаётган, руҳини талотум қилаётган ҳисларини баён қилиб, ўзини эртақдаги маликага ошиқ бўлган чўпонга қиёс этади. Шундай қилиб, хулосада тугал ечим, гўзал ифода намоён бўлади:

*То муродга етмай афсонам  
тугамасин дер эдим ҳаргиз.  
– Эртақ тамом! – деди жилмайиб  
юрагимни ўғирлаган қиз.*

*Наҳот шундоқ тугар?*

*У ҳамон  
юрагимни қайтиб бермаган...  
Бувижоним менга ҳеч қачон,  
бундай эртақ айтиб бермаган.*

Кутилмаган ечим анча залворли. Кишини мулоҳазага чорлайди. Эртақларнинг жозибаси маънавий-руҳий тарбиясидан баҳраманд бўлган шоирнинг қалб кечинмалари, оҳори тўқилмаган туйғуларнинг тараннуми сифатида янграйди. Мавзу эски, аммо ҳали қаламга олинмаган ифодалар билан зийнатланган ушбу тугал асар кишида ўзгача таассурот уйғотиши тайин. Эртақ либосидаги ҳаётий ҳақиқатлар ҳар бир ўқувчини тўлқинлантириши шубҳасиз. Мансурнинг шеърларини ўқиркан, эртақнамо самимий сатрлар орқали ҳам теран фалсафий хулосалар ясай олиш, азалий ва абадий саволларни ўрта-



га қўйиш, бир сўз билан айтганда, йирик мулоҳазалар, дилбар таш-беҳларга бурканган ажойиб шеърӣй монументлар яратиш мумкинлигига ишонади киши. Ҳар фикрнинг далили бўлгани яхши. Шундай экан, “Куз эртаги” номли шеъри билан биз бунга эришамиз. Ўзини бутун башариятга тегишли деб ҳисоблайдиган ижодкор бунда ўзини намоён этади. “Кузак – қартайган баҳор” илҳоми шоирни боғ оралаб хаёлотнинг чексиз оламига чорлайди. Шоир хаёлидан манзаралар кинолентадек ўтиб боради: “Айвондаги эски чориғин ёддан чиқарган одамзот”нинг аллақайга ҳорғин ҳолатда шошиб бориши тасвирланади. Аммо қаерга!? Халқ тили билан айтганда “ўздан кетган” одамзотнинг чарчоқни ортмоқлаб югургилаб бориши – “Куз эртаги”-нинг, Жанни Родари таъбирлаганидек, биринчи тугаши. “Авлиёлар туғиб берган Шарқнинг” инсониятга ўксиниши ҳамда Ботишдаги инсонларнинг воизликка ва қошифликка – ниятига интилишини параллел тасвирлайди. Бунда ачиниш ҳамда умид бор. Бу эртанинг иккинчи тугаши. “Ахтарганча омонлик ва нон масофалар, сарҳадлар оша”ётган дунёнинг турли томонидаги муҳожирларнинг аянчли ҳолати эртанинг учинчи якунланиши бўлади. “Ўзи қўйган ўтнинг тафтида” кабоб пишираётган фитнагарларнинг тарих кафтида уваланиб таноби тортилмаётганлиги шоирнинг нафратини оширади. Кейин шоир хаёли қоралиқдан оқлик томон секин сизиб ўтади. Бу даҳри дунё мону яхшини бирдек елкасида кўтаради. Хунолуд шафақнинг қуёшни аждарҳодай ютиб қизариши билан шартли равишда шеърнинг биринчи қисми якунланади ҳамда оламни безаб турган эзгуликлар тараннуми бошланади:

*Боғимда-чи, онам олар тин,  
Манглайда шўхлигим изи.  
Хотири жам рафиқам ҳуснин  
Ўғирлайди ширинтой қизим.*

Боғидан, тинч-фаровон оиласидан кўнгли хотиржам онанинг ҳолати шу тарзда тасвирланади. Сўнги

икки сатрда шоир лирик чекиниш қилади, келажакни тасаввур этади.

Кейинги байтда ўзига риторик савол билан мурожаат этиб, юрагида улғайган аҳдни баён этади: “мен ҳам эркак бўлибманми, айт, учовига беролмасам бахт”.

Шеър сўнгида фикрларини жамлаб, чор атрофга разм солади. Ерга тўкилаётган барглари унинг хаёлини олади. “Фарзанд доғи қаритган дарахт видо айтар япроқларига” дея юқорида ифода этилган разилликлар ва тубанликларни ўқувчи ёдига солади ва:

*Товонимдан охир топар марг,  
эзилади шиқирлаб шундоқ –  
илдизидан узоқлашган барг,  
оғочини унутган япроқ  
дея залворли ечим беради.*

Бунда барча эртақ якунларига бир умумий хулоса ясайди. Илдизидан узилган япроқ: эски чориғини унутган инсон, авлиёлар туғиб берган Шарқнинг бугунги аҳволи, омонлик ва нон ахтариб масофалар кезаётган муҳожирлардир. Бу мавзунинг мантиқий давоми сифатида “Болалик” шеърини олишимиз мумкин:

*Қор жилғага айланиб,  
кетди ҳаёт сойига:  
кетаверди лойланиб,  
танимаган жойига.*

*Қорлигидан асар йўқ;  
қайга етди?*



*Айтмайди...*

*У қор бўлиб яшаган  
чўққисига қайтмайди...*

Туғилиш ва ўлим, ўтмиш ва келажак, бутун башариятнинг тақдири шугина икки бандда баён этилади. Ҳаёт асли шундай тузилган: киши болаликнинг беғубор оламидан тобора узоқлашар экан, йўлда учраган ҳар кас, ҳар тусдан лойланиб бораверади. Умр йўлларида учраган ҳар турли ҳодисалар кишини билиб-билмай хато қилишига олиб келади, бу ҳаёт фалсафаси! Шоир буни теран англаган ҳолда куйиниш билан, одам авлоди тарихини имкон қадар соф сақлашга, шу билан келажакка иложи бориша тоза қалб ва ёруғ юз билан боришга ундайди.

Шоирларни уларнинг муҳаббатлари машҳур қилади. Шеърларни ўқиб олган бугунги хулосам – шу. Бу мавзу барча шоирлар сингари Мансурнинг шеърларида ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг шеъриятидаги муҳаббат мавзуси Шарқ шеърятининг забардастларидан таълим олганлигини далиллайди: “Кун қолмади билакка” дея бошланувчи шеърдаги “қолдим бир холга икки” шаҳар берган шоирдай” мисралари ёхуд “Ўн саккиз минг олам қиссаси” Алишер Навоийнинг “Ўн саккиз минг олам ошуби” деб бошланувчи газалини ёдга солиши билан Мажозий ва илоҳий ишқни бир ўринга қатма-қат жойлаштиради. Жумладан, “Жоним” шеърда “жон”ни турли рангларда ифода этади.

*Жоним нени дер, жоним?*

*Жоним сени дер, жоним!*

Ҳар қандай талқин этилса-да, мазмунга путур етмайди, назаримизда. Биринчи “Жоним (Аллоҳ маъносида) нимани истайди, жоним (ўзига ёхуд ёрга мурожаат)”. Иккинчиси, аксинча, “Жоним (ўзи ёхуд ёр маъносида) нимани истайди, жоним (Аллоҳга мурожаат)” ёхуд “Жоним (Аллоҳ ёки ёр маъносида) нимани истайди, жоним (ўзига мурожаат)” ва ҳоказо. Бу шоирнинг маҳоратидан дарак беради.

*Қаҳринг ила меҳрингдан  
Забар ила зер жоним.*

Бу мисраларни ҳам юқорида-гидек бир неча маъно қаватларида шарҳлаш мумкин ва, энг муҳими, мазмун барчасида ҳам ўз қиммати-ни сақлаб қолаверади.

Аллоҳга муножот тарзида битилган кейинги бандда мазмун анча аёнлашади: бу оламнинг барча яратилганларида Тангри тажалли этади. “Пайкон ўзинг, ёй ўзинг”, яъни сабаб ҳам ўзинг эдинг, оқибат ҳам ўзингсан. Мен топинар жой ўзингсан, дея сатрларини давом эттиради. “Осмон ила ер – жоним”, яъни бутун олам Ўзи эканлигига ишора беради. Буни бошқача тусунса ҳам бўлади: мажозий ишққа нисбатан, яъни ёр васфи.

*Музман – мени ёндиргин,*

*Ташнадирман – қондиргин,*

Зоҳиран ёрга мурожаат тарзида қабул қилса ҳам мазмун англашилади, аммо чуқурроқ разм солинса, бу илоҳий ишқ тараннуми ҳамдир.

*Мени мандан тондиргин;*

Фикрим – жайрон, шер – жоним...

Шер – овчи, жайрон – ўлжа; жоним – жисм. Рамзий ифодаларга таяниб келинган хулоса: Мени (руҳимни) мандан (жисмимдан) тондиргин (озод этгин), Фикрим – қочгувчи, жабрдийда, жоним (жисмим, нафсим) – ҳалок этувчи. Жисмимдан фикримни, яъни руҳимни озод этгин. Шеърни таҳлил этишда банднинг охириги сатрдан юқорига томон ҳаракатланган, мазмун англашилади: Фикрим (руҳимни) жисмимдан озод этгин, Бу менинг ташналигимдир, уни қондиргин. Фикрлари қотиб қолган музман, ёндиргин, дея илтижо этган шоирнинг Аллоҳга муножоти бу.

*Мен сенга айланганман...*

*Менга мени бер, жоним!*

дея шеър якун топади. Юқоридаги “мени мандан тондиргин” билан хулосадаги “менга мени бер, жоним” ифодалари ўзига хос ритми ҳосил қилади ва мазмуний контрастни оширади. Бунда Аллоҳга яқинлашган лирик қаҳрамоннинг қалб кечинмалари ифода этилади. Шу тарзда тасаввуфий мазмунни англаш мумкин, яна севгилисига

мурожаати сифатида ҳам қабул қилинса бўлади.

Одатда, аёллар муҳаббати ўзлари томонидан чиройли ифодаланади. Аммо адабиёт тарихида аёлга хос туйғуларни ҳаққоний тасвирлаган ижодкор адиблар учраб туради (Рашод Нури Гунтекин “Чоликуши”, Лев Толстой “Анна Каренина”).

Мансурнинг қуйидаги мисралари ҳам бунга мисол бўлади:

*Аёл севса чин севар,*

*ундан ортиқ ким севар?!*

*Одам ўғли ҳайкириб,*

*Ҳавво қизи жим севар.*

Мансурнинг шеърлари орасида муҳаббат сабаб дунёга келган, кўнгилдан чиқиб кўнгилга борувчи қатор намуналарни эътироф этиш мумкин: “Сахро баҳори”, “Гул”, “Китобсевар қизга”, “Баҳор ва севилиш эртаги” ва ҳоказо. Бунда унинг ўзига хос услуби ва ўзлиги намоён бўлади.

Айниқса, “...га” номли шеъри алоҳида эътиборга лойиқ. Шоир ҳамон кўнгилнинг тубида оғриқ бериб турган дардларнинг қоғозларга тўла кўчмаганлигини, “очилмаган кўриқдай кўнгли”ни таржималардан ортиб қолаётганлигини баён этади. Бу орқали ижодкор ҳали ўз қувват захирасининг ўндан бири, эҳтимол, юздан бирини ҳам сарф этмаганлигини баён этади:

*очилмаган кўриқдай кўнглим*

*ортиб қолар таржималардан*

Психологияда инсон зотини ўзидан яхшироқ биладиган бошқа бир киши бўлмайди, деган тушунча мавжуд. Шу тарзда Мансур Жумаевнинг шеърларига ҳам ўзидан орттириб таъриф бериш қийин, назаримизда. Шу маънода кейинги бандда шундай дейди:

*аллақачон бўлардим валий*

*шеърларимга ўхшасам агар.*

Кейинги ўринларда яна таржималарга мурожаат этади:

*Бир кун кўнглим топар таржима,*

*бир кун кўнглим топар тасалли,*

*у шунчалар бўлар карима,*

*унда Аллоҳ қилар тажалли.*

Кўнгилнинг таржима топиши – инсон учун бахт. Бандга қатма-қат мазмун жойлаштирилган. Бир куни

энг яхши шеъримни ёзаман, шунда кўнглим тасалли топади. У шунчалар буюк бўладики, унда Аллоҳ тажалли этади. Иккинчидан, бир кун кўнглимдаги ёрни топганимда, кўнглим тасалли топади: у шунчалар буюк бўладики унинг юзидан Тангри жилва қилади. Ва шоир шундай хулоса беради:

*Битилса гар ўшал буюк байт,*

*кўнглим учун қилса кифоя,*

*ё яшашга қолмайди ҳожат,*

*ёки умрим топгай ниҳоя.*

Шу тарзда Мансур ҳаётда ўз олдига қўйган олий мақсадини ифода этади ва мавзуни мантиқан “Шеърим” да давом эттиради. Буни унинг ижодига берилган энг яхши таъриф сифатида қабул қилсак бўлади.

Қуйма ифода этилган ушбу мисралар маржони кишини оҳанги билан эритади. Эстетик завқ беради:

*Аё шеърим, аё шеърим,*

*ай, ёширин ҳаё шеърим,*

*бирам ширин, бирам ширин,*

*ширин жонимдаё шеърим.*

Шоирлар шеърларини ўз болаларидек яхши кўриши шу ифодаларда яққол намоён бўлади; уларни боласидек эркалаб, суяди, қувончи, ўзи суйган балоси сифатида таъриф беради. Ўқилганда оҳанги кишини элитади. Ўзига хос кайфият ҳосил қилади. Ва шеър сўнгида:

*Ай муҳаббатсаро шеърим,*

*Маним оқу қаро шеърим,*


*Кетар бўлсам не ғам, сен бор –*

*Икки олам аро шеърим! –*

дея ўз ижодига, умуман, шеърятга баҳо беради. Бу оламда инсон умрининг давоми сифатида сўз қолади, у асрлар оша яшаб киши умрини узайтиради. Шоир бу мисралар орқали шу ғояни илгари суради ҳамда шеърини умрининг давомчиси бўлишига ишонади.

Кўринадик, Мансурнинг ушбу китобига тўпланган шеърлари орасида гарчи эътибор қаратилиши зарур бўлган мисралар мавжуд эса-да, унинг шеърларидаги кўтарилган мавзунинг юки, ифодаларнинг содда, самимий ва дилтортарлиги баркамол шоир бўлишини башоратлар қилишимизга имкон беради.





## Хемингуэйнинг ёшлар билан Хейли'даш суҳбати

**Савол.** Жаноб Хемингуэй, бадиий ижодни қандай бошлагансиз?

**Жавоб.** Менда ҳар доим ёзишга иштиёқ кучли бўлган. Ижодий фаолиятим мактаб газетасига хабарлар тайёрлашдан бошланган. Дастлабки мустақил изланишим ҳам публицистика билан боғлиқ. Ўрта мактабни тамомлагач, Канзас-Ситига йўл олиб, у ердаги “Стар” газетасига оддий мухбир бўлиб ишга жойлашдим. Ўша пайтлар ким қаерда жиноят содир этгани, қачон ва қандай қилиб буни амалга оширгани тўғрисида ёзардим-у, лекин ҳодисалар сабаби – нега? – ҳақида ҳеч тўхталмасдик.

**Савол.** “Қўнғироқ кимга чалинар” деб номланган романингиз хусусида сўрамоқчиман. Асар воқеалари кечадиган Испанияда бўлганингизни биламан, бироқ

ўша жойга қандай муддао етаклаб боргани қизиқ?

**Жавоб.** Фуқаролар урушини ёритиш учун Шимолий Америка газетаси уюшмаси томонидан мухбир сифатида юборилгандим. Қолаверса, республикачиларга бир нечта санитар машиналарини олиб борганим ҳам эсимда.

**Савол.** Бирор асар ёзишга киришганингизда, дейлик “Чол ва денгиз”га, унинг ғояси қандай пайдо бўлади?

**Жавоб.** Қиссадаги балиқ воқеасига ўхшаш ҳодисага дуч келган кимса ҳақида эшитгандим. Унинг балиқ билан олишуви давомида нималар кечганлигини менга сўзлаб беришган. Кейин йигирма йилдан бери ўзим яхши танийдиган одамни ана шу вазиятда тасаввур қилиб кўрдим.

**Савол.** Ўз услубингизни қандай шакллантиргансиз? Ижодий ишга киришаётиб, унинг талабгирлиги, яъни тижорий муваффақиятини кўзлайсизми?

**Жавоб.** Аслида ҳаётни борлигича, қандай бўлса шундай тасвирлашга кўпроқ интиламан. Баъзан бундан ҳам қийинроқ иш йўқдай туюлади менга. Фализ ёзганлигим ҳам рост. Айни шу “сифатим”ни менинг алоҳида услубим деб баҳолашди. Эътибор берилса, бари хатоларим ва галлиқларимни пайқаш жуда ҳам осон, лекин уларни менинг услубим сифатида кўришади.

**Савол.** Битта асарни ёзиб тугатиш учун Сизга қанча вақт керак?

*‘АҚШнинг Айдахо штати марказидан 210 км. жанубдаги худуд.*



**Жавоб.** Бу энди асарга ва ишнинг қандай кетаётганига боғлиқ. Яхши китоб тахминан бир ярим йил ичида ёзилади.

**Савол.** *Ижод қилиш учун кунига неча соат бағишлайсиз?*

**Жавоб.** Олтида тураман ва ўн иккидан ўтгунча ишлашга ҳаракат қиламан.

**Савол.** *Тунги ўн иккими?*

**Жавоб.** Йўғ-е, кундузги.

**Савол.** *Омад юз ўгирган вақтлар ҳам бўлганми?*

**Жавоб.** Агар иш кўнгилдагидай кетмаса, омадсизлик билан ҳар кун тўқнаш келасан. У фақат эндигина ижодни бошлаган чоғларинг сени четлаб ўтгандай кўриниши мумкин. Чунки ўша пайти нима-ики ёзсанг, беназирдай туюлади, ўзингни яхши ҳис этасан. Гўёки қалам тебратишдан осони йўқдек ва буни ҳузурланиб бажарасан. Бироқ шундай кезлари китобхондан кўра ўзингни кўпроқ ўйлайсан. Ёзганларинг унга ҳам айтарли завқ бағишламайди. Кейинчалик, китобхон учун ёзишни ўрганганингда, ижод машаққати олдингидек осон кўринмайди. Бора-бора ҳар қандай ёзилган нарсдан хотирангда фақат уни қоғозга тушириш қанчалик қийин кечганлиги ҳақидаги ҳиссиёт қолади.

**Савол.** *Эндигина қалам тута бошлаган ёшлик чоғларингиз танқиддан қўрққанмисиз?*

**Жавоб.** Қўрқадиган нарсанинг ўзи йўқ эди. Аввалига асарларим ҳеч қандай даромад келтирмаган. Шунчаки билганимча ижод қилардим. Рисоладагидай ёзаётганимга ишончим комил эди. Асарларим кимгадир ёқмаган тақдирда ҳам, мен учун бу аҳамиятсиз кўринарди. Чунки ёзганларим бир куни чинакамига қадр топишини билардим. Шундан бўлса керак, танқид мени қизиқтирмаган, у билан деярли тўқнаш келмаганман. Адабиётдаги дастлабки қадамларингда сени пайқашмайди. Бу ёш қаламкашларнинг бахтли қисмати дир.

**Савол.** *Муваффақиятсизликни олдиндан ҳам кўра биласизми?*

**Жавоб.** Агар шундай бўлганида, ростдан ҳам ишлар ўнганмасди. Албатта, омад кетган тақдирда нима бўлишини ўйлаб, ўзингга ҳисоб берасан ва имкон қадар бундай вазиятга тушмасликка уринасан. Ақли бор инсон бошқача йўл тутолмайди ҳам. Лекин ҳар қандай ишга киришилганда, одатда, муваффақиятсизлик ҳақида олдиндан ўйламайсан.

**Савол.** *Қайсидир асарингиз ёки ёзмақчи бўлган нарсанингизни деб таҳдид қилишганми?*

**Жавоб.** Бўлмасамчи, китобларим чиққанидан кейин бир неча бор ўлим билан қўрқитишган.

**Савол.** *Дейлик бирор асарга киришсангиз, унинг бутун режасини аввалдан тузиб чиқасизми ёки фақатгина тахминий қайдлар билан чекланасизми?*

**Жавоб.** Униси ҳам, буниси ҳам эмас, мен шунчаки ёза бошлайман. Бадиий асар – бу мавжуд билимларинг асосидаги фантазиядир. Баъзан хотирадагиларни тиклашга урингандан кўра, яхши ўйлаб топилган воқеа анча ишонarli чиқади. Агарда ёзувчилар ўз даврида бадиий адабиёт билан



шуғулланишмаганида улардан ажойиб уйдирмачилар етишарди.

**Савол.** *Китобларингиз сони нечта?*

**Жавоб.** Адашмасам, ўн учта. Тўғри, бу унчалик кўп эмас. Аммо ҳар бир китобим устида узоқ меҳнат қиламан. Шу билан бирга, узлуксиз ёзиш одатим ҳам йўқ. Ўзим учун мароқли бўлган бирор нарса билан шуғулланиш мақсадида ишни четга суриб тураман. Қолаверса, тинимсиз урушлар сабаб, бадиий ижоддан узоқ вақтгача узилиб қолардим.

**Савол.** *“Алвидо, қурол!” романингиз учун қанча вақт кетган?*

**Жавоб.** Асарни қиш чоғи Парижда бошлаганман, эрта баҳор Куба ва Флоридадаги Ки-Уэстда, сўнг ўша кезлари қайнонам билан қайнотам яшайдиган Арканзасдаги Пиготда давом эттирдим. Кейин Канзас-Ситига – ўғилларимдан бири туғилган жойга кўчиб ўтдик. Ниҳоят, куз пайти Вайоминг штатидаги Бигхорнда романни якунладим. Дастлабки қораламани саккиз ой деганда қоғозга туширган бўлсам, яна беш ой уни қайта кўчириб чиқишга кетди. Жами ўн уч ой.

**Савол.** *Ёзган бирор нарсанингиздан кўнглингиз тўлмай, бошлаб қўйган асарингизга ҳеч қўл силтаганмисиз?*



**Жавоб.** Баъзан ҳафсалам пир бўлган, лекин ҳеч қачон ишни ташлаб қўймаганман. Начора! Ижоддан-ку ўзингни олиб қочиш мумкин, аммо ундан бекинишни иложи йўқ.

**Савол.** Қаҳрамонларингизни чорасиз ҳолатга қўясизми?

**Жавоб.** Ундай вазиятда қолдирмасликка ҳаракат қиламан, акс ҳолда ўзинг ҳам ана шундай аҳволга тушиб қолишинг ҳеч гап эмас.

**Савол.** Африка ҳақидаги ҳикояларингиз анчагина. Бу қитъани нега бунчалик яхши кўрасиз?

**Жавоб:** Манзур келадиган юртлар бор ва умуман жининг суймайдигани. Менга Африка чиндан ҳам ёқади. Ҳозир турган ҳудудимиз – Айдахода Африка ва Испанияни ёдга солувчи жойлар мавжуд. Мана шунинг учун ҳам бу ерда кўпгина басклар<sup>2</sup> ўрнашган.

**Савол:** Кўп мутолаа қилсангиз керак?

**Жавоб:** Шундай, ҳар вақт нималардир ўқийман. Иш кунидан сўнг ёзғилар ҳақида ўйлашни хоҳламайман ва мутолаага киришаман.


**Савол:** Учратган одамларингизни асар персонажга айлантириш учун алоҳида ўрганасизми?

**Жавоб:** Атай шу мақсадда кишиларни қидиришга уринмайман. Одатдагидек, ҳаёт мени қаерга улоқтирса, ўша ерда ҳозирман. Шундай нарсалар борки, уларни кўнглинг истаб бажарасан, бошқаларини эса мажбурилингдан. Ҳар икки ҳолатда ҳам ҳаёт сени кейинчалик қаламга оладиган инсонларинг билан тўқнаштиради.

**Савол:** Асарларингиз бўйича ишланган кинофильмлар Сизга ёқадими?

**Жавоб:** Ҳар галгидек, уларнинг бариси расво. Голливуд фильмлари орасида менга фақат “Қотиллар” маъқул бўлган. “Чол ва денгиз”дан бошқасини охиригача

<sup>2</sup>Испаниянинг шимоли-ғарби ва Франциянинг жануби-ғарбида яшовчи халқ.



кўролмаганман. Уни ҳам шахсан назоратим остида суратга олишган.

**Савол:** “Алвидо, қурол!” ни ёзишга нима туртки берган?

**Жавоб.** Гўдаклигимдаёқ Италияга бориб қолганман, у ерда мени уруш ўз домига тортди.

**Савол.** Кинога кириб турасизми?

**Жавоб.** Ҳа, кўп фильмлар кўрганман. Сўнги йиллардаги картиналар орасида ҳаммасидан ҳам “Квай дарёсидан ўтган кўприк” ва “Дунё бўйлаб 80 кун” маъқул келди. Иккинчи фильмнинг воқеалари аввалига қизиқарсиз ва сокин кечади, бироқ кейинроқ унинг алоҳида бир жиҳатини ҳис этасан: у аста-секин орзуга айланиб боради. Бундай бетакрор ҳиссиётни фақат яхши фильмгина уйғота олади.

**Савол.** “Алвидо, қурол!” нинг суратга туширилган талқинини кўргансизми?

**Жавоб.** Охиргисиними?

**Савол.** Ҳа, Рок Хадсон ижросидагини.

**Жавоб.** Очиги, кўрмаганман, лекин, билишимча, фильм ижодкорлари романни йўққа чиқаришган.

**Савол.** Уларга экранлаштириш ҳуқуқини бергансизми?

**Жавоб.** Бунга мендан ҳеч қим рухсат сўрамаган. Фильм учун ҳам бир тийин олманман.

**Савол.** Асар ёзиб бўлганингиздан сўнг, уни қайта ўқийсизми?

**Жавоб.** Ҳа. Бугун тўртта бобни қайта ўқиб, такрор кўчириб чиқдим. Аввалига худди баҳсдагидек жўшиб ёзасан, кейин бироз ҳовурингдан тушгач, тузатишлар киритасан.

**Савол.** Ёзишга бир ўтирганингизда одатда қанча вақт кетади?

**Жавоб.** Олти соатдан кўп эмас. Бундан ошадиган бўлса, толиқиб қоласан ва борган сари ёмонроқ ёза бошлайсан. Бирор асарга киришганимда якшанбадан ташқари ҳар куни ишлашга ҳаракат қиламан. Фақат ўша куни ёзмайман, негадир якшанбада ҳеч нарса чиқмайди. Уриниб кўрган тақдиримда ҳам бундан барибир жўяли бирор иш битмаган.

Эрнест Хемингуэйнинг “Кекса газетчи ёзади...” (Москва: “Прогресс”, 1983)

китобидан олинди.  
Рус тилидан **Азиз МАТЁҚУБОВ** таржимаси.



**Ҳамид АЛП**

# Норкалланинг уйланиши

Ҳикоя

Эгарарчалик Норкалла елкаси ерга тегмаган полвон эди. Донғи кетганига қарамай жуда кеч уйланган, болалариям кенжатўл. Курашдан ё кўпқаридан қайтаётганида зумраша болалар: “Полвон бобо, қаранг ўғилчаларингиз биз билан бирга чилик ўйнаб юришибди? Биз уларни зувлата-япмиз”, дея мақтанишарди. Норкалла полвон гоҳо уларга қамчин ўқталарди, гоҳо хижолат чекиб тескари қарарди. Илгари одамларнинг: “Ҳей Норкалла, қачон уйланасан, сўлоқмондай бўб юраберасанма?” “Биронта ёшроқ, эрдан чиққан бўлсаям ол-да”, деган мазамматларидан роса безор бўлган, қулоғини бекитиб овлоқдан овлоққа қочиб юрарди. Аслида, унга тегишни орзулаган қизлар овулда кўп эди. Тўйларда кураш тушиб бош совринларни эгаллаб элнинг орини оларди-да. Отаси узоқ йили калта касалдан эрта қазо қилган, энаси қурғур унга Оқсувнинг энг олди қизини олиб беришни ният қилиб, унча-мунчасини келинликка сўратмаган. Оқибат, ўғлининг уйланиши тоза кечикди. Бунинг яна бир сабаби бор эди, албатта. У ҳаддан ташқари бесўнақай, ухлаши учун энаси иккита кўрпани улаб берган, шунда ҳам ётса, баъзан оёғи керагадан

чиқиб қоларди. Қишда киядиган чориғига жувонанинг учдан бир териси аранг етарди. Бойбичалар қизимиз бунини ийбошлармикан, деб куёв қилишга юраклари дов бермас эди. Шу аснода йиллар ўтди, роппа-роса қирқнинг устига чиқди. Дўстлари ҳазиллашиб уни “Барчинойини топмаган Алпомиш” деб аташарди.

Кузда чўпонлар яйлов қайтиш қилиб сурувларни қиш қўтонларга ҳайдашарди. Қишлоқларда тўйлар бошланарди, полвонлар кураш тушиб, чавандозлар кўпқари чопиб, бахшилар достону термалар айтиб вақтини хушлашарди. Ўшанда, тўйин пайти тўрт қир наридаги Олмурут қишлоғида бир катта тўй бўлди. Шу ерлик минг кўйли Оқбўтабой икки хотинидан ўн бир қизли бўлиб ўғил кўрмаган, давраларнинг тўрида қариллаб ўтирганида оғзига кучи етмаганлар “Ўғли йўқнинг ўрни йўқ, сенга тўқмор илик қўймаймиз”, дейишиб роса юзига солишган. Оқбўтабой ростакамига “ҳаракат” қилдими янаги йили кичик хотини кўчқордай ўғил туғиб берди. У суюнганидан еру кўкка сизмай, боласининг чилласи чиқар-чиқмас йиққан-терганини сочиб, элга катта тўй беришга азм қилди. Қирқта та кўсам саркани сўйдириб қирқ

қозон ош дамлатган, йигирмата чори такани ташлатиб кўпқари берган, курашга майда молдан ташқари қўш ғунон ва туя қўйдирган, катта ўрадаги жамики полвону чавандозларни чақиртирган.

Норкалла ёши кетса ҳам авжи кучга тўлган, ҳали номдор полвонларга талаб солиб юрарди. Тўй хабарини эшитгач, у сал бадамалроқ бўлса ҳам машхур улоқчи оти Бўздингакни миниб Бўйинсалари билан Олмурут қайдасан, деб йўлга тушди. Бошида суртери телпак, эғнида оқ босма чакмон, оёғида ултондан тикилган ҳаккори этик, шу туришда Алпомиш бўлмасам ҳам Қўшқулоқ полвонга ўхшарди. Ёнида жўралари, ҳамсоя-қўниши от йўрттириб боришарди. Охири қирдан ошиб ўтганда қишлоқнинг қораси кўринди. Ҳамма тўйхонага селдай оқарди: Ёшу қари, отлиқлари пиёдалар. Олдинда эркаклар, орқароқда эшак минган аёллар ва болалар, бўй етган қизлар ортидан бўз болалар боришарди. Бир-бирлари билан ҳазиллашишар, йигитлар қизларга гап отишар, улар бурилиб қараб бурунларини танқайтириб қулиб қўйишарди. Кийикдай жайнашиб бўз болаларнинг юрагини ёқишга интилишарди. Ораларида биттаси, оқ юзли, бўта кўзли,



кийиқ қошли, сағриси яйловдай алвон кўйлакли сарвқомат қиз тўлин ойдаи ажралиб турарди. Норкалла уни узоқдан кўрди-ю кўз узолмай қолди. Яқинлашганларида қиз ҳам у томонга қаради, кўзлари учрашганда юзи янада ярқираб кетгандай бўлди, дурдек тишларини кўрсатиб табассум қилди. Полвоннинг юраги қинидан чиққудай гупиллаб урди. Ёнида бораётган жўраси Чўллига ўгирилиб деди:

– Ана, менинг Барчинойим.

Шуни оламан.

– Қайсини?

– Олдинда бораётган қизил кўйлаклини.

Чўлли қизга хуб тикилгач, бош иргатди.

– Ҳа, буниси аниқ сенга тўғри келади, гап йўқ. Калланг балодай ишлайди сен хумпарнинг.

– Каллам эмас, бу ерим ишляпти, – дея қамчини дастаси билан кўксига ниқтади дўсти.

– Тўғри-ку-я, буёғи битармикан, гап шунда-да. Олмурутликлар оркаш халқ, деб эшитганман.

– Кўрқма, бу сафар бахт менадан юз ўғирмайдиганга ўхшайди. Мана кўрасан. – У иниси Норқизилни ёнига чақириб сўради. – Олмурутда танишларинг борми?

– Армияда бирга хизмат қилган ошнам бор.

– Тўйхонада унга учраш, анови алвон кўйлакли кимнинг қизи, боши очикми, йўқми бил.

– Айтганингиздай қиламан, хотиржам бўлинг – деди акаси навбатни бўшатмаганидан уйланолмай юрган Норқизил қувониб.

Тўйхонага яқинлашишди.

Оқбўтанинг уйи олдидаги кенг ҳаввор от-эшақлар билан тўла, машина, трактор, мотоциклларнинг ҳам сони йўқ. тўйчиларнинг кўплигидан танга ташласа ерга тушмайди. Ит эгасини танимаса-да, уларни яхши кутиб олишди, отларинининг юганидан ушлашиб қоziқларга боғлашди, бир хил бўз болалар той-тувлқни миниб

олишган денг. Меҳмонларни апран кигиз тўшалган курга ўтказишди, дастурхонга нон ташлаб, қуруқ мева сочишди, корсон товоқларда қайнатма шўрваю гўштни мучаси билан кўйишди, изидан паловни тортишди. Тураётганларида тўйбошилар оқшомги кўшонани айтиб, хуржун-тўрвасига мўл-кўл улуш солиб бердилар. Қишлоқ бошидаги бир хонадонда отларига ем бериб ўзлариям қоринни тўйдириб олгач, кечкурун тўйхонага йўл олишди. Кураш аллақачон бошланган эди. Бу ёқларда ҳали концерт расм бўлмаган, қиз-келинлар ҳам бир четга тўптилиб курашни томошо қилишарди. Норкалла қарай-қарай йўлдаги қизни уларнинг орасида кўриб билаги босманинг кенг енгини йиртгудай шишинди. Чўлли билан Норқизил майдонга чиқиб бир-икки одми полвонни йиқитиб зот олишди.. Олиш қизигандан қизиди. Баковуллар бош товоқни эълон қилишди. Ўртага Норкалла чиқиб давра айланди. Яккабоғлик рақибини уч қўл олишгандан кейин кўтариб ерга урди. Баковуллар: “Ҳалол” деди, зотга қўйилган, ўркачига гулдор бахмал дигил ташланган ғунон туяни етакла тишди.

Эртасига кўпкариниям чопиб уйларига қайтишаркан, Норкалла совринга теккан нортуяни етаклаб келаётган Норқизилни ёнига чорлаб аста сўради:

– Тайинлаган гапим нима бўлди? Бажардингма?

– Бажардим, ака, айтганингизданам зиёда қилиб. Исми Ойтўлғон экан, шу қишлоқлик Беккам чавандознинг қизи, ёши йигирма тўртда, боши очик, ҳеч кимга унаштирилмаган. Совчилар уйининг бўсағаси турумини бузишаётганига анча бўлган, лекин отаси уни муносиб йигитга бераман, деб оёқ тираб келаётган экан.

Норкаланинг юзида шодлик барқ урди, укасининг елкасига

суйиб-суйиб қоқиб қўйди. Сўнгра “Нима дегандим сенга,” дегандай Чўллига қараб ўшшайди. Энди гап совчиларда қолганди.

Уйга келганларидан кейин бор гапни энасига айтди. Онаизорнинг қувончи чексиз эди, ниҳоят келин кўрадиган куним бор экан, деб кўзига ёш олди. Тоғаси Ҳофиз бобо Ғофир раисни орага солишни маслаҳат берди:

– Беккам чавандоз улай-булайга кўнмайди, жуда назари баланд одам. Некин, раис айтса йўқ деёлмайди.

Норқизилнинг сал ори келиб гап ташлади:

– Камситманг, оқсоқол, акам у ердаги курашда даврани соп синдирган. Берса, унга беради-да қизини.

– Албатта беради, бўтам. Энди, раис борса, жўннамроқ битадима дейман-да.

Ҳофиз чўпон ҳақ бўлиб чиқди, Ғофир ота совчиликка бориб ишни пишитиб келди. Бир ой ўтар-ўтмас фотиҳа тўйи бўлиб ўтди.

Азалдан кўнғиротларда уйланиш сермаросим, серхаражат узун сурали бўлиб, то келин келгунча орадан анча вақт, баъзида бир неча йил ўтган. Бу даврда келин ўзига сеп тайёрлаши лозим. Энаси янгалар ва аммалар иштирокида кўрпа-тўшак қавийди, кигиз босади, хасали пўстак тикади, қизнинг ўзи гилам тўқийди, палақлар, куёвга тўн ва белқарс тикади, ўтовнинг ёпинчиқлари, узук ва тувурлиғини, бойлар-матари, яъни қур ва тизмаларини кўлдан чиқаради. Куёв томон қалин, келиннинг бўхча-бувишини, кийимларини, қуда тўнлару сарполарни тақдим этади, орада бир неча бор дастурхон-товоқ, ҳайитлик жўнатиб туради. Куёв қаллиқ ўйинга борганда келинга рўмол, тақинчоқлар, атир-упалар, ширинликлар олиб боради.

Янаги йили тўй бўлди. Унча-мунча эмас Жўллининг юк мо-



шинига тўйлик молларни ва бошқа нарсаларни ортишди. Ҳофиз бобо дуога қўл очди. Тўйчилар Олмурутга жўнадилар. Уларнинг изидан куёвнинг ўзи беш-олти-та жўраси билан отланиб йўлга тушди. Қишлоққа кечга яқин кириб боришди. “Газ-53” Беккам полвоннинг ҳовлисида турарди. Аллақачон юкларни туширишган, тўйни бошлашган, ўчоқлар ўйилган, қозонлар осилган, одам айланиб, хотин-қизлар бойчечак ёйилгандай яшнаб кўринарди. Одатга кўра ҳали куёв ва жўраларининг тўйхонага яқинлашиши лозим эмас. Шу боисдан улар кўз кўрим нарида, тепаликнинг ортида тўхташди, у ёққа хабарчи йўллаб келганларидан огоҳ этишди. Орадан кўп ўтмай хабарчи қайтиб келди. Уларга тўйхонадан унча узоқ бўлмаган, аммо панароқ жойдан қўшхона беришипти. Қоронғу тушиб, одам-одамни танимайдиган бўлганда бари ўша ёққа равона бўлишди. Иримга биноан, овул йигитлари куёвнинг йўлига чиқиб таёқ ташлаши, олдини тўсиши керак эди. Маъниси, улардан “Шовулоқ”, яъни жонлиқми, пулми, бошқа нарсами талаб қилишарди. Беришса яхши, беришмаса жанжаллашишарди. Бу орият учун қилинар, баъзан иш тўбалашишгача бориб етар эди. Тўй бузилган ҳоллар ҳам бўлган. Нима учундир бу сафар урфга риоя қилишмади, ҳеч ким олдиларига таёқ кўтариб чиқмади. Анча шубҳали ҳол. Чунки, овулнинг бўз болалари олдиндан тайёргарлик кўриши, қовуржини қотган дадилларни тўплаши керак эди. Бунинг устига Ойтўлғон овулнинг бир деган қизи, унга уйланишни орзу қилганлар кўп, куёв эса бошқа қишлоқдан, оғзидаги ошни бегонага олдириб биқиниб ўтиришлари жоиз эмас.

Хулласи калом, қўшхонага омон-эсон жойлашиб олишди. Отларни қозиқларга боғлаб, эгарларини олиб устиларига босилдириқ ёпишди, каллаларига емли



тўрваларни илишди. Уй эгалари тўйхонага кетган, ўспирин ўғли уларга қарашарди. Ҳаммасини меҳмонхонага киритиб олдиларига дастурхон ёзди, қатлама-патирларни, ширинликларни, кейинроқ тўйхонадан юборилган яхна гўшт ва паловни олдиларига кўйди. Куёв жўралар буларни еб, ҳасали пўстак устида лўла болишларга ёнбошлаб ҳордиқ чиқаришди, ҳангамалашишди, оз-моз куч сиなしб қармашди. Кайфлари чоғ бўлиб, ўзларини нарра шердай сезишди. Бир хил ўпкаси каттароқлари бу ернинг йигитлари биздан кўрқди, деб роса мақтанишди, оғизларига нима келса гапиришди.

- Зўр қабул қилишди-я бизни.
- Асти сўрама.
- Олмурутликлар куёвларни роса сийлашар экан-да ўзиям.
- Менам шу ердан уйланаман.
- Мен ҳам.
- Ўл, сен уйланиб бўлгансан-ку!
- Аттанг деяпман-да.
- Қизлари кийикдай экан-эй!
- Етолсанг бировини тутиб ол.
- Йигитлари кўрқоқ экан, олсам нима!
- Кўрқоқ эмас, хунаса экан.
- Хунасагини ҳали кўрасан.

Чўлли ҳадикланиб унга қаради:

- Нима демоқчисан?
- Ҳеч нима. Шунчаки...
- Шунчаки эмас,— деди Норқизил.— Боя тўйхонага борганимда каттагина тўдани кўрдим. Ҳаммаси жуда дарғазаб, ниманингдир маслаҳатини қилишди. Бошлиғи Сувон узун, қўлини шоп қилиб: “Барини пачоқлаймиз!” деганини ўз қулоғим билан эшитдим.
- Бу ўша, Оқбўтабойнинг курашида қамашиликни чатоқ-патоқ қилиб йиқитган найновми?— сўради Норкалла.
- Ҳа, худди ўзи.— тасдиқлади Чўлли
- Нега бизга қарши бўб қопти?
- Қаллиғингга кўнгил қўйган экан, аммо совчиларини қайтаришган. Ойтўлғонни ололмадим, деб ҳамон оҳ ураркан.
- Бир хиллар кўкрагини захга бериб ётади ҳам, дейишади.
- Гуруннинг кети узилмай ташқарида тўпир-тўпир шовқин эшитилди. Худди чўлда оч қолган қашқирлардай бир тўда оломон айвонга келиб тўпланди. Ўттиз чоғли, кўзлари чақадиган илоннинг кўзидай, тумшуклари шанқайган, манглайлари танқайган сатта бўз бола. Бақир-чақир-



лари авжли. Норкалла куёв оти бор, обрў сақлаб турди, Чўлли билан Норқизилга буюрди:

– Чиқиб сўранглар қани, нима деб кепти? Сўраганини бериб жўнатиб юборинглар.

Улар айвонга чиқиб келганларга кўриниш беришди. Чўлли савол ташлади:

– Оғажонларим, нимага келдиларинг? Оч бўсанглар тўйхонага боринглар, бу ерда пишириб қўйиптима силарга?!

Йўғон гавдали Болта кўндаланг дегани олдинга чиқиб деди:

– Бизга шовулоқ бермадинглар.

– Ким бермади?

– Тўйхонадаги катталаринг.

– Нима олишни истайсилар?

– Шишак така, зўридан бўлсин.

– Яна нима?

– 50 сўм, ароқ пули.

– Иштаҳаларинг карнай-ку. Келиштириб айтинглар.

– Бўлари шу. Берсанг бердинг, бермасанг энангди учқўрғондан кўрасан.

– Катта кетма. Бизам ердан кўкариб чиққанимиз йўқ. Билсанг куёв колхознинг бош ферма мудири.– Гапни маънилатди Чўлли.– Майли ҳалак бўб кепсилар, куруқ қўймаймиз, тўйлик молларнинг орасида семизгина такаулоқ келган. Одам кўшаман, шуни оласилар. Қўшимчасига мана, 25 сўм, ўн бешта вино беради, барингга етади, оти қолган дунёда бир ичиб маст бўлинглар.

Шунда нарвондай узун нарса Чўллинг тумшуғи тагига келиб дўриллади:

– 25 сўмингни энангга обориб бер. Бизнинг дардимиз пул эмас.

– Бўлмаса нима?

– Бу ердан йўқолинглар. Ҳозир ҳаммангни итдай уриб ҳайдаймиз. Ойтўлғон шу ерда қолади. Унга ўзим уйланаман. Биз болаликдан бирга ўйнаб-ўсганмиз, уни севаман. – У ўрдақдай бўйини чўзиб ичкарига қараганча бақирди. – Эшитяпсанми, хў энағар Норкалла?! Жўна бу ердан!

– Сен найнов тилингни тортиб сўйла. – деди Норқизил аччиғла-ниб. – Бўйинг яна пича ўссин, кейин сенга отанг ўзингга ўхшаган адорғидай қинжир қизни олиб беради.

Орқароқда турган Болта ўқирди:

– Сол тумшуғига! Ўтирасанми айтишиб.

Бошқаси қувватлади:

– Ҳа, ур уккағарди! Матал эшитишга келганмидик.

– Олға йигитлар!

Сувон Чўллига ташланди, Болта кўндаланг эса Норқизилга. Азалдан Эгарарчаликлар чайирроқ келишган, анча туриш беришди. Тўғри, ҳали чинакам туюш бошланмаган, бир-бирларини итаришарди. Бироқ орқадагилар ҳам босиб келиб иккисини деворга қисиб қўйдилар. Жанжал чинлашганини кўрган Норкалла қолган куёв жўраларниям “жанг”-га ташлади. Улар тикроқ, елкаси ёзиқроқ йигитлар, Чўлли билан Норқизилнинг қаватида туриб Сувоннинг тўдасини чекинишга мажбур қилишди. Бироқ кучлар тенг эмас, рақиблар сон жиҳатдан босим эди. Айвонда энди чинакам муштлашиш борар, гоҳ у томоннинг, гоҳ бу томоннинг кўли баланд келарди. Талабгорларнинг анчаси сафдан чиқди, лекин наригилар мўр-малахдай кўп эди. Сувон билан Болта куёв жўралардан иккитасини уриб йиқитишди. Шундан сўнг Норкалла иззат сақлаб керилиб ўтиришнинг мавриди эмаслигини англаб куёвлик зар чопонини эғнидан улоқтирди, одобу андишани бир чеккага йиғиштириб, айвонга милтиқнинг ўқидай отилди. Дастлаб бақамти келган Болта кўндалангни бир зарбада қулатди. Қаршисидан чиққан бўз болаларни бошоқ ўргандай ўриб нариги томондан чиқди. Шунда унга ён томондан Сувон хужум қилди, қулочкашлаб энсасига туширди. Зарб кучли эди, полвон чўккалади. Рақиб



Ғафур Абдурахмонов чизган сурат



буни кўриб қутуриб унга ташланди, шунда у бир оёғини кўндаланг қўйди, Сувон суришиб юзтубан йиқилди. Норкалла тура солиб елкасига оёғини қўйди. Сувон ётган жойида тирмаланиб туришга уринар, аммо туrolмасди. Куёв жўралар бундан руҳланиб талаб солганларни чил тўзигандай тўзғитиб ташлашди. Яرمىси қочиб тушди. Шу маҳал бунинг устига тўйхонадан уй эгаси, куёв томоннинг оқсоқоли Бобонор кеп қолди ва барабар сўрашди!

– Бу нима тўполон?

Ҳамма жим, ҳеч кимдан садо чиқмади. Хонадон соҳиби деди:

– Куёв, сен ичкарига кир.

Жўрабоши ким?

– Мен, – деди юз-кўзи яхшигина зарба еган Чўлли.

– Сен гапир, нима бўлди?

У бўлган воқеани айтиб берди, уй эгасининг ўғли унинг сўзларини тасдиқлади. Иш шу билан хотима топдики, тўйбоши 25 сўмни Бобонордан олиб пулни овулнинг бўз болаларига ўз қўли билан топширди, тақаулоқни тўйхонадан берадиган бўлди. Азалий удум адо этилди, аммо бурни қонаган, юзлари мўматалоқ бўлган овул йигитларию биқинини ушлаганча инграб айвонни тарк этаётган Сувон бундан қаноатландими, йўқми, буни ҳеч ким билмасди.

Эрталаб тўй карвони йўлга тушди. Келиннинг юки ортилган, куда-қудағайлар минган “ГАЗ-53” Эгарарчага Катта чошгоҳда кириб келди. Газадан ошгандан сигнални дудиллатиб оламни бузди. Бирор соат ўтгач, отликлар ҳам кўринди. Олдинда, яқинлари куршовида юввошроқ отга минган келин келарди. Уни 13-14 ёшли укаси Ўсар мингаштириб олган. Қишлоқдаги ёшу қари оёққа туриб келиннинг келишини томошо қилишди. Болалар чангиётган йўлга қараб чопишди, безанган қизлар ирғишлашиб

тезроқ келинни кўриб олишга ошиқибди. Боштов яқин ўртада бундай тантанани кўрмаган эди. Ниҳоят келин карвони уй олдига келиб тўхтади. Аёллар, янгалар, аммаю холалар улар томон югургилашди. Бирови отнинг юганидан тутди, унга боғланган оқ сурпни ечиб олди, бошқаси узангидан ушлади, Келиннинг олдига чиққан “отаси” кўтариб тушириб олди. Ойтулғоннинг оёғида маҳси-калиш, эгнида шойи кўйлак, бошида ўн икки чоракли рўмол, устидан каштали желак ёпинган. Аммалар бошидан чачала: тангалар, ширинликлар, рўмолчалар сочишарди, хотин-халаж, бола-бақра қий-чув кўтариб уларни оёқлари остидан теришарди. Топганлар хурсанд, чачала теролмаганлар хафа, қиз-жувонлар, келиннинг бўй-бастини, кийимини кўрайлик, парими ё ўзимизга ўхшаган одмигинами, деганлар ҳам кўп. Кўп ўтмай куёв ва жўралари ҳам келиб улоқчи отларидан таппа-таппа ташлашди, қозикларга боғлашди. Бўз болалар юк машинаси устидан келиннинг ўровларини, сандиқларини тушириб ичкарига ташишди. Мезбон аёллар кудағайларни ва келинни ўртага олиб ўтов томон бошлашди. Йўл-йўлакай олов ёқиб келинни ундан ҳатлатишди, тепасидан яна чачала сочишди, болалар оёқ остига уймалашиб тера кетишди. Келинни бўсағага тўшалган ҳасали пўстак устига ўтирғизиб олдига дастурхон ёзишди, нон ва корсон товоқда яхна илик қўйишди. Бош янга удумга кўра, қариндошлардан сўради: “Келин овқат емаяпти, нима берасизлар?” Улар навбати билан келинга атаганларини ваъда қилишди: “Мен ўтлоқ бераман, мен сигир бераман, мен қўзили қўй бераман” ва ҳоказо. Шундан сўнг келин таомлардан оз-моз татинган бўлди. Энди “юз очди» маросимига навбат келди. Бунинг учун тўрт ёшли болакайнинг қўли-

га таёқча тутқазишиб, келиннинг юзидаги чимматни очишни буюришди. Бола икки уринишда вази-фани уддалади. Ҳамма келиннинг ойдаи юзини кўрди ва гўзаллигига қойил қолишди, йигитлар “оҳ!”- деди, қизлар хижолатдан ерга қарашди. Ойтулғон исми жисмига монанд эди, қошлари қийилган, кўзлари тим қора, зулфи ол ёноғига ярашган. Уни тувурлиғи ёпилган, тизмалари тутилган, отма боғлари отилган оқ ўтовга олиб кирдилар. Бўғчасини очиб олиб келган сепини ёйишди, кашталарининг асиллиги ва рангдорлигига қойил қолишди. Ниҳоят куёвни ҳам, бошига белқарс ташлаб ўтовга яқинлаштиришди. Бўсағада олдига шол дастурхон ёзишди, қатлама, қайнатовоқ, янгатовоқ, ҳайикматовоқларни тузашди. Тўйга йиғилганлар таассуротларини яшира олишмасди: “Қандай ярашиқли келин-куёв, бир-бирларига муносиб, мисоли Ҳакимбек билан Ойбарчин-а! Шунга айтадилар-да, ўтирган қиз ўрнини топар, деб. Кеч уйлансаям бахти чопганини қаранг хумпарнинг! Бироз жанжалли бўпти, эшитдиларингма? Ҳа, энди тўйнинг безаги-да”. Дарҳақиқат, таъзим туттиришаётганда ёнидаги куёвжўра бўлмиш Чўлли ҳам бошига одмироқ белбоғини солиб олганди. Буни кўриб одамлар кулгидан ўзларини тўхтатолмай унга гап ташлашарди: “Ҳа, Чўлли, сен нега юзингни яшираяпсан? Куёвлигинг аллақачон ўтган-ку! Катта ўғлинг уйлантирадиган бўб қолган-а”. Бунга жавобан у белбоғини кўқарган қонталаш юзига баттар дўндириб олди.

Шуйтиб, полвоннинг хонадо-нида, алқисса, висол чироғи ёнди, бахт косаси лиммо-лим тўлди, келин-куёв чимилдиқда ишқ майни охиригача симириб сармаст бўлишди...





Жан-Жак РУССО

# Халқ бахти ҳақида

Мен ҳақиқатни шунга муносиб равишда рӯй-рост айтаман. Соддаликдан жирканадиган, самимийликка нафрат билан қарайдиган кўрқоқ ўқувчилар, китобимни ёпиб қўйинг, сиз учун ёзилмаган у. Ёвуз қалбингизни қаноатлантира оладиган ҳақиқатнигина қадрлайдиган заҳарханда ўқувчилар, китобимни ёпиб, уни улоқтириб ташланг, чунки қидираётган нарсангизни ундан топа олмайсиз, мабодо ўқисангиз муаллифнинг сизга бўлган нафратини ўқиб оласиз.

Эзгуликни қадрлайдиган, дўст-биродарларини яхши кўрадиган, уларнинг хатоларидан афсусланиб, иллатларидан нафратланиб юрадиган, инсоният бошига кулфат тушса, ундан қайғурадиган, энг асосийси, камолотга интилаётган одам ушбу китобни бемалол ўқиши мумкин. У қалблардан акс-садо топади.

Ўз фикримнинг ўзимга ёқиши қувонтиради. Қачонлардир, қайсидир бир давлат арбоби том маънода Фуқаро бўлиб етишса, у

фақатгина ўзидан олдинги раҳбарнинг қонунларини бекор қилиш билангина шуғулланмасдан балки халқ аҳволини яхшилаш, унинг фаровонлигини ошириш ҳақида қалбдан ўйлайди. У қуруқ ваъдалар билан чекланиб қолмасдан, амалда ҳаракат қилади, халқ манфаатларини оёқости қилмасдан, фақатгина ўз мавқеини мустаҳкамламасдан, ҳокимиятини халқ бахт-саодати йўлида хизмат қилишга қаратади. Бахтли тасодиф туйфайли ушбу китоб қўлига тушиб қолса, менинг

*Жан-Жак Руссо (1712-1778) француз маърифатпарвар-файласуфи, ёзувчи.*

*Руссо кўп фалсафий асарлари ва рисоаларида ўз давридаги тенгсизлик ва зулмга асосланган сиёсий тузумни қаттиқ танқид қилади. Адиб шахс ва жамият ҳақидаги фикрларини «Одамлар орасида тенгсизликлар келиб чиқиши ва унинг асослари ҳақида мулоҳаза» номли китобида кенг баён этган.*

*Файласуф ёзувчининг «Ҳарбий асирлар», «Иқрор», «Юлия ёки Янги ҳаёт», «Эмил», «Ёлғиз хаёлпарастнинг сайри» сингари асарлари Европа адабиётларида маърифий йўналиш, руҳий таҳлилнинг кучайишига катта ҳисса қўшган. Жуда кўп йирик ёзувчилар, жумладан, Байрон, Гюго, Лев Толстойлар Руссонинг устоз деб тан олганлар. Адибнинг ижодий қамрови жуда кенг. Руссо илгари сурган ғоялар кўпгина мамлакатлар ижтимоий тафаккурига кучли таъсир кўрсатди. Унинг «Фанлар ва санъатлар ҳақида мулоҳазалар», «Сиёсий шартнома» каби фалсафий-таълимий асарларида шахс тарбияси, фикр ва туйғулар эркинлиги, санъат ва фалсафанинг маънавиятга таъсири каби масалалар чуқур ёритилган. У 1750 йилда Париж Бадий академиясида қилган «Илм-фан ва санъат равнақи ахлоқнинг покланишига ёрдам берадими?» номли маърузаси учун юксак мукофот билан тақдирланган. Руссо илгари сурган маърифатпарварлик ғоялари, инсоннинг маънавий-руҳий камолоти, адолатли бошқарув, давлат ва жамият ҳаётида маърифатли ҳукмдорнинг ўрни ва роли ҳақида билдирган фалсафий фикрлари ҳали-ҳануз яшашда давом этмоқда.*

*Адибнинг мулк ва бойлик, бахт ва бахтсизлик, нафс ва қаноат туйғулари ўртасидаги меъёр, чегара ҳақида теран ҳаётий мулоҳазалар илгари сурилган фалсафий рисоласи эътиборингизга ҳавола этилмоқда.*



ноаниқ фикрларим уни фойдали ишларга жалб қилади, инсонларнинг яхшироқ, бахтлироқ бўлишига хизмат қилади, мен эса бу ишларга алоқадор бўлиб қоламан, деб орзу қиламан.

Ушбу орзу мени қўлимга қалам олишга рағбатлантирди.

Орадан йиллар ўтиб номим адабиёт йилномаларидан ўчиб кетган тақдирда ҳам, майли, ушбу китобим нотаниш ва бечораҳол, лекин доно ва бахтли халқ мулки бўлиб қолсин. Улар шон-шухрат ва ғалаба кетидан қувмасдан, ушбу китобни мамнуният билан баъзи-баъзида ўқиб турсин.

1

Биз яшаётган шароитда ҳамма жойда дабдабаю хашамат, касб-хунару санъат асарлари тўлиб-тошиб ётган бўлса-да, биз ҳар куни инсоният бошига ёғилаётган кулфатлардан қайғуга тушамиз, турмушимизда тез-тез учраб турадиган оғирликлардан нолиймиз, айни пайтда бир парча егулик учун жонини хавф остига қўйиб, чакалакзорларда машаққат чекиб яшаётган ярим яланғоч ёввойилар орасида ҳаётдан нолиш йўқ. Улар эртага қандай машаққатлар кутаётганлигини ўйламасдан, қайғу нималигини билмасдан қувончга тўлиб тирикчилик қилади. Мусибатларимизнинг бош сабаби шундаки, биз кичкина кўнгилсизликларнинг олдини оламиз деб катта бало-офатларга дучор бўламиз.

2

Аввало гап-сўзларимиздаги икки хил маъноли ифодаларни бартараф қилишдан бошлайлик. Энг яхши Бошқарув тушунчаси ҳам ҳар доим энг кучли Бошқарув деган маънони англатмайди. Куч – восита, холос, уни қўллашдан мақсад – халқ бахт-саодатидир. Аммо «бахт» сўзининг маъноси айрим одамлар учун ноаниқ, халқ орасида ундан-да мавҳумроқ. Бахт ҳақидаги тасаввурларнинг турли-туман эканлиги жамиятдаги сиёсий мезонларни майдонга чиқаради, уларнинг мақсадини белгилаб беради. Халқ бахтини фикран тасаввур

қилайлик-да, шунга биноан ўз қонунларимизни асослайлик.

Жаноблар, қайси халқ энг бахтиёр, деб сўраяпсиз? Бу масалани узил-кесил ҳал қилиш учун етарли билимга эга эмасман, лекин уни ҳал этиш учун ёрдам берадиган ишончли меъёрларни белгилашга ҳаракат қиламан, агар буни уддалай олсам, ниятингизни амалга ошириш мақсадидан четга чиқмадим, деб ҳисоблайман.

Агар дунёда бор бўлса, қани ўша бахтли одам? Кимдир буни биладими? Бахт шунчаки ҳузур-ҳаловат эмас, шунчаки ўзгариб турадиган ўткинчи руҳий ҳолат ҳам эмас, балки у инсоннинг дахлсиз ички оламидаги алоҳида барқарор ҳиссиётлари ва руҳий кечинмаларидадирки, у ҳақда ҳеч ким аниқ фикр юрита олмайди. Бу нарсани ўзи бошидан кечирган одамгина тушуниши мумкин. Демак, ҳеч ким ўзгаларнинг бахти ҳақида тайинли фикр айта олмайди. Гап сиёсий жамиятлар ҳақида кетганда бу бутунлай бошқа масала. Уларнинг бахт-саодатию ғам-ғуссалари очик-ойдин кўриниб турган нарса, ички ҳиссиётлари ҳам ижтимоий характерга эга. Шубҳасиз, оломон бу ерда янглишади, у нималарда янглишмайди дейсиз? Кўриб турганини англай оладиган инсон учун одамлар қандай кўринишда бўлса, шундайлигича аён бўлади, уларнинг

маънавий-ахлоқий моҳияти ҳақида гапириб ўтирмайди.

Ҳақиқий ҳолатимиз ва имкониятларимиз билан истак-хоҳишимиз орасидаги, мажбуриятларимиз ҳамда иштиёқларимиз, инсонлар ва фуқаролар ўртасида табиат ва жамият ўрнатган тартиблардаги зиддиятлар бахтсизлигимизни ташкил қилади. Иккаласидан бирини танланг, ўшанда имкон борича инсонни бахтли қилган бўласиз.

Инсонни борлигича давлат ихтиёрига беринг ёки уни ўз ҳолига қўйинг, унинг қалбини қисмларга ажратиб бўлмайди, юраги эзилиб кетади, яна ўйламанг, мусибат чекаётган халқни бошқараётган давлат бахтли бўлади деб. Сиз бахт деб атаётган халқнинг маънавий-ахлоқий ҳолати ўз ҳолича хомхаёл. Халқ хотиржамлик ва фаровонлик туйғуларини сезмас экан, бошқаси сариқ чақага арзимайди. Фарзандлар ишида муваффақият бўлмас экан, оила гуллаб-яшнамайди.

Инсоннинг табиатига мос тушадиган имконият беринг, у ким бўлишни хоҳлаган бўлса, ўзи истаган ҳақиқий ҳолатига кирсин. Бу билан сиз ижтимоий турмуш қонунларини улар қалбига жойлаган бўласиз. Шунда одамлар ўз табиатига кўра фуқаролар эса ўз иштиёқига кўра бирлашади, раҳмдил бўлишади, бахтга эришади. Халқнинг роҳат-фароғати – давлатнинг тинчлиги, хотиржамлигидир.

Давлат туфайли халқ бирор нарсага эришар экан, демак, ўзи ҳам бир нарсаси билан унга дахлдор бўлади.

Мажбурий чоралар ёнига халқнинг истак-хоҳишларини ҳам қўшдингиз, ижтимоий бойликни хусусий мулк билан янада бойитдингиз. Энди давлат деганда мана шуларнинг барчаси бир бутунликда тушунилади. Оила эса, мана шу фарзандларим туфайли гуллаб-яшнадим, дея фахрланади.

Ҳар қандай давлат тизимида унга қарашли бўлмаган нималардир бор: айтайлик, одамларнинг истак-иродаси, унинг таъсир кучи қанчалик муҳим эканлигини ким инкор эта





олади? Ҳар ким фақат ўз ҳолича бахтли бўлишни орзу қилар экан, эл-юрт, Ватан бахтиёр бўлолмайди.

3

...энг муҳими, ижтимоий бахт барчани бирдек бахтли қилиши зарур эканлигини, акс ҳолда у маъно ва моҳиятсиз бир сўзга айланишини ёдда тутмоқ керак.

4

Халқнинг маънавий-ахлоқий аҳволи унинг мутлақ ҳолатига эмас, балки одамлар ўртасидаги муносабатларга кўпроқ боғлиқдир.

5

Халқ қай усулда бахтли бўлишини тушуниш учун бахтсизларнинг аҳволини ҳам яхши ўрганиш керак. Бахтли бўлиш учун нималар етишмаслигини аниқлаш билан бирга бахтли одам нималарга эга бўлишини ҳам билиб оламиз.

6

Халқ бахти нималардан иборат эканлигини аниқлаш учун одамларнинг бу ҳақдаги фикрларини жамлаш етарли бўлмаса керак. Халқнинг фаровонлиги жуда кўп нарсаларга боғлиқ, алоҳида шахсларнинг фаровонлигини аниқлаш ҳам унчалик осон эмас. Бинобарин, бу борада адашмаслик учун жуда кўп меъёрларни бир-биридан алоҳида ажратиш лозим. Халқ бахтининг ўзига хос хусусиятларини билдирувчи ҳақиқий мезонларни тўғри белгилаш керак.

7

Ликург ўз қонунларини жорий қилгач, фуқароларидан беҳисоб шикоятлар туша бошлади. Дунёда энг адолатли қонунлар яратгани ва халқи шу туфайли жаҳонда катта ҳурмат, шон-шухрат қозонгани учун бу қонунларни сақлаб қолиш мақсадида у ҳийла ишлатиб, ўзга юртларга бош олиб кетиб, дарбадарликда умр кечиришни лозим топган. Жаҳонга ҳоким бўлиш даражасига етган римликлар давлат бошқарувчилари устидан тўхтовсиз шико-

ятлар ёғдирмаганмиди? Энг яхши бошқарувчилари бўлган халқлар бошқалардан кўра кўпроқ норозилик билдирмаяптими? Оламда ҳали ўз халқининг бахтли яшашини тўла таъминловчи, нуқсонлардан холи бирорта давлат бошқарув шакли йўқ. Энг яхшилари, агар ақлли иш тутса, фуқаролар бахтли бўлиши учун имконият яратиб беради. Бу бахт ҳеч қачон оломон бахти бўла олмайди.

Юртни кўпчилик бўлиб бошқарганда ҳар бир фуқаронинг истак-хоҳиши ёки иштиёқига эмас, балки барчани қаноатлантира оладиган умумий қонунларга таянган ҳолда иш юритиш керак. Ҳар бир давлатда донолик билан ўйлаб иш қилинса, яъни таълим-тарбия, урф-одат ёрдамида ижтимоий ахлоқ нормалари шакллантирилса, айрим иштиёқманд фуқароларни ҳам шунга итоат эттириш мумкин, шунда улар ҳукуматдан мамнун бўлиб яшайдилар, бошқа давлатнинг яхши ёки ёмонлиги билан қизиқмайдилар.

Одамларнинг яшаш шароити ўзгариб қолса, шикоят ҳам кўпаяди, чунки одам борки, шикоят бор. Демак, давлат тараққиётини фақат фуқароларининг ўзларини бахтли ҳис қилиши билангина чеклаб бўлмайди. Қабул қилинган қонунлар оқилона бўлиши керак, токи фуқаролар ўзаро манфаат асосида алоқалар ўрнатсинлар, ўзга халқлар ёрдамига муҳтожлик сезмасинлар ана шундагина алоҳида шахслар ҳам, жамиятнинг барча аъзолари ҳам ўз бахтини тан оладилар. Бошқа халқлар муҳтож бўлган нарсалар ўз ватанида етарли даражада муҳайё бўлиб, унга муҳтожлик сезилмаса, унда бахт эшиги янада кенгроқ очилади.

Касб-хунар ривожланган, савдо-сотик ишларини йўлга қўйган халқларда маблағ кўпайса, бу – бахтли яшаш омилларининг энг асосийси деб ҳисоблайман. Тўғри, бахтни бойликка боғлаб бўлмайди, лекин яхши томони шундаки, пулдор одам ўз эҳтиёжларини тўлароқ қондиради, ўзгага муҳтож бўлиб қолмайди, иккинчидан ўзгаларни ўз иродасига бўйсундириб, уларни

ўзига қарам қила олади. Халқнинг бахти, фаровонлиги ана шунда.

Савдо-сотик ва касб-хунарга келганда шунга айтишим мумкин: уларнинг ривожини товар-пул айланмасини таъминлайди, беҳисоб пул, даромад келади, хоҳлаган нарсани, хоҳлаган миқдорда сотиб олиш имконияти пайдо бўлади. Мен аниқлаб беришим зарур бўлган мезонлардан бири ҳам шу.

Бахт ва фаровонликни ташкил қилувчи шу мезон ўзига бошқа меъёрларни ҳам қамраб олади ва бир-бирига мос тушади, тўлдиради.

Барча эҳтиёжларимиз икки хил бўлади: жисмоний эҳтиёжларимиз – ҳаётимизни сақлаб туриш учун зарур бўлган, бизга қулайлик яратадиган, ҳузур-ҳаловат бағишлайдиган нарсалардир. Уларни истеъмол қилиш одат тусига кириб, жисмимиз шунга кўникиб қолган. Шаҳарлик олифта аёл ёз жазирасида соябонсиз икки соат туриб кўрсин-чи, уни офтоб уради ёки бир касаллик орттириб олади, ваҳоланки, деҳқон аёл учун бу ҳолат табиий. Шаҳарлик жаноб кишлоқдаги мол-мулкни кўриб келиш учун уловсиз бора олмайди. Юмшоқ кареталарда юриб ўрганган одам, от миниб узоқ юролмайди. Қулайликларга ўрганган одам кашандага ўхшаб қолади, усиз туролмайди.

8

Ўзинг бирга яшаб турган халқингни бахтли қилиш учун ҳукмдорларга китоб – қўлланма ёзиш шартмикан? Яхшиси, ўз тажрибангизга таяниб иш кўринг.

9

Адолат сизга ҳамроҳ бўлсин: фуқароларингиз осойишталигини, хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг мол-мулкни сақлаш ҳам сизнинг вазифангизга киради: бу ҳали ҳаммаси эмас, уларни бахтли қилишингиз керак. Ҳукмдорнинг асосий вазифаси ана шунда.

Рус тилидан  
**Абдунаби АБДУҚОДИРОВ**  
таржимаси.



Иван БУНИН

## Қўналға

Ҳикоя

Бу воқеа жанубий Испаниянинг тоғли депараларидан бирида рўй берди.

Июнь ойининг сўлим оқшоми эди, ойдин кеча, тўлин ой осмон пештоқида осилиб турарди, одатан, кундузи жала қуйиб ўтган бўлса, димиққан кечалари ой нафармон нур таратади, бинафша гуллаётган кезларда бу ҳол табиий ҳисобланади, пастак жануб ўрмонлари билан қопланган ясси тоғларнинг довлари сутдай оқариб кўзга яққол ташланиб турарди, довон уфққа бош қўйган.

Довонлар орасига жойлашган энсиз водий шимол томонга чўзилиб кетган. Водийнинг бир тарафига довларнинг кўланкаси тушиб турар, мазор сукунати ҳукм сураётган бу оқшомда тоғ жилғаси бир маромда жилдирар, гоҳ сафсар маъдан, гоҳ ёқут, гоҳ тиллакўнғиз сирли шуъла сочар, оламни нурга тўлдираётган мўъжиза кўзни қамаштирарди. Қарши тарафдаги адирлар водийдан чекиниб, ўрнини паст текисликларга бўшатиб берган, текислик бўйлаб эски тош йўл ўтган. Шу пастликда жойлашган тошқўрғон ҳам ниҳоятда кўхна кўринарди. Бемаҳалда тошқўрғонга олдинги ўнғи оёғи оқсаётган тўриқ айғир отини қичамасдан миниб келаётган марокашлик бир киши

ташриф буюрди. У баланд бўйли, оқ жундан тўқилган кенг-мўл яктак кийиб, бошига попукли ҳожидўппи кўндириб олган эди.

Тошқўрғон одам зоти қирилиб кетгандек ҳувиллаб ётарди, ўз ҳолига ташлаб қўйилганга ўхшарди. Аслида ҳам шундай эди. Марокашлик киши дастлаб серсоя кўча бўйлаб, тош девор уйлар оралаб ўтди; уйларнинг деразалари ўрнида бўшлиқ қорайиб кўринарди, томорқадаги боғлар ёввойилашиб кетган эди. Кейин у ойдин майдонга чиқди; бу ерда устига шийпонча қилинган ҳовуз, пештоқиға Мадоннанинг зангори ҳайкалчаси ўрнатилган черков, ҳамон одамлар истиқомат қилаётган бир нечта ҳовли бор эди. Олдинда эса, майдонга кираверишда карвонсарой жойлашган. Пастки қаватдаги деразалардан ғира-шира нур тараларди. Эгар устида мудраб келаётган марокашлик бирдан ҳушёр тортиб, жиловни силтади, оқсаб келаётган от ўнқир-чўнқир тош тўшалган майдон бўйлаб жадал юриб кетди, туёқ товушлари тун қўйнидан акс-садо берарди. Туёқ товушини эшитиб карвонсарой бўсағасига кичрайиб, қоқсуяк бўлиб қолган кампир чиқди, дафъатан уни тиланчига ўхшатиш мумкин эди. Сўнг кулча юзли, ўн беш ёшлар чамасидаги қизалоқ остонада пайдо

бўлди; унинг жамалаги пешонасига тушиб турар, яланг оёқларига шиппакча илиб олган, эгнида оқиш печакгул тусидаги энгил қўйлак. Бўсағага бошини қўйиб ётган эшакдек қоп-қора ит ҳам ўрнидан турди, унинг жунлари сип-силлиқ бўлиб, кесилган қулоқлари динг бўлиб турарди. Марокашлик киши остонага етар-етмас одан тушди. Ит шу заҳоти кўзларини чақнатиб, тишларини хунук иржайтириб олға ташланди. Марокашлик қамчиси билан итни ҳайдашга уринди. Қизалоқ дарҳол итга танбеҳ берди:

– Негра! – деб қичқирди жарангдор товушда. – Сенга нима бўлди?!

Ит бошини эгиб аста-секин орқасига қайтди, тумшугини деворга қадаб ётди.

Марокашлик киши испан тилини бузиб гапирарди, салом-алиқдан қилди, сўнг шаҳарда темирчи борми деб сўради, эртага отни тақалатиш керак экан. Отни кечаси қаерда қолдириш мумкин? Отга ем топиладими? Ўзига ҳам овқат берилса, чакки бўлмасди. Қизалоқ унинг баланд бўйига, чечак излари қолган чўтир юзларига қизиқсиниб қаради. Қўноқ итга хавотирланиб назар ташлаб қўйди, ит жимгина ётибди, худди хафа бўлиб қолганга ўхшарди, қулоғи хийла оғир кампир



эса товушини кўтариб шоша-пиша жавоб қайтарди: темирчи бор, хизматкор уй ёнидаги молхонада ухлаб ётибди, кампир уни ҳозир уйғотади, у отга ем беради. Овқат масаласида ҳам меҳмоннинг кўнгли тўқ бўлсин: тухум қуймоқ тайёрлаб бериш мумкин, лекин кечки овқатдан факат оз-моз ловия бўтқа билан сабзавот қовурдоқ қолган, улар иситиб берилади... Доим ширакайф бўлиб юрадиган хизматкор чол меҳмоннинг отига ем бериб, эгар-жабдугини ечиб олишда ёрдамлашди.

Ярим соатдан сўнг марокашлик киши ошхонада зўр иштаха билан овқатланиб, сарғимтир оқ мусалласни ютоқиб ичиб ўтирарди...

Карвонсарой кўҳна эди. Пастки қават узун-узун даҳлизлардан иборат бўлиб, йўлак охирида юқори қаватга чиқиладиган айланма зинапоя бор. Юқори қават иккига бўлинган: чап томонда кенг-мўл, лекин шифти пастак хоналар, хоналарга камбағал кўноқлар тунаши учун сўричалар қўйилган; ўнг томонда ҳам пастак шифтли ошхона, шифтларию деворлари қуюқ тутундан қасмоқ бўлиб кетган емакхона, деворлари хийла қалин бўлгани боис тоқчадан ичкарига ўрнатилган кичик деразалар, бурчақда ўчоқ, устига ҳеч нарса ёпилмаган стол, ёнида ўтиргичлар, ерга ғадир-бурдур тошдан тўшама қилинган, у силлиқ-сирпанчиқ бўлиб кетган. Бу хонада керосин лампа милтиллаб турарди, у қоп-қорайиб кетган темир занжирга осиб қўйилган, хонага ачимсиқ тутун ва пивёздод ҳиди ўтириб қолган. Кампир ўчоққа ўт ёқиб совиб қолган қовурдоқни иситди, меҳмон сирка ва зайтун мойи аралаштирилган совуқ ловия бўтқани еб бўлгунча тухум қуймоқ қам тайёр бўлди. У ечинмади, яктагини ҳам ечмади, чотини кериб талтайиб ўтирарди, оёқларида қалин теридан тикилган бошмоқ бор эди, оқ жундан тўқилган кенг-мўл иштонининг пойчаси бурмали бўлиб, тўпигини қисиб турарди. Қизалоқ кампирга кўмаклашар, меҳмон иш буюрса сўзсиз бажо келтирар,

лекин кутилмаганда еб қўйгудек ўқрайиб қарашларидан, қуруқшаган чўтир башарасию юпқа лабларидан, кўкимтир мўйловидан кўрқар эди. Кўноқ шундоқ ҳам кўрқинчли кўринарди. Бўйи жуда баланд, кенг ятакда яна-да ваҳимали кўринадиди, попукли ҳожидўппи кийиб олган боши хумдек. Устки лабининг четларида дағал шоп мўйловининг учлари жингалак бўлиб буралиб қолган. Соқолининг орасида ҳам яккам-дуккам жингала тола учрарди. Бошини хиёл орқага ташлаб кеккайиб ўтиргани боис кўнғир тери остида ўйнаб турган кекирдак олмаси – буқоқчаси одатдагидан йирикрок кўринарди. Қорайиб кетган ингичка бармоқларида қумуш узуклар товланиб турарди. У миқ этмасдан еб-ичиб ўтирибди.

Кампир қовурдоқни иситиб, қуймоқ пишириб бўлгач, гулхани сўна бошлаган ўчоқ ёнига ҳолсизгина чўқди ва ундан қаёқдан қаёққа кет-аётганини бақириб сўради. Меҳмон бўғиқ товушда:

– Узоққа, – деб гапни қисқа қилди.

Қовурдоқ билан қуймоқни пок-покиза туширгач, бўшаб қолган кўзани чайқаб кўрсатди: қовурдоққа аччиқ қалампир кўп қўшилган экан, оғзини куйдириб юборибди. Кампир боши билан қизалоққа ишора қилди, қизалоқ кўзани олиб емакхонанинг қия очик эшигидан чиқиб, тим қоронги даҳлиз томон йўл олди – даҳлизда тиллақўнғизлар худди эртақлардагидек учкун сачратиб

бир маромда парвоз этар, ажабтовур нур таратар эди.

Кўноқ кўйнидан папирос чиқариб тутатди, қизалоқ кетган томонга им қоқиб:

– Неварами? – деб сўради.

– Жияним, етимча, – деб жавоб берди кампир қичқириб. Сўнг эзмаланиб ҳикоя қилишга тушди: у мархум акасини, яъни қизалоқнинг отасини жуда яхши кўрар, акасини деб қариқиз бўлиб ўтириб қолган, мана шу карвонсарой акасининг хусусий мулки ҳисобланар, акасининг хотини бундан ўн икки йил муқаддам бандаликни бажо келтирган, ўзи ўн саккиз йил бурун ўлган, мол-мулкни бир умр фойдаланиш учун кампирга васият қилиб қолдирган, хувиллаб ётган кўрғончада яшаш ниҳоятда оғирлашиб кетган экан...

Марокашлик киши кампирнинг дийдиёсини паришонхотирлик билан тинглади, унчалик эътибор бермади, у ўзининг ўй-хаёллари билан банд эди. Қизалоқ кўзани мусалласга тўлдириб қайтиб келди. Кўноқ унга кўзларини лўқ қилиб тикилганча папирос қолдигини шу қадар жаҳд билан ютоқиб тортдики, оқибатда кирлаб кетган бармоқларининг учини куйдириб олди. Сўнг янги папиросини шоша-пиша ўт олдириб, товушини кўтариб кампирга – у кампирнинг қулоғи оғир эканини аллақачон сезган эди – муурожаат қилди:

– Агар жиянининг мусалласни ўз қўли билан қуйиб берса, бағоят мамнун бўлардим.

– Бу унинг иши эмас, – деди кампир чўрт кесиб. Сўнг зардали оҳангда қичқирди. – Кеч бўлди, мусалласни ичиб, бориб ухлагин. Ҳозир жияним сенга юқори хонага ўрин тўшаб беради.

Қизалоқ кўзларини чақнатиб дик этиб ўрнидан турди, кампирни ортиқча жавратиб ўтирмасдан тап-тап қадам ташлаб зинапоя бўйлаб юқорига кўтарилди.

– Ўзларинг қаерда ухлайсизлар? – деб марокашлик ҳожидўпписини терлаб кетган пешонасидан бир оз суриб қўйди. – Юқорида ётасизларми?



Кампир кичқириб гап бошлади: ёзда юқори қават жуда иссиқ бўлади, ижарачилар бўлмаган чоғларда – энди деярли келмай қўйди – улар пастки қаватнинг нариги бўлмасида, қарама-қарши томонда, ҳув анави хонада ётадилар. У қўли билан ўзлари ётадиган хонани кўрсатиб, сўнг яна ишлар чаппасига кетганидан шикоят қилишга тушди, ҳамма нарса қиммат бўлиб кетди, шу боис, иста-истама йўловчилардан ҳам қимматроқ ҳақ олишга туғри келади...

– Мен эртага вақтли кетаман, – деди марокашлик кампирнинг гапларига эътибор бермай. – Эрталаб фақат қаҳва берсанг бас. Демак, ҳозироқ ҳисоб-китоб қилиб қўйишимиз мумкин. Хўш, қанча бўлди? Ҳозир тўлайман. Йў-ўқ, аввал майда пулларимни топай-чи, – деб у яктагининг ички чўнтагидан юмшоқ кизил теридан тикилган ҳамёнини чиқарди, боғичини бўшатиб оғзини очди, стол устига бир ҳовуч тилло тангаларни жаранглашиб тўқди. Гўё пулларини синчиклаб санаётгандек пешонасини тириштирди, кампир эса ўчоқ ёнида ўтирган ўриндигидан туриб, кўзларини ола-кула қилиб тилло тангаларга тикилди.

Юқори қават қоронғи, жуда иссиқ эди. Қизалоқ чўмилиш хонасининг эшигини очиб қўйди. Қоронғиликдан иссиқ ҳаво гуп этиб юзига урилди, дарча тирқишларидан ярқ этган нур кўринди, бу хонага ҳам худди пастдаги каби кичикроқ икита дераза ўрнатилган эди. У хона ўртасидаги юмалоқ столни чаққон айланиб ўтиб деразани очди, дарча эшикчаларини итариб ташқарига очди. Ойдин кеча, бепоён осмон оқариб, яккам-дуккам юлдузлар кўзга ташланарди. Нафас олиш хийла енгиллашди, водийдан жилға жилдираши эшитиларди. Қизалоқ тўлин ойни томоша қилиш учун деразадан бошини чиқарди, ой ҳамон тепада бўлгани боис хонадан кўринмасди. Сўнг қизалоқ пастга қаради: ерда турган ит тумшугини кўтариб унга қаради. Бундан беш йилча олдин битта дайди кучук қайлардан-дир адашиб карвонсаройга келиб

қолади, у қизалоқнинг кўз ўнгида катта бўлади, қизалоққа ўрғанади, у эгасига шу қадар садоқатли эдики, бундай садоқатни фақат итлардан кутиш мумкин. Зотан, ит вафодор бўлади.

– Негра, нима учун ухламаяпсан? – деди қизалоқ товушини пасайтириб.

Ит беозоргина фингшиб, бошини бир силкитди-да, даҳлизнинг очиқ эшиги томон ташланди.

– Қайт, қайт! – деб буюрди қизалоқ шошиб. – Жойингга бор!

Ит таққа тўхтади, тумшугини кўтариб қизга қаради, кўзларидан учкун сачрарди.

– Сенга нима керак ўзи? – деб сўради қизалоқ эркаловчи товушда. У доим ит билан худди одамдек гаплашарди. – Нега ухламаяпсан, эсипаст? Ё осмондаги ой хаёлингни олиб қочдимми?

Ит бир нима деб жавоб бермоқчи бўлгандек яна тумшугини юқори кўтарди, беозоргина фингшиб қўйди. Қизалоқ елкаларини қисди. Бу ит унинг сирдоши, ёруғ оламдаги бирдан-бир жонли сирдоши эди. Итнинг ҳис-туйғулари, ўй-хаёллари доимо қизалоққа тушунарли бўларди. Лекин ҳозир ит нима демоқчи, у нимадан хавотирланяпти – буни қизалоқ яхши англамади, шу боис қўлини арра-арра қилиб, ёлғондакам жаҳли чиққандек:

– Негра, жойингга бор! Ухла! – деб шивирлади.

Ит жойига бориб ётди. Қизалоқ дераза ёнида яна бирпас ўйланиб турди. Балки, итни анави марокашлик тасқара хавотирга солгандир? Ит карвонсарой кўноқларига деярли эътибор бермасди, ҳатто кўринишидан қароқчи ёки дордан қочган каззобга ўхшаган кимсаларга қайрилиб ҳам қарамасди. Лекин баъзан айрим кимсаларга нима учундир худди кутургандек ташланиб қоларди, момагулдуракдек вовуллаб оёқдан оларди. Бундай пайтларда қизалоққина итни ҳовуридан тушириб, қайтариб коларди. Ҳозир итни безовта қилаётган нарса бошқа бўлиши мумкин: димиққан кеча, ҳавода қилт этган шабада йўқ,

осмонда тўлин ой чарақлаб нур тараяпти – бундай ҳолат ҳар қандай тирик жонни қуюшқондан чиқариб юборади. Бу оқшом ҳукм сураётган ғайритабиий сукунат оғушида водий тарафдан жилғанинг жилдираши, молхонада дуп-дуп ер тепиб, шаталоқ отиб юрган эчкининг туёқ товушлари баралла эшитилиб турарди. Қўққис қари хачирми ёки марокашлик кўноқнинг айғир отими гурс этказиб эчкини тепиб юборди, эчки жонҳолатда шу қадар хунук маъраб юбордики, қулоқни тешиб юборадиган ўткир товуш узоқ-узоқларга таралиб кетди. Қизалоқ сапчиб ўзини деразадан ичкарига олди, нариги деразани ҳам очиб, дарча эшикчасини итариб юборди. Хона ғира-шира ёришиб қолди. Хонада столдан ташқари, эшикдан кираверишдан ўнг томонда учта кенг каравот бор – бош тарафи деворга тираб, устига дағал чойшаб ташлаб қўйилган. Қизалоқ чойшабларни йиғиштириб кираверишдаги биринчи каравотга ташлади, ёстиқ тўшаб, кўрпача ёзди. Шу пайт хона эртаклардаги мўъжиза маскани каби ёришиб, майин кўкимтир шуълага чулғанди – тиллакўнғиз қизалоқнинг гажагига қўнган эди. Қизалоқ уни астагина силади, тиллакўнғиз гоҳ ялтираб, гоҳ хира тортиб хона бўйлаб парвоз эта бошлади. Қизалоқ димоғида хиргойи қилганча сакраб-сакраб пастга тушиб кетди.

Емакхонада марокашлик киши эшикка орқа ўгириб ғўдайиб турар, паст, лекин қатъий оҳангда, асабийлашиб кампирга бир нималар дейётган эди. Кампир бошини чайқаб рад маъносини билдирарди. Марокашлик елкаларини учириб қўйди, хонага кириб келган қизалоққа шундай ўқрайиб қарадики, шўрлик жонҳолатда ўзини орқага ташлади.

– Жой тайёр бўлдими? – деди у бўғиқ товушда.

– Ҳаммаси тайёр, – деди қизалоқ шошиб.

– Тепага қандай чиқишни билмайман, мени кузатиб қўясан.

– Сени ўзим кузатиб қўяман, – деди кампир дарғазаб бўлиб. – Орқамдан юр!



Кампир айланма зинапоядан инқиллаб-синқиллаб юқорига кўтарила бошлади, марокашлик эса бошмоқларини тап-тап этказиб унга эргашди. Қизалоқ бирпас туриб ташқарига чиқди. Остонада ётган ит сакраб турди, атрофида чир-чир айланди, думини ликиллатиб қувончини изҳор этди, сўнг эгасининг юзларини ялади.

– Нар ит, нари кет! – деб шивирлади қизалоқ ва эркалаб итни итариб юборди, остонага ўтирди.

Ит ҳам орқа оёқларига чўнқайиб ўтирди, қизалоқ унинг бўйнидан қучоқлаб олди, пешонасидан ўпди, ўтирган кўйи ит билан бирга тебрана бошлади. Юқори қаватдан марокашлик кўноқнинг оғир қадам товушлари, бўғиқ овози эшитилиб турарди. У хотиржамлик билан кампирга бир нималар дерди, лекин нима деяётганини аниқ-тиниқ англаб бўлмасди. Ниҳоят, у товушини кўтариб:

– Бўпти, бўпти! Фақат айтгин, кечкурун ичиб ётишим учун сув келтириб берсин, – деди.

Зинапоядан эҳтиёт бўлиб тушаётган кампирнинг қадам товушлари эшитила бошлади.

Қизалоқ дахлизга кириб кампирнинг йўлини тўсди ва:

– Мен унинг нима деганини эшитдим. Йўқ, ўлсам ҳам олдига ёлғиз чиқмайман. Ундан қўрқаман, – деди қатъиян.

– Бемаъни гапларни қўй, – деб қичқирди кампир. – Сен ўйлайсанки, мен яна-тагин мана шу маймоқ оёқларимни судраб тепага чиқиб тушаманми? Ёруғроқ бўлса ҳам кошқийди. Зинапоянинг сирпан-чиқлигини айтмайсанми?! Унинг нимасидан қўрқасан?! Тўғри, у каллаварам, аччиғи бурнининг учида турар экан, лекин ёмон одам эмас. У сен ҳақингда куйиб-пишиб гапирди, сенга раҳми келяпти, эҳ, шўрлик, сепи бўлмаса, ким ҳам уни келин қиларди деяпти. Тўғри айт-япти, сенда сеп нима қилсин! Биз аллақачон хонавайрон бўлганмиз.

Анави безот диктаторга минг раҳмат, ҳеч бўлмаса, тинчликни сақлаб турибди. Аслини олганда, бундай тинчлик бўлганидан кўра қир-пичоқ уруш бўлгани афзал эди, ўшанда ебтўймас, хушомадгўй, олчоқ амалдорлардан бирйўла қутулардик... Бечора деҳқонларни кўряпсанми, курук устихон булиб қолган. Карвонсаройга ҳам гадойнусха қаланғи-қасанғилардан бошқа ҳеч ким келмай қўйди...

– Боя мен кирган пайтда нима учун аччиғиланиб турган эди? – деб сўради қизалоқ.

Кампир каловланиб қолди.

– Нима учун эмиш! – деб гўлдиради кампир. – Мен унга бировнинг ишига бурнингни тикмагин дедим... Шундан кейин жаҳли чиқиб кетди... Қани, ивирсима, дарҳол унга сув элтиб бер! – деди кампир зардаси қайнаб. – Сув элтиб берсанг, у сенга бир нима совға қилади. Ваъдаси шундай. Бор деяпман!

Қизалоқ кўзани тўлдириб юқори қаватдаги хонага сув олиб чиқди. Марокашлик кўноқ уст-бошларини ечиб, каравотда алчайиб ётарди: ой ёруғида унинг митти кўзлари ялтирар, сочлари тап-тақир этиб олинган боши қорайиб, узун ички оқ кўйлаги оқаришиб кўринар эди. Сўлақмондай яланғоч оёқларини ўйнатиб қўярди. Қувури узун, барабанли тўппонча хона ўртасидаги столда ялтираб турарди. Устки кийим-бошларини ёнидаги каравотга уюб қўйибди... Буларнинг ҳаммаси ниҳоятда ваҳимали кўринарди. Қизалоқ югуриб бориб кўзани тақ этказиб столга қўйди-ю зингиллаб орқасига қайтди, лекин марокашлик кўноқ сакраб турди-да қизалоқнинг қўлидан ушлаб олди.

– Шошма, шошма, – деди у қизалоқни каравот томон тортиб. Уни қўйиб юбормасдан каравотга ўтирди, сўнг: – Бир дақиқа ёнимда ўтир, ўтир деяпман, ўтирсанг-чи... Гап бундай, яхшилаб қулоқ сол... – деб шивирлай бошлади.

Капалаги учиб кетган қизалоқ итотгайлик билан унинг ёнига ўтирди. У энтиқиб-энтиқиб изҳори дил қила бошлади: худо ҳаққи, сени кўрдим-у эс-хушим бошимдан учди, бир кўришдаёқ севиб қолдим, ёлғон гапирётган бўлсам, ана, тепамда худо турибди, бир ўпич учун ўн тилло, йигирма, бор-э ўттиз тилло бераман, бир халта тилло тангам бор... кейин...

Ёстиқнинг остидан қизил ҳамёнини олиб, қўллари қалтираб унинг боғичини бўшатди, тилло тангаларни тўшакка тўкиб ташлади.

– Мана, кўрдингми, тиллоларим кўпмикан?... Кўрдингми?... – деб гўлдиради.

Қизалоқ шаҳд билан бош чайқайди, каравотдан сапчиб турди. Лекин кўноқ уни дарҳол тутиб олди, қуруқшаган, чапдаст қўли билан оғзини ёпиб каравотга ётқизди. Қизалоқ жонҳолатда типирчилаб унинг қўлини оғзидан юлқиб ташладию:

– Негра! – деб чинқириб юборди.

Энди у қизалоқнинг оғзини бурнига қўшиб маҳкам сиқиб, бўш қўли билан типирчилаётган оёғини ушлашга ҳаракат қилди; қизалоқ эса шаталоқ отиб унинг қорнига аёвсиз тепа бошлади. Шу пайт зинапоядан учиб чиқаётган итнинг ириллаши қулоққа чалинди. Марокашлик кўноқ сакраб ўрнидан турди-ю, столда ётган тўппончасини қўлига олди, бироқ тепкини топишга ҳам улгурмасдан полга қулади – ит унга ташланиб, устидан босиб тушди. Устига миниб олган ит ҳамласидан юзини тўсиб ётган жойида ирғишлар, итнинг иссиқ нафаси юзига урилган чоғда баттар тўлғонар, типирчилар, оҳ-воҳ қилар эди, лекин беихтиёр бошини орқага ташлаб, иягини кўтарган заҳоти ит унинг томоғидан фарч этказиб тишлади-ю, кекиртагини юлиб олди, ҳалқумидан тизиллаб қон отилиб кетди.

1949, 23 март

**Олима НАБИЗОДА** таржимаси.



Шойим ШЕРНЕЗАР

# Оқибат кўчаларида НИМА гап?!

Ҳаёт шиддат билан давом этапти...

Дунёқарашлар ўзгаришти...

Инсон ўздан ўзини излаган сари қайсидир қирраларда мунозарага сабаб бўладиган жиҳатлари намоён бўлиб қоляпти.

Шу ўринда азалдан аждодларимиз эъзозлаб келаётган миллий қадриятларимизнинг қаеридадир кемтиклик сезилиб қолгандай...

Очиқроқ айтадиган бўлсак оқибат кўчаларида беоқибат қусурлар кўриниб қоляпти...

Қишлоқда туғилганман.

Эсимни танибманки, синчи боболаримиз, меҳридарё момоларимизнинг ибратли чашмаларидан қониқиб ичганмиз.

Уларнинг ҳар бири бир ҳикмат эди.

Қишлоғимизда қовунчи Ҳасан-бобо бўларди.

Умри полизда ўтди. Тилни ёрар “бўрикалла”, “кўккаллапўш”, “босволди”ларни эшагининг хуржунига солиб текинга ҳамқишлоқларига тарқатиб чиқарди.

Нурматбобо боғидаги хусайни, беҳишти, тойфи, офтоби, туркманни узумлар қишлоқ болаларининг киши билан хушхўр емиши эди.

Қишлоқ одамлари бир – бирига меҳрли, оқибатли эди.

Пирназар бобо ўша пайтлари қишлоққа биринчи телевизор олиб келганда бутун кўшнилари бир ҳов-

лида ойинаи жаҳон ажойиботларини кўриб, ҳангу манг бўлганди.

Оқибат кўргони бутун, оқибатли одамлар бисёр эди.

Хосиятли уйларга хосиятли қалдирғочлар ин қуради.

Бир кўшни хўроз сўйса ҳамма дастурхон атрофида жамулжам эди...

Ланг очиқ дарвозалар зулфаги қулф кўрмасди.

Ҳовлилар ўртасида девор йўқ эди. Бир-бириникига кўнгил сўраб чиқиб туришарди.

Тандирида нон ёпулгудек бўлса албатта кўшнисига илинади.

Шумтакаларни боболар терговчи эди.

Момолар пинжиги олиб эртақ сўзловчи эди...

Булар менинг болалик хотираларим.

Улғайдик. Ўқидик. Уйландик. Фарзандли бўлдик.

Қарабсизки, бобо ҳам бўлдик. Болалик қарвонлари олислаб, кетиб қолибди.

Ўша қишлоқ. Ўша одамлар...

Шакли шамойили ҳам ўша-ўша.

Кунлар ўтган сайин, замонлар ўзгарган сайин билмадим одамлар ҳам ўзгардимиз?!

Оқибатнинг янги замон шакллари пайдо бўлдимиз?!

Ё оқибат деган тушунчалар... бироз занг босдимиз?!

Янги одатлар пайдо бўлдимиз?!. Ё, бу “изм”лар таъсирими?!

Во ажаб, деб ёқа ушлайсиз.

Дарвоза, эшикларга отнинг қалласидай қулфлар илинган.

Яна баъзилари “чет элнинг қиммат қулфидан қурдим” деб мақта-ниб ҳам кўйишади.

Пахсали, гиштли деворлар пайдо бўлди.

Оқибат кўчаларига шайтон ора-ладими?!

Нега бир-биримиздан йироқлашяпмиз?!

Ҳатто ўзимизни ўзимиз тоифаларга бўлиб, “борчилик”, “йўқчилик”ка айиряпмиз.

Нега?!

Бирови бировининг томидан баландроқ уй курса... хурсанд.

Ҳатто дарвозаси ҳам жилла кўшнисиникидан баланд бўлса... тинч ухлайди.

Кўшнилари кимўзар томошаси қизиқ кетган. Яна бир кўшни кўшнисини бир қарич ерига девори кириб қолса, кўнгил қарочилик.

Бу ёғи судгача боради.

Яна бир воқеа: Қари онахон кенг ҳовлида бир ўзи яшарди.

Фарзандлари уйли-жойли, чиқиб кетишган.

Вақт ўтиб, кампирнинг қазоси етди.

Маҳалла-кўй, фарзандлари биргаллашиб жойига кўйишди.

Буни қарангки, ҳали қабри со-вуб улгурмай тўнғич ўғил маҳаллага раҳматли онасининг васият хатини



олиб бориб, кенг ҳовлини ўз номига расмийлаштиришни сўради.

Раис эса ҳайратдан ёқа ушлаб, тўнғич ўғилга шу мазмунда ёзилган яна учта васият хатини кўрсатди.

Оқибатли ҳовлининг ўртасидан баланд девор урилди.

Ҳатто бу девордан дарахтлар ҳам ташқарига мўралаб қаролмайдиган бўлишди.

Оқибат кўрғонига зил кетди.

Ҳаволатиб қурилган данғиллама уйларга қалдирғочлар ин курмай кўйишди.

Ҳализамон битта хўроз сўйса ҳам қишлоқда байрам бўлган кезларини хотирлагандим.

Эндичи?! Туя сўйишса ҳам билишмайди.. Туя кўрдингми?! Йўқ!..

Қадимда арабларнинг той қабиласидан бўлган Ҳотам сафарда бир ерга тўхтаб, етимчанинг уйига кириб қолади. Унинг бисотида ўн беш кўйи бор эди.

Дарҳол меҳмонга бир кўйни сўйди.

Ҳотам Той “Худо ҳаққи, мазали экан” дейди.

Йигит ташқари чиқиб бирин-кетин кўйларини сўйиб, Ҳотамга маъқул тушган жойини пишириб беради.

Меҳмондорлик тугаб, Ҳотам Той ташқари чиқса, ҳовлида кўп қон тўкилганлини кўриб, сабабини сўрайди.

– Сизга ёққан жойини сўйиб пишириб бердим, – дейди йигит.

Ҳотам унинг кўрсатган оқибатини кўриб, эвазига уч юзта саман туя, беш юз бош кўй инъом этган экан.

– Сиз ундан-да олийҳимматлик қилдингиз, – дейишибди қарвон аҳли бу ҳолни кўриб.

– Йўқ!.. У борининг ҳаммасини менга берган эди, мен эсам беҳисоб бойлигимдан бир қатрасинигина бердим, – дебди Ҳотам Той.

Ривоятнинг маъзи шуки, оқибат кўрсатган минг ҳисса муқофотини олади...

Оқибатсизлик касали ҳатто амал курсисидида ўтирган баъзи кимсаларга ҳам юққан кўринади.

Шундайлардан бири ходимига “Тилла тухум туғиб берган бўлсанг ҳам, жойни бўшат!” деб турса, яна бири “Оёғинг ердан узилдими, энағар?” деб турса, яна бири отасидан катта кишига сенсираб “Ҳолинг бўлса ишла, бўлмаса уйда ўтир бобой”, деса.

Оқибат кўчаларида нима бўляпти?!

Аслида ғарбликлар комилликни шарқдан ўрганган, ҳатто тан олишиб, тарихларга ўз сўзларини муҳрлаб кетишган: “Нур Шарқдан!” Тан олиб айтилган гап.

Германия давлатининг собиқ Канцлери Гельмут Коль шундай деганди: “Ҳали XV асрдаёқ, яъни герман қабилалари ўз маданияти асосларига эга бўлмаган бир пайтда Самарқандда яшаган буюк олим ва подшоҳ Мирзо Улуғбек юлдузлар жадвалини тузди”

Биз нима қиляпмиз?!.. Аждодларимиз қолдирган меросни давом эттириш бизнинг бурчимиз эмасми?!..

Ардоқли шоиримиз, севги, муҳаббат куйчиси Муҳаммад Юсуф оқибатсизлардан ранжиб, куюнганча бор:

*Меҳр юракларда қотса ичикиб,  
Оқибат ҳам бўлгай анқо уруғи.  
Элнинг кичигини ғажир кичиги,  
Улуғини эса улуғи...*

Ўйлаб қоламан, буюк адибларимиз Асқад Муҳтор “Уйқу қочганда”-ни қоралаётганда, Ўткир Хошимов “Дафтар хошиясидаги битиклар” ни битаётганда, Ашурали Жўраевнинг “Саҳифага сиғмаган сатрлар”и дунёга келаётганда,

Ўроз Ҳайдарнинг “Зарралар”и кўз ёрганда, Мурод Хидирнинг “Тафаккур туғёнлари” қоғозга тизилаётганда оқибат ҳақида бизларга нимадир демоқчи, бизлар майда деб ўйлаган “яра”лар маддалаб кетмаслигининг олдини олиб бонг ураётгандай туюлади менга.

Бўлмаса, адиб Ашурали Жўраев “Ҳаёт ўйини қизик: яхшилар ва ёмонлар бир-бирларидан қусур излаш билан умрларини ўтказадилар” деб ўқинмасди.

Шоир Ўроз Ҳайдар “Одам пайдо бўлгандан бери ўзи ўтирган дарахт илдизини чопиш билан банд”, дея афсус чекиб ёзмасди.

Мурод Хидир “Қани эди бола тарбияси етти пушт наридан бошланган бўлса!..” деб надомат чекмасди.

Шундай экан, келинг, бир-биримизга меҳр оқибатли бўлайлик.

Аждодларимиз бунёд этган оқибат уйига путур етмасин.



Дилором Мамедова сурати





# Турсун ҚОРАТОВ

## ДЕЙДИКИ...

Турсун Қоратовнинг номи кўп йиллар давомида ойнаи жаҳонда олиб борган “Бугун оламда нима гап?”, “Дунё воқеалари”, “Долзарб мавзу”, “Парламент вақти”, “Қонун ва ижро” сингари кўрсатувлар орқали миллионлаб юртдошларимизга яхши таниш. У халқаро шарҳловчи сифатида эркин фикр билдириш, тўғри сўзни айтиш қийин, ҳатто хавфли бўлган совет даврида воқеа-ҳодисаларни тўғри шарҳ қилиб, халқнинг кўнглидаги, халққа маъқул ва манзур бўлган гапларни топа олди ва телевидениедек ниҳоятда катта аудиторияга эга бўлган ОАВда ўз телетомошабинларига эга бўлди. Ўша даврда мактаб ўқувчиларининг “Ким бўлсам экан” мавзусидаги иншола-рида “Турсун Қоратовдек шарҳловчи бўламан”, деган жумлаларни тез-тез учратиш мумкин эди.

Турсун Қоратов: “Дунё халқларининг ҳикматлари, мақолу маталлари, ибратли қочиримлари, ихчам латифаю ҳикоятларини йиғиб боришдан асло эринманглар, – деган пандларни бугун ҳам шогирдлари қулоғига қуйишдан асло чарчамайди. Қолаверса, бу қимматли ўғитлар фақат тележурналистларга эмас, балки ёзувчи-шоирлар, қалам аҳлининг барчасига бирдек тааллуқли.

Қуйида устоз тележурналист ўғитларидан айримларини ҳавола этамиз.

\*\*\*

– Халқ мақоллари – бебаҳо хазина. Бу ёмбилар кўрсатувга жон киритади, нурлантиради. Руҳияти гулдай нозик, кўнглига бир гап камлик, икки гап ортиқчалик қилиши мумкин бўлган бугунги замон томошабинига, бир яримта гапни топиб айтишда ҳам халқона ибораларга тенг келадиган мўъжизавий қудрат, дилкушо ганж йўқ.

\*\*\*

Иш бор жойда хато ҳам бўлади, ҳеч қандай иш қилмаган одамгина хато қилмайди. Аммо тележурналист бу ибора билан асло мураса қилмаслиги керак. Негаки, телеэкранда йўл қўйилган кичик хато ҳам дарҳол кўзга ташланади.

\*\*\*

Қадимги юнон файласуфи Диогеннинг: “Сен сўзла, мен сени таниб олай”, деган ҳикматли гапи менга қолса, тележурналистларга қарата ҳам айтилган. Ахир, журналистнинг кимлиги биринчи навбатда унинг сўзидан билинади-да!”

\*\*\*

Журналистикада “штамп” деган иллат мавжуд. Бир қолипга тушиб, сўз ва иборани икки-уч марта

қайтарилса, сўзнинг оҳори кетади, мухлисни зериктириб, эътиборини чалғитади.

\*\*\*

Журналист фақат тинимсиз изланиш эвазига обрў-эътибор қозониши мумкин. “Тинимсиз” сўзини алоҳида таъкидлаган бўлардим: журналистикада тўхтаб қолиш мумкин эмас.

\*\*\*

Бир одам ҳақида яхши билмасдан фикр айтиш – ярага туз сепиш билан баробар бўлиши мумкин.

\*\*\*

Ўз кучига ишонган одам, бошқаларнинг кучига ҳам ишонади. Кучли одамлар, ўзидан кучлиларни ардоқлайди, уларга эргашади, улардан ўрناк олишни ор деб билмайди, мундоқроқларга, биринчи бўлиб елкасини тутаяди, етаклайди. Ўз кучига ишончи бўлмаган одамда эса некинлик, катта мақсад учрамайди. Қандайдир, тасодифий омаду афсонавий умидлар туманида майда-чуйда ташвишларга овуниб яшайди. Муҳим юмуш ёки вазифа бериб бўлмайди уларга. Бировни қўллаб-қувватлаш, имдод бериш, оғирини енгил қилиш, умуман, савоб иш қўлидан келмайди. Иккиюз-



ламачилик, хушомадгўйлик, товламачилик, ҳасадгўйлик дейдиган юзи қора иллатлар шундайларнинг ичида урчийди, болалайди, кўпаяди.

\*\*\*

Сўзларида юрак ҳарорати уфуриб турмайдиган журналистлар ақл-хушини йиғиб, мустабид тузум замон мухбирлари тилидан тушмайдиган ўзига хос қолипдаги схематик гаплар, яъни ура-урачилик, маддоҳлик иллатлари аллақачон ерга кириб, чириб кетганини тезда англаб олишмаса, ўзларига қийин, жуда қийин бўлади.

\*\*\*

Гоҳ-гоҳ, бир томошабин сифатида, ойнаи жаҳон қаршисида ўтириб, экранда кулгингни қистатувчи, ярашиқсиз пафосларда бидиллаётган айрим укашонларимнинг кўзларига назар соламан: уларнинг ён томондаги “суфлёр”, яъни, экранда йўрғалаб ўтувчи ёзувларни ҳам эплаб ўқиб беролмаётганидан уялиб кетаман, орланаман. Шарҳловчилик даъвоси билан умр ўтказётган бундай шуҳратпарастлардан икки дунёда шарҳловчи чиқмаслиги-ку, аён, аммо, шуларнинг касри бошқа истеъдодли журналистлар шаънига соя ташлаётгани ичимни куйдиради, хун қилади.



\*\*\*

“Кимки бир ножўя иш бўлаётганини кўрса, ундан одамларни кўли билан қайтарсин. Бунинг имкони бўлмаса, тили билан (якши сўз айтиб ёки танбеҳ бериб) қайтарсин. Бунга ҳам қодир бўлмаса, дилида инкор этсин. Лекин бу учинчиси – иймоннинг заифлигидан даракдир”, деган мазмунда ҳадис бор. Қанийди, бу ҳадисга астойдил амал қилсак, “лоқайдлик” деган иллат бўлмас эди. Бир китобда эса шундай фикрни ўқидим: “Йиқилганни ҳамма тепкилаётган ва сен ҳам тепкила, дея буйруқ берганларида, ўзини четга олиб, аралашмай жим туриш ҳам – жасорат”.

\*\*\*

Интервью олишда инсон руҳияти ва муҳит эътиборга олиниши керак.

\*\*\*

Одамни қандай қилиб “гапга солиш” мумкин? Журналист жуда зийрак бўлиши лозим: уй ва ундаги жиҳозлар, ҳатто одамнинг кийиниши ҳам эътиборга олиниши зарур.

\*\*\*

Шеърят султони ҳазрат Алишер Навоий асарлари луғатида 50 минг, ўзбек тили луғатида 80–85 минг сўз бор. Пушкин асарлари луғатидаги сўзлар мажмуаси эса 25 минг экан. Қуруқ мақтанчоқлик эмас, олимлар тадқиқотига асосланган аниқ ҳисоб-китоб бу!

Сўзлашувда эса атиги 1-2 минг сўз ишлатилади, холос. Баъзи журналистлар лафзида шунинг ярми ҳам йўқ. Борлари ҳам чин юракдан

чиқмагани туфайли, юракларга етиб бормайди, қулоқлар остидан шамолдай ғириллаб ўтиб кетади. Сен бундай ҳашамдор сўзларга парво ҳам қилмайсан, аксинча, таъбинг тирриқ бўлади.

\*\*\*

Йўлда ёки бирор даврада, ким биландир суҳбатлашиб, сўнгра уни қоғозга тушириш мумкин. Аммо камера қаршисида ва микрофон тутилганда, одам бироз бўлса-да ҳаяжонланади. Инсон қалбига йўл топиш, уни хотиржам қилиб, фикрини жамлашига имкон яратиш – тележурналистдан алоҳида маҳоратни талаб қилади.

\*\*\*

Аҳдида қатъий туриш ва берилган ваъдани бажариш – энг улғ инсоний сифатлардан деб биламан. “Ваъда берган одам – қарздордир”, деган гап бежизга эмас. Қарзни узмаслик эса икки дунёда ҳам катта айб саналади.

\*\*\*

Бизнинг энг катта бойлигимиз – тинчлик, хотиржамлик ва барқарорликда, деб биламан. Бу бойликни ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Дунёга бир қаранг: бу тенгсиз ньёматга бугун етганлар бор, етмаганлар қанча! Аслзода, палаги тоза инсоннинг бағри кенг бўлади, босиқ ва хотиржам бўлади. Ўзбекнинг беклиги ана шунда эмасми?

## Абадий дўстлик

Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан алоқалари ҳар томонлама ривожланмоқда. Айниқса, маданий-адабий соҳадаги алоқаларимиз жадаллашаётгани кишини қувонтиради. Ўтган 2017 йилнинг 13-15 ноябрь кунлари Туркменистонда Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди. Ашхободдаги “Муқом” ва “Ватан” театларида, Тошхөвүздаги “Андалиб” номидаги вилоят театрида ўзбекистонлик санъат усталари катта концерт бердилар. Куй, кўшиқ, шеърхонлик уйғунлигида бўлган чиқишлар туркменистонлик санъат мухлисларида ёрқин таассурот қолдирди. Томошабинларнинг ўзбек хонандаларига қўшилиб куйлашаётганини кўрган ҳар бир инсонда бу икки халқ ҳақида “бирга кўшиқ куйлашадиган халқ экан”, деган фикр туғилиши табиий ва бу ҳақиқатдан-да шундоқ.

Шоир Қурбон Муҳаммадризонинг ўзбек-туркман дўстлиги мавзусидаги шеърлари мухлислар томонидан олқишлар билан кутиб олинди. Туркменистон давлат кутубхонасида ўзбек ва туркман ижодкорлари ўртасида адабий мулоқот бўлиб ўтди. Туркменистон Қаҳрамони, шоира Гўзал Шоқулиева, Туркменистон халқ ёзувчилари Отамурод Отабоев, Тошмамбет Журдеков, “Маданият” журнали муҳаррири Ўғилқурбан Гашлакова, “Дунё адабиёти” журнали ходими Мамажон Аразова ва бошқа ижодкорлар ўзбек-туркман адабий алоқалари ҳақида мулоҳазаларини ўртоқлашдилар. Ўзбек адабиёти жаҳонга чиқаётгани ҳақида илиқ сўзларни айтдилар.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан нашр қилинган ҳазрат Алишер Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний” девони, Ойбекнинг инглиз тилида чоп қилинган “Навоий” романи, Зулфия ва Эркин Воҳидовнинг шеърий тўпламлари Туркменистон Давлат кутубхонасига тақдим қилинди. Таржима ишини ривожлантиришга, адабий-маданий алоқаларни кучайтиришга алоҳида эътибор бериш зарурлиги таъкидланди.

Хукмингизга туркман шоирлари ижодидан қилинган янги таржималарни ҳавола этаётирмиз.

**Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
Халқаро алоқалар ва бадиий таржима бўлими  
масъул котиби.

**Камина**

(1770-1840)

Туркман мумтоз адабиёти вакилларида бири Муҳаммадвали “Камина” тахаллусли шоирнинг туғилган йили аниқ маълум эмас. У тахминан 1770 йиллар атрофида Туркменистоннинг ҳозирги Сарақт туманида камбағал оиласида дунёга келган. Муҳаммадвали бошланғич маълумотни ўз қишлоқ мактабида олиб, сўнг Бухоро ва Хива мадрасаларида таҳсилни давом эттирган. У туркман мумтоз адабиётида асосан ўткир сатирик шоир сифатида ном чиқариш билан бирга, ўйноқи, лирик шеърлар муаллифи, маърифатпарвар шоир ҳамдир.

## Ғариблик

*Кунда минг қайғу ва юз алам билан,  
Бори дардимдан ҳам бадтар ғариблик.  
Сарғайиб минг сўлдим қайғу-ғам билан,  
Келар қийнаб, қатор-қатор ғариблик.*

*Бу фонийнинг безаги бор, харжи бор,  
Юрагимда модда, жонда ожи бор.  
Ваъдасиз ўлимга не иложи бор?  
Йилдан-йилга жондан ўтар ғариблик.*

*Емасам, ичмасам, куним ҳам ўтмас,  
Ёстаниб ётмоққа мадорим етмас,  
Ҳар кун минг ҳайдасам, бой томон кетмас,  
Қўш босиб, кулбамда ётар ғариблик.*

*Қаратибдир менга пайкон-ўқини,  
Белин маҳкам боғлаб, қилар дўқини,  
Қўлга олиб сопи билан сўқини\*,  
Чарчаш билмай, бошдан урар ғариблик.*

*Ғам-ғусса йил-йилдан жисмимни ёқар,  
Ахир ғарибларга ким кулиб боқар?  
Югурсам, етдирмас, курашсам – йиқар,  
Баҳслашсам, бир зумда ютар ғариблик.*

*Сайр этмадим саҳроларда, чўлларда,  
Кезолмадим яйраб гўзал элларда,  
Булбулман-у сайролмадим гулларда,  
Бошимга минг ғазаб қотар ғариблик.*

*Камина дер, келар бир кун шум ўлим,  
Кимларга – тўй, кимлар учун бу – зулм.  
Дош бер азобларга, сабр айла, кўнглим,  
Келибдир, лек бир кун ўтар ғариблик.*

\* Сопи -сўқи-(шева), ўғирдаста-кели.



# Туркман шеърятидан таржималар

## Сейиди

(1775-1836)

Саидназар Ҳабибхўжа ўғли 1775 йилда Туркменистоннинг Лебоб вилояти Қорабекавул туманида таваллуд топган. Дастлаб Хивадаги Шерғози мадрасасида, кейин Бухоро мадрасаларидан бирида таълим олган. Ёшлигидан бадий ижодга қизиққан, шеърятда Махтумқули йўлидан боради. У туркман саркардаларидан бўлиб, бутун умрини шеърят билан бирга халқини истибдоддан қутқариш ишига бахшида қилган ватанпарвар шоир.

## Хадича

Яйраб келмагинга қўймайди рақиб,  
Гўзаллар ичида султон Хадича.  
Рўймол остидаги гул кўзгу мени-  
Айлар сен томонга равон, Хадича.

Пинҳон дардим ошкор айласам, ҳали,  
Билганлар «ошиқ» дер, билмаган «дали».  
Кўтаргин юзингдан гуллик рўмолни,  
Бўлсин биз ғарибга «нишон» Хадича.

Дардим кўпдир, табибим йўқ, айтайин,  
Юракда ғам, ичларимга ютайин,  
Ҳижрон ўқи келар, қайга қочайин,  
Бағримга санчилар пайкон, Хадича.

Фалак менга минг дард улаштирибдир,  
Босиб, ғам лойина булаштирибдир,  
Олиб ақлим, найлай, адаштирибдир,  
Манга душман бўлди замон, Хадича.

Сенингдек нозанин жаҳона келмас,  
Кўрсам кўзим тўймас, кўнглим айрилмас,  
Кўрк – чиройда сенинг билан тенг бўлмас,  
Саксон қиз, саксон минг жувон, Хадича.

Бу қандай сирдирки, билобилмадим,  
Улай дедим, аммо ўлобилмадим,  
Афсус, жафо чекдим, олабилмадим,  
Юракда кўп қолди армон, Хадича.



## Бердиназар ХУДАЙНАЗАРОВ

(1927-2001)

XX асрнинг 60-70 йилларида туркман поэзиясининг етук намояндалари қаторида ижод қилган Бердиназар Худойназаров 1927 йил Ашхобод туманидаги Қизилсоқол қишлоғида дунёга келган, Туркменистон халқ ёзувчиси. У 1959 йилда Москвадаги адабиёт институтини тамомлаб, дастлаб турли газета ва журналларда, 1991 йилдан Туркменистон Ёзувчилар уюшмаси раиси вазифасида ишлаган. "Махтумқули ҳузурида", "Чўл туяси", "Ҳайронлар қоласан", "Ишонч", "Чўпон" каби қатор гоёвий етук, бадий юксак шеърлари билан адабиёт мухлисларининг қалбидан мустаҳкам ўрин ола билган истеъдод эгаси. Турли йилларда унинг қатор шеърли тўпламлари чоп этилган. Шунингдек, У "Сувнинг хиди" (1983), "Саҳройилар" каби бирқанча романлар муаллифи ҳамдир. Ёзувчининг "Саҳройилар" романи Ҳабиба Мансурова томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, 1984 йилда "Ғафур Ғулум" номидаги адабиёт ва санъат нашриётида чоп қилинган.

## Биз ~ туркманлар

Биз – туркманлар,  
Саҳройи халқ, саҳройи.  
Саҳродек, оламдек кенгдир юрагимиз.  
Саҳрода кутиб олсак кунни, ойни  
Ҳамда, дўстлар, бутун бўлса чўрагимиз\*.

Ҳар кун эшиклардан нур сочиб порлаб,  
Чиққан Офтобни шоштирамиз эр билан.  
Токи силла қуригунича, «мириқиб» ишлаб,  
Она Ерни қондирамиз тер билан.

Ёзнинг ҳарорати қиздириб бизни,  
Кузда қозонимиз шақирлаб, тошар.  
Баҳор эшитибоқ кузнинг сўзини,  
Хонамизга кирмоққа шошар.

Баҳор бизга,  
Биз ҳам баҳорга ошиқ.  
Пайқаганлар, бизни эгизакми дер.  
Шоирмиз баримиз,  
Юраклар тошиб,  
Баҳорнинг шаънига тўқилади шеър.

\*Чўрак – нон.

## Гурбонназар ЭЗИЗОВ

Такрорланмас истеъдод эгаси, Туркменистон халқ ёзувчиси, Махтумкули номли Давлат мукофоти соҳиби.

У Туркменистоннинг Аҳал вилояти, Кўктепа тумани, Савитли қишлоғида таваллуд топган. 1964 йили Туркменистон давлат университетининг тил-адабиёт факультетини тамомлаган. “Мудом тайёр” болалар газетасида, сўнгра “Адабиёт ва санъат” газетасида, 1972-1975 йилларда Туркменистон Ёзувчилар уюшмасининг адабий маслаҳатчиси вазифасида ишлаган. Унинг ҳаётлигида “Ином” (“Ишонч”, 1971), “Ер-осмон орасида” (1973) тўпламлари, вафотидан кейин “Сарпоҳ (1977), “Қиз” (1978), “Сардорим” (1990), “Туркман саҳроси” (2007) шеърый китоблари ва бошқа асарлари дунё юзини кўрди.

## Шугрум

Тузинг едим сенинг, нонингни едим,  
Шаккоклик қилмадим, Аллоҳга шукур.  
Гоҳ кўқларга учдим, гоҳ ерга эндим,  
Лек ўздан кетмадим, Аллоҳга шукур.

Номинг билан илк сўзимни бошладим,  
Оқладим тузингни, ёлғон ёзмадим.  
Қаҳратон қишингда бирга қишладим,  
Фақат сенинг, ёзинг билан ёзладим.

Не йўқотсам, кучоғингда йўқотдим,  
Не изладим, оғушингда топдим мен.  
Сен туфайли дунё не, англаб етдим,  
Фаму ташвиш, шодлигингда оқдим мен.

Хув, қоя бағрида кўринган боғнинг,  
Тепасидан йиглаб алам-ла кечдим.  
Лек эртаси, туман тарқаб, шу тоғнинг,  
Сўлим кучоғида ол шароб ичдим.

Қайда юрсам, бирга бўлдинг. Сўнг билсам,  
Сен бирла қоришган ўн икки мучам.  
Ҳатто ғайри чаман-гулга алишмам,  
Товонимга ботган тиканингни ҳам.

Миннатдорлик сўзи оддий бўлармиш,  
Оқ бўлсин йўлларинг, бардавом кетсин.  
Мен боқий кўз юмсам, келиб фасли қиш,  
Бағрингда ётмоқни муяссар этсин.

## Карим ГУРБОННЕПЕСОВ

Туркменистон халқ ёзувчиси, Махтумкули номидаги Давлат мукофоти соҳиби. Туркменистоннинг Кўктепа туманидаги Юлғун қишлоғида туғилган. Унинг дастлабки машқлари “Мудом тайёр” газетасида, “Тўқмоқ” сатирик журналида босилган.

1951 йилда шоирнинг илк жиддий асари – “Кучимнинг манбаи” чоп этилди. Сўнгра “Шеър ва поэмалар” (1958) китоби, “Тоймас бобо” (1960) поэмаси чоп қилинди.

Шоирнинг шеърлари мазмундорлиги, бадиийлиги, соддалиги билан ажралиб туради.

## Чинор

Турибсан-а, савлатингга гердайиб,  
Майли мақтан, гердай қанча истасанг.  
Аммо бунча гердайишдан, кошкийди,  
Маъни йўқлигини бир оз англасанг.

Тўғридир, бугунча зўр савлатинг бор,  
Вақт етиб, умрингга ясалса якун,  
Бугунги қоматинг, “улуғворлигинг”,  
Бор шуҳратинг билан тугар бус-бутун.

Ҳатто ёнбошингдан ўтган ҳар бир кас,  
Абадий яшашга даъво қилолмас.  
Улар ҳам оламини тарк этгач, кейин  
Вақт синовидан балки ўтолмас.

Лекин сен бугунча бўлсанг-да кўркам,  
Сўнг ўтгач кун-ойлар, ўтгач асрлар,  
Ўсиб-улғайганинг сенинг шу жойда,  
Ўйлайман, эсламас келган насллар.

Турибсан-а, савлатингга гердайиб,  
Майли мақтан, гердай, неча истасанг.  
Аммо бунча гердайишдан, кошкийди,  
Маъни йўқлигини бир оз англасанг.





# Туркман шеърятидан таржималар

## Раимбой СОБИРОВ

1933 йилда таваллуд топган. Туркменистоннинг Тошўғиз шаҳрида истиқомат қилади. У 1955 йилда Тошкент Давлат чет тиллар олийгоҳининг француз тили куллийетини битказган. Туркман ва ўзбек тилларида ижод қилади. “Юмалоқ дунё”, “Гирдобдан соҳилга”, “Сирли мақомлар”, “Инсоф”, “Дунёнинг сири” қиссалари, “Қиз амали”, “Кутилмаган жазо”, “Азроилнинг ҳазили” каби ўнлаб саҳна асарлари ва бирқанча романлар муаллифи.

## Рубоийлар

Ҳаётда шодлигу ҳам азоб бордир,  
Олдинда гуноҳу ҳам савоб бордир,  
Қайсиси устувор, ўзинга боғлиқ,  
Билки, поёнида сарҳисоб бордир.

\* \* \*

Дерлар, келар бир кун охирзамона,  
Одамзот насли-чун бу бир афсона,  
Лекин ҳар кишининг замон охири,  
Келгуси муқаррар тўлса паймона.

\* \* \*

Одамлар тилаги азал адолат,  
Адолат бўлмаса, барчаси ғалат.  
Тенг сочар заминга қуёш шуъласин,  
Ул шуъла тушмаса ер бўлар барбод.

\* \* \*

Риёкорга қилсанг турфа яхшилиқ,  
Уйғонмас қалбида бир туйғу илиқ.  
Қора тош устида ўсмас экан гул,  
Бағри тошдан кутма ҳаргиз хуш қилиқ.

\* \* \*

Дунёга кўз тикма, у гавжум бозор,  
Соврилар бир дамда, бўлма умидвор.  
Қаноат – бойлиқдир, нафс – гадолик,  
Мол йиққан ўзига орттирар озор.

\* \* \*

Кўнгил бир гулшандир, етмаса озор,  
Ширин сўз билан у доим лозазор.  
Гулзорни топташдир кўнгилга тегмоқ,  
Дерлар: дилозордан Худо ҳам безор.

## Гўзал ШОҚУЛИЕВА

Туркменистон қаҳрамони, Махтумқули номли халқаро мукофот соҳиби, Туркменистон халқ ёзувчиси. У 1940 йилнинг 11 августида Мори вилоятининг Мурғоб тумани “Мерос” деҳқон бирлашмаси (қишлоғи)да таваллуд топган. Кўпгина шеърлар тўпламлари муаллифи. 2015 йилда унинг Ашхободдаги Туркман давлат нашриётида “Кўнгил менинг Ой ичинда” деб номланган сайланмаси чоп қилинган. Қуйида шу тўпламга кирган шеърларидан намуналар келтирилди.

## Ёшлик

Бир фасл бу – кенгликлари бепоён,  
Тошқин дарё каби оқиб борадир.  
Бир фасл бу – камалакдай нурафшон,  
Хушбўй иси жонга ёқиб борадир.

Баҳорида сози, ёзида булбул,  
Ойнинг қучоғида, осмонда кўнгил,  
Файрат ҳавас қайнар жонида буткул,  
Кўзларида чақмоқ чақиб борадир.

Олам баҳорини ёшлиқдан олар,  
Ёшлиқдадир тар япроқли ниҳоллар,  
Тиниқ осмон кўрки дилни ёритар,  
Кўксига юлдузин тақиб борадир.

Шод-хуррам кунларнинг жилоси унда,  
Яшнар алвон гуллар либоси унда,  
Кўпмас, сал нарсага шод бўлиб дилдан  
Қайғу-ғам эшигин ёпиб борадир.

Унга шу кун бир ён, умр бир ёнда,  
Уйламас ўтишин, саноқли он-да!  
Ғам-ташвиш нимадир, бақувват жонга,  
Дунёга ишқ бўлиб, боқиб борадир.

Бир фасл бу, одам умрин безаги,  
Бир фасл бу, йўқдир қиши-кузаги,  
Бир фасл бу, гул ёшлиқнинг юраги,  
Жилғадай йўл очиб, чопиб борадир.

Туркманчадан  
Қурбон МУҲАММАДРИЗО таржимаси



Камол ТОҲИР

## Темир йўл изларининг овози

Ҳикоя

Бугун сўнги кун эди. Сўнги кун. Ўттиз беш йилу икки ой кеча кундуз ишлаган бу кулбани ташлаб кетиши керак эди. Нафақага чиқаётганди. Расмийлаштириш ишлари ҳам якунига етган, ҳатто ўрнига янги ишчи тайинланган. Унинг ўрнига кўтаргич (шлагбаум)ни бошқарувчи навбатчи келаётганди.

Нафақага чиқишни ўйламаганди эмас, биларди. Нафақага чиқиш насиб қилса, ҳар бир иш одамининг узун меҳнат йўлидан кейин оқибат тақдири, тинч, осуда жойда, юмшоқ ўринда тинчланиб, ҳордиқ чиқарадиган муддати эди унинг наздида.

Бир неча йилдан бери қишда ишлаш машаққат туғдираётганди унга. Хотираси панд бериб, поездларнинг қатнаш соатларининг тартибини унутиб қўярди. Ётоғидан истар-истамай, малол билан уйғонган кезлари:

– Кўпи кетиб, ози қолди,— дея гудранарди ўз-ўзига.

Ускудорда, Нуҳкуюсуга яқин жойда яшарди. Навбат алмашиб, ҳафталик таътилга чиққан кезлари уйига кетганида, ортига қайтишни интиқиб кутар, шанба тонгида янги-ча куч-қувват, ўзи англамаган истак билан ишига қайтарди.

\*\*\*

Иссиқ пешин қуёшига қоришиб кетган темир йўл излари порлаб турган кезде кулбасидан чиқди.

Атрофни кузатди. Худди бу ерларни ўттиз беш йил кўрмаган, кузатмаган каби борлиқни диққат билан томоша қиларди. Ҳов анави кўмир уюми ҳар доим шу ердамиди? Олдинроқдаги сув депосининг резина жўмраги эскириб қолибди. Ўнг йўлдаги вагонларга қаради. Эҳ-ҳе, қанча вақт оқиб кетмади! Бу вагонлар яп-янги ҳолатда келган пайтларни эслади. Темирдан ясалган вагонлар шу қадар чўкиб, хароб ҳолга келган бўлса, унинг ўзи қай аҳволда экан ҳозир? Бир муддат кулбасидаги кўзгуга қарамоқчи бўлди. Хаёлидан дархол воз кечди. Сигнал фонарига кўзи тушди. Энди уни ишлатмайди. Фонари билан боғлиқ ғалати ҳолатларни хотирлади. Бир кеча фонарининг қизил шишаси синиб, нима қилишни билмай қолганди. Яна бир бошқа кеча уйқусираб адашиб сигнал бериб юборганди. Ўз ишининг устаси, илғор навбатчига айлангунича нималарни бошдан кечирмади. Булар эски хотиралар эди. Ёшлик даврларининг энг гўзал кунлари. Кейинчалик фонарини ҳам синдирмади, навбатчиликда уйқусираб ҳам қолмади. Паровозлар, локомотивлар, бошқа йўлдаги навбатчи кўтаргич бошқарувчиларни овозидан танийдиган бўлганди. Ҳатто ҳиди, ҳавосидан фарқлай оларди поездларни. Шамолига қараб радар тутар, поездларнинг темир изи товушини телефон чақирғидек биларди.

Ялтироқ темир йўл излари кўзларини қамаштириб кулбага кирди. Нарсаларини йиғиштириб, тайёрлаб қўйибди. Эски сандиғи йиллар давомида қўнган кўмир ғуборларидан кирланганди. Станцияда бу ранг ёпишмаган бирор нарса йўқ эди ҳам. Темир қопқоқли, осма калитли кичик сандиқ ҳам станциядан бир парча ёдгорлик. Уни олиб кетишнинг қийинлигини ўйламайди. Аксинча, шу сандиқ станцияда кечган йилларини эслатиб туришидан мамнун.

Қирмизи ёпинчиқ ёпилган йиғма каравотида машина кутяпти. Эрталабданоқ ҳамкасб дўстлари билан хайрлашгани яхши бўлди. Бироз бошини ёстиққа қўйиб дам олади. Ҳозирданоқ нафақада дам олишни бошлайди.

\*\*\*

Янги навбатчи-бошқарувчи ёшроқ эркак эди. Шу атрофдаги станциялардан бирида икки йилдан бери кўтаргич бошқарарди.

– Омон бўлинг, Ражаб ота!— дея қўлини ўпди.

Ражаб сўнги насиҳатлари, тавсияларини такрорлади. Ўз асарини иқтидорига ишонмаган бегона кишига топшираётган сань-аткордек кўрқувда эди. Машинада ётоғи ва кичик сандиғининг орасига ўтириб олди. Филдираклар юришга шайланаркан, пастга қараб овози берди:



– Ўғлим, учинчи йўлнинг кўтаргичи унча яхши ишламайди. Кўтарилаётганда овоз чиқарди. Бор кучинг билан босмагин.

Баландликдан чиқаётиб, станцияга, кўтаргичларга ўнг-сўл тарафига яна бир бор қаради-да, шивирлаб кўйди:

– Раббим, бу кеча бирор ҳалоқат юз бермасин-да...

\* \* \*

Кўтаргич-бошқарувчи Ражаб ота Ражаб бой бўлди. Уйдаги шу пайтга қадар ҳеч қарамаган боғига гуллар экди. Ўртасига мрамар ҳовуз қуриб, ҳовуз атрофини рангли гумбаз билан ёпди.

Ичкарига товуқ катаги қурди. Атрофидаги қишлоқлардан товуқлар келтирди. Гул парваришлаб, товуқ боқишга шўнғиб кетди.

Ҳар куни товуқлари ва гуллари билан машғулликда кунни кеч қиладди. Аёли бир кунга келган меҳмон каби хизматига шай туради. Хожасининг нафақада экани, энди ҳамиша ёнида бўлишини ўйласа аёл мамнунлик туярди. Ўғиллари Рустам эса Кадикўюда ҳайдовчилик қиладди. Ўша ерда уйли-жойли бўлган, хотини, бола-чақаси билан ўша ерда яшарди. Фақат ойнанинг илк кунлари отасига нафақа пулини келтириб берарди.

Ражаб бой тонгдан шомгача эгнига енгил кийим кийволиб, боғида куймаланади. Тушликни боғда ейдилар. Куннинг иккинчи ярми яна боғида ишлайди, қўшнилари нафақага чиққан кўтаргич-бошқарувчининг қай даражада қўли гул боғбон эканлигини кўрсатиб, меҳнат қиларди.

Хуфтон намозидан кейин Ражаб бой кўчалик кийимини кийиб, маҳалладаги қаҳвахонага чиқади. Маҳалладош эркалар билан саломлашиш баҳонасида товуқчилик ва гулчилик ҳақида суҳбатлашадилар. Орада суҳбат дунёда рўй бераётган ҳодисаларга тақалар, аммо нафақадагилар бу суҳбатга унча қулоқ оспасдилар. Ҳаётдан яхшигина таълим олиб, тажриба тўплаган кексалар ўлим вақти яқинлашаётганини, қазо вақтини кутаётганларини эслаб, тарк этишлари муҳаққақ ҳаётнинг завқли онларидан гаплашиб таскин топардилар.

Оқшомда бошланган баҳс-мунозарали суҳбат ярим тунгача гулдан хўрозга, хўроздан тупроқ ўғитлари масаласига, ундан эски кўпқари ва ов ҳикояларига тақаларди.

\* \* \*

Нафақадалигининг тўртинчи ойи эди. Эрталабдан денгиз шамоли лодос эсарди. Ражаб бой пастки қаватдаги кичик сандиқ турган хонасига кирди. Товуқ катагининг темир эшигини кесиш учун кескичини излаётганди. Тўсатдан кўзи темир қопқоқли, қора рангли сандиғига тушди. Сандиғига яқинлашди. Сандиғи билан тўқнашиш шу қадар тез рўй бердики, Ражаб бой бир муддат ўзига келолмади. Оқ енгил кўйлак-лозимли Ражаб бой бир зумда кўтаргич-бошқарувчи навбатчи Ражаб отага айланди. Ўттиз беш йиллик ҳаёти бир-бир кўз олдидан кечди. Ёз куёшида порлаган темир йўл излари, қор зарраларини тўзғитганча яқинлашаётган локомотив тормозларини кўраётганди гўё.

Шу онда узоқ-узоқлардан кўнгилга айрилиқ қўшиғидек оғриқ берган увиллаган товуш эшитилди. Локомотив овози эди у. Дераза очик эди.

Файри ихтиёрий равишда:  
– Фаффор тентакнинг увиллаши бу! – дея пичирлади.

Фаффор тентак тез-тез юргани учун бу лақабни унга ўзи топганди. Фаффорнинг қоп-қора кўмир орасида порлаган кўзларини, кўтаргичдан ўтаётганида қўл силташларини эслади.


Шу онда кесгични, товуқ катагини, боғини, ҳамма нарсани унутди. Жимгина юқори қаватга чиқди. Кийимларини алмаштирди. Ўзини индамайгина кузатаётган аёлига:

– Бироздан кейин қайтаман!– дея кўчага чиқди. Станциягача ҳаяжон билан юрди. Фақат темир йўл изларини кўрганида, энди у ерда қиладиган ҳеч бир иши қолмаганини англади.

Дарахтга суяниб, бир неча соат локомотивларни, ўтган-кетган поездларни кузатди. Юрагини вайрон этаётган ғарибликни, уни бу жўшқин ҳаётдан шафқатсизларча юлиб отган кексаликни ёзғириб, ҳеч нарсани сезмай, бор дунёни унутиб станцияни кузатди. Ўзи каби шохлари кесилган, сояси йиртиқ дарахт тагида ўтириб юм-юм йиғлаётган кўнглини овутолмай темир йўл кўтаргичига маҳзун термулиб қолди.

Ҳозир лодос поезд овозини Нуҳқуюсидаги уйигача келтирган кунларда станцияга узоқдан термилиб қоладиган бир кекса бор. Бу одам йиллар шафқатсизлик билан юлган умрининг қолганини ҳам касбига бағишлашни истаган, яна темир йўл изларининг овози билан яшашни истаган, бунга ҳамиша муҳтож бўлган кўтаргич-бошқарувчи навбатчи Ражаб отадир...

**Турк тилидан Умида АДИЗОВА**  
таржима қилди





Мўмин ВАФО

## Оташин туйғулар урганда тугён

### Госбонлар

Пойингда муқаддас заминдир макон,  
Бошингда мусаффо осмонларинг бор.  
Сени ёвга бериб қўймас ҳеч қачон,  
Ҳамласи арслон-шер посбонларинг бор.

Аёлни муқаддас билган бу миллат,  
Унга ҳайкалларни қурган бу миллат,  
Ҳатто, муқояса қилган бу миллат,  
Ватанни она дер посбонларинг бор.

Ўзингдан ўзгага ичмаган қасам,  
Ўт чиқмаса бекор босганда қадам,  
Ҳеч қачон миллатин қилмайди қарам,  
Ортига қайтмас эр посбонларинг бор.

Асл эр аслида шундай бўлади,  
Ватан равнақидан бахтга тўлади,  
Ўлса ҳам номингни айтиб ўлади,  
Сен бирла жони бир посбонларинг бор.

Шундай юртга ёғий кела оларми,  
Унда шоҳу султон бўла оларми,  
Сарҳад бутлигини бўла оларми,  
Ёвларни қилар ер посбонларинг бор.

### Ҳарбий аёли

Оташин туйғулар урганда тугён,  
Ярим тун қучоғи бўшаб қолади.  
Хаёли тентирар, хаёли гирён,  
Гўё оймомога ўхшаб қолади.

У ҳам соғинади бошқалар каби,  
Лекин билдирмайди буни ёрига.  
Аламларга тўлиб кетса ҳам қалби,  
Чурқ этмас дунёнинг дард-озорига.

Чунки у билади: ёри олисда  
Она Ватанини этар ҳимоя.  
Ҳатто, дардларини айтар оҳиста  
Дейди: "Соғлигингиз менга кифоя."


Оҳ, шундай аёлга қандайин қилиб,  
Бошимни эгмайин, қилмайин таъзим.  
Ёри кетган куни йиғлайди кулиб,  
Ёри келган кунни қилади базм.

Аслида улар ҳам ёри билан тенг  
Шу она Ватанга қилади хизмат.  
Сизга бўлсин фақат дунёдаги энг  
Эҳтиромлар бирла хурмату иззат.

Ҳар кимга ҳам насиб этмаган, ахир,  
Қаноат, латофат мужассамисиз.  
Ўзбекистон сиздан этажак фахр,  
Ҳарбий эркакларнинг мукаррамисиз.



# Кунлардан бир кун...



Жуброн Халил ЖУБРОН



## Кўриғич – кўриғич

Бир кўни кўриғичдан сўрадим:

– Бўм-бўш дала ўртасида серрайиб туравериш, наҳотки, сенинг жонингга тегмаган бўлса?...

– Қарғаларни кўрқитиш – шундай чексиз хузур-ҳаловатки, шундай қувончки, – жавоб берди у, – бундай хузур ҳеч қачон бадга урмайди.

– Ҳақ сўзлар, – қувватладим уни ва бироз ўйланиб давом этдим, – бундай завқ менга ҳам танишдай туюлди.

– Кимнингки, ичига сомон тиқиб қўйган бўлса, бундай завқдан бегона бўлолмайди, – дея мингиллади кўриғич.


– Ўша пайтда кўриғич мени маъқулламоқчи бўлди, билолмай кетавердим.

Орадан бир йил ўтди, кўриғич бу пайтда файласуфга айланган эди. Мен яна бир гал кўриғич ёнидан ўтаётганимда унинг шляпаси остида икки қарға уя қуриб олганини кўрдим.

## Арадус шоҳи

Бир кун Арадус шаҳрининг кексалари шаробни ва бошқа маст қилгувчи ичимликларни истеъмол қилишни шаҳар ҳудудида тақиқлаш ҳақида фармон беришни сўраб, шоҳ хузурида ҳозир бўлдилар. Шоҳ эса, кулганича уларга елка ўғирди. Кексаларнинг энсаси қотиб шоҳ хузуридан ташқарига чиқдилар. Улар сарой дарвозаси пойида шоҳнинг бош маслаҳатчисини учратиб қолишди. Маслаҳатчи кексаларнинг хафалигини кўриб, дарров гап нимадалигини англади ва уларга қарата шундай деди:

– Агар сизлар шоҳга бадмаст ҳолда учраганингизда эди, у албатта илтимосингизни бажарган бўларди.



## Тулки

Эрталаб қуёш чиққанда тулки ўз соясига қараб деди:

– Бугунги нонуштамга битта туя тутиб келаман. Ва шу кўйи тулки туя излаб овора бўлди. Кун пешинга етиб, қуёш тиккага келганда у яна ўз соясига қараб олди ва тўнғиллади:

– Сичқонга ҳам озор бермайман...



## Мунажжим

Дўстим менга ибодатхона соясида ёлғиз ўтирган кўр одамни кўрсатиб деди:

– Мана бизнинг мамлакатимиздаги ягона донишманд одам.

Сўнг дўстим билан хайрлашиб, кўрнинг қошига бордим. Саломлашдим. Бир суҳбатлашганимиздан сўнг ундан:

– Гапимни кўнглимга олмагин-у... қачондан бери кўрмай қолгансан? – деб сўрадим.

– Мен туғма кўрман, – жавоб берди у.

– Сен қайси соҳада донишмандлик даражасига етдинг?

– Мен мунажжимман, – деди кўр ва қўлини кўкрагига уриб изоҳ берди. – Мен шу ердаги қуёшни ой ва юлдузларни қўзатаман.

## Гўрков

Бир гал мен қазо қилганларимдан бири “мен”ни дафн этиб бўлганимда, ёнимдан ўтаётган гўрков гап ташлади.

– Бу ерга яқинларининг ўликларини кўмиб кетаётганларнинг ҳаммасидан кўра сен менга маъқул бўлдинг.

– Кўнглимни кўтардинг, – дедим мен, – лекин нима сабабдан мени афзал кўрдинг?

– Чунки, – деди гўрков бошқалар бу ерга йиғи билан келиб кетадилар. Фақат биргина сен табассум билан келиб, табассум билан кетасан.

## Файласуф ва этикдўз

Бир кун йиртилиб қолган этигини яматиш учун файласуф этикдўз дўконига борди.

– Барака топгур, шу этигимни ямаб берасанми? – илтимос қилди у.

– Мен ҳозир қўлимдагисини тикиб бўлай, қолаверса, ана, қанча йиртиқ этиклар кўлимга қараб ўтирибди, – жавоб берди этикдўз, – ҳаққимни ҳалоллашим керак. Аввал келганларни тузатай, кейин сеникини оламан. Яхшиси сен этигингни менга қолдириб кетгин-да ўрнига мана бу этикни кийиб ол. Бир кунга чидаб беради. Эртагача ўзинингkini тахт қилиб кўяман.

Файласуф ўзини тутолмай ғазабланиб бақирди:

– Ўзгаларнинг этигини кийиб юриш менга тўғри келмайди.

– Ахир сен қандай файласуфсанки, Ўзгалар этигида юра олмасанг, – деди этикдўз, – ана, менга яна бир этикдўз кўшни яшайди. У файласуфларни яхши кўради. Сен унга бор, у этигингни ямаб беради.



## Изланиш

Минг йил аввал Ливанда тоғ ёнбағирларининг бирида икки файласуф учрашиб қолди:

– Йўл бўлсин? – сўради биринчиси. Бошқаси жавоб берди.

Мен ёшлик чашмасини излаб юрибман. У мана шу тоғ тизмаларидан сизиб чиқар экан. Мен ўрганган қадимги китобларда айнан шу ёшлик чашмаси ҳақида айтилган. Бу чашма гул каби қуёшга интилар экан. Ўзингчи? Ўзинг нимани ахтаряпсан?

– Мен ўлим сирини излаб юрибман, – деди биринчи файласуф. Файласуфларнинг ҳар бири ўзиникини маъқул билди ва бир-бирларини руҳий кўрликда айблаб, қизғин баҳслашдилар.

Улар оламни бузиб, бир-бирларига бақирашаётганларида, қишлоғида соддадил, гўл ҳисобланган бир одам шу ердан ўтиб қолди. У нима ҳақдир қизғин баҳшлашаётганларни

кўриб тўхтади. Сўнгра баҳслашувчиларнинг даъволарини эшитиб, уларнинг ёнига келди ва деди:

– Дўстларим, менга аниқ бўлдики, сизнинг иккингииз ҳам битта фалсафа оқимига мансубсиз ва битта нарса ҳақида икки хил тилда гапираётисиз, битта ҳақиқатни ҳар бирингиз ҳар хил сўзлар билан тушунтиряпсиз. Сизлардан бирингиз ёшлик чашмасини, иккинчингиз эса, ўлим сирини излаб юрибсиз. Моҳиятан эса улар ажралмасдир. Бир мақсадга ҳар бирингиз ўз йўлингиз билан келяпсиз, холос.

Омон бўлинг, донолар, – деди-да, йўловчи ўз йўлига равона бўлди ва улардан бир неча қадам узоқлашгач, самимий кулиб юборди.

Икки файласуф бир неча лаҳзага бир-бирига жим тикилиб қолишди, сўнг улар ҳам кулиб юборишди.

– Нима бўпти, – деди улардан бири, – кетдик бирга излаймиз.

**Бахтиёр САЛОМОВ** таржимаси.